СИРЛАР ВА ЁЛҒОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЙНОҚ ОСТИДА ОЛИНГАН МАЖБУРИЙ ИҚРОРНОМАЛАР

AMNESTY INTERNATIONAL

ҚИЙНОҚЛАРНИ БАС ҚИЛИНГ

Халқаро Амнистия инсон ҳуқуқларидан барча инсонлар бирдек баҳра олишлари учун 7 миллиондан ортиқроқ инсонлар томонидан кампаниялар олиб боришга хизмат этадиган глобал ҳаракат.

Бизнинг мақсадимиз ҳар бир инсон Инсон ҳуқуқлари универсал декларацияси ва бошқа халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларида белгиланган барча ҳуқуқлардан баҳра олишлигига қаратилган.

Бизнинг ташкилот ҳар қандай давлат, сиёсий мафкура, иқтисодий манфаат ёки диндан ҳоли бўлиб асосан аъзолик ва аҳолидан келиб тушадиган тўлов ва хайрия бадаллари орқали молияланади.

AMNESTY
INTERNATIONAL

Биринчи марта 2015 йилда нашр қилинди
Халқаро Амнистия Ltd
Peter Benenson House
1 Easton Street
London WC1X 0DW
United Kingdom

© Халқаро Амнистия 2015 йил

Index: EUR 62/1086/2015
Асл тил: Инглиз тили
Халқаро Амнистия Бош Котибияти томонидан
Буюк Британияда чоп этилди

Барча ҳуқуқлар химояланган. Бу нашр муаллифлик ҳуқуқига эга лекин, ҳимоя, кампания ва таълим мақсадида текинга ҳар қандай усулда қайта чоп этилиши мумкин, лекин сотувга рухсат этилмайди.

Муаллифлик ҳуқуқига эгалик қилувчилар барча фойдаланишлар таъсир миқёсини белгилаш учун рўйхатдан ўтказишни сўранадилар. Бошқа ҳар қандай шароитда нусха кўчириш ва бошқа нашрларда ишлатиш, таржима қилиш ёки мослаштириш учун ёзма рухсатнома нашриётдан сўралиши шарт ва ҳақ тўланиши мумкин. Рухсат олиш ёки бошқа сўровлар учун copyright@amnesty.org га мурожаат қилинсин.

Муқовадаги сурат: Қўллари боғланган эркак
© ABBPhoto/iStock

amnesty.org

МУНДАРИЖА

Луғат 3

1. Асосий баёнот 4

2. Услубият 11

3. Мамлакатдаги вазият тарихи 13

3.1 Дин ва хавфсизлик 14

3.1.1 1999 йилдаги Тошкентдаги портлашлар 16

3.1.2 2005 йилдаги Андижон қирғини 17

4. Айблов ва суд олди ҳибсхоналаридаги қийноқлар 20

4.1 Қийноқ усуллари 23

4.2 Қийноққа солиш жойлари 25

5. Ўзбекистонннинг халқаро мажбуриятлари ва уларни махаллий миқёсда амалга оширишда қўйган қадамлари 30

5.1 Халқаро қонунлар ва меъёрлар 30

5.1.1 Қийноқ ва бошқа ноинсоний муомаланинг мутлақ таъқиқи 30

5.1.2 қийноқ остида олинган кўрсатмаларнинг қабул этмаслик 31

5.2 Ўзбекистон ички қонунчилигида қийноққа қўйилган таъқиқлар 32

6. Мажбуран олинган иқрорномалардан жиноий иш жараёнида қўлланилиши 35

7. Жазосизлик 40

8. Миллий хавфсизлик номи билан поймол этилган инсон ҳуқуқлари 42

8.1 Оилалар таъқиби ва гумондорлар рўйхати 46

8.2 Ўзбекистонга мажбурий қайтарилишлар 49

9. Қамоқхона шароитлари ва мониторинг 52

9.1 Қамоқ муддатини узайтиришлар 52

9.2 ЕЯроқли тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги 54

9.3 “Давлатга қарши” ҳаракатларда айбланиб қамалган маҳкумларга бўлган муомала 55

9.4 Қамоқхона мониторинги 56

10. Халқаро тадқиқ 58

10.1 Халқаро инсон ҳуқуқлари механизмларининг топилмалари 58

10.2 Халқаро ҳамжамиятнинг сукути 60

11. Ҳулоса ва тавсиялар 62

11.1 Ҳулоса 62

11.2 Тавсиялар 62

ЛУҒАТ

ҚҚК – Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси

ЖПК – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси

ЎИХС –Оврўпо инсон ҳуқуқлари Суди

ФСХХП – БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Пакти

ИЖБ – Исломий жиход Бирлиги

ЎИҲ – Ўзбекистон исломий Ҳаракати

ИВС– Ички ишлар вазирлиги ваколати остидаги вақтинчалик ҳибсда сақлаш жойи (русчадан олинган: "Изолятор временного содержания")

МВД – Ички ишлар вазирлиги (русчадан олинган: "Министерство внутренных дел")

ҚҚКИП – БМТнинг Қийноқ ва бошқа бошқа шафқатсиз, ноинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясининг Ихтиёрий Протоколи

Хавфсизлик кучлари – Ушбу ҳисоботда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати назорати остида бўлган барча ҳуқуқни мухофаза қилиш кучларига тегишли

Шизо –Жазо изолятори (русчадан олинган: "штрафной изолятор")

СИЗО – Тергов изолятори (русчадан олинган: "Следственний Изолятор")

СНБ – Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати (русчадан олинган: "Служба Национальной Безопастности")

Тоштурма – Пойтахт Тошкентдаги Ички ишлар вазирлиги остидаги марказий суд олди изолятори

1. АСОСИЙ БАЁНОТ

“Улар [Ўзбекистон ҳукумати] Сен Ўзбекистондан бориб уларга Ўзбекистон сирларини очдинг деб айтишади. Шунинг учун улар мен ҳақимда умуман билмасликлари керак. Агар билиб қолсалар мени ўша заҳоти қамоққа ташлайдилар.”

Зухра Ўзбекистонлик собиқ маҳбуса, Халқаро Амнистия билан учинчи мамлакатда суҳбатлашди.

Мана булар Зухра ошкор этишга қўрққан сирлар: Милиция ходимлари уни сўроққа чақиришди, вақтинчалик ҳибсда сақлаш марказига олиб бориб терговхонада уни бутун баданини калтаклашди. Улар Зухрани экстремист исломий гуруҳга аъзоликда айбланаётган икки қариндошига қарши кўрсатма беришларини хохлашарди. У терговхонада стулга кишанланган ҳолда ўтирар экан, девор ортидаги ва поллар тагидан эшитилаётган эркак ва аёлларнинг қичқириқларидан даҳшатга тушди. У милиция ходимлари аёлларни яланғоч қилиб ечинтирган ҳолда бошқа ходимлар олдида тургизиб мазах қилганларини ва жинсий ҳақоратларга дучор қилганларини ўз кўзи билан кўрди. У ходимлар аёлларни қон чиққунча калтаклаганларини, бурни ва оёқларини синдириб ташлаганларини, қандай қилиб уларни ечинтириб полга ёткизган ҳолда устига чиқиб эзишларини ҳам кўрди. У ёш йигитларнинг товонлари дубинка билан тинимсиз калтаклашларидан “эриб” кетганлигини кўрди. Судя унинг қариндошларидан биридан суд залида нима учун таъқиқланган исломий ташкилотга аъзолигига иқрор бўлганини сўраганда, “қийноқларга бошқа чидолмадим, шунинг учун Агар менга ишонмасангиз мана қўлларимни кўринг” дея жавоб берганини кўрди. У хавфсизлик ходимлари уларнинг қўл оёқларини қайноқ печкага босиб куйдирганликларини айтди. “ Мен бу қоғозларга фақатгина қийноқларга чидолмаганимдан қўл қўйдим” деди. Суд маҳкамасига гувоҳ бўлган Зухра, судя буларни сукут сақлаган ҳолда тинглаганинни ва қийноқ остида олинган иқрорномани қабул қилганини айтди.

Буларнинг хаммаси Ўзбекистон ҳукуматҳукумати қўполлик билан рад этган сирлардир: Хавфсизлик кучлари бутун оилаларни нишонга олмоқдалар. Кўп ҳолларда ака укалар, опа сингиллар, эр- хотинлар, ўғиллар, қиз фарзандлар, жиянлар, ота-оналар асоссиз ҳибсга олиниб, қийноққа ёки бошқа номаъқул муомалага тутилиб уйдирма айбловларга иқрор бўлишга мажбурланадилар. Ушбу иқрорномалар асосида адолатсиз суд маҳкамаларидан сўнг узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этиладилар. Зухранинг оиласидаги деярли барча эркаклар ёки қамоқхонадаларда, ёки яширинган ёки хаётидан қўрқиб мамлакатни ташлаб чиқиб кетганлар. Зухранинг ўзи милиция идорасига доимий равишда рўйхатдан ўтиш учун боради ва унинг уйи кузатув остида. “Ўзимизнинг уйимизда ўзимизга тинчлик йўқ”, дейди Зухра. “Эрталаб турамиз, агар дарвозамиз олдида машина турган бўлса, юрагимиз дук-дук уради. Юракларимиз заиф бўлиб қолган шунақа, биз учун хаёт йўқ, умуман хаёт йўқ бўлиб қолган... Уйимизда бирорта эркак қолмаган. Хаттоки неваралар ҳам қолмаган.”

Зухранинг бу маъюс ҳҳикояси ягона ҳикоя эмас. Ўзбекистон ҳукуматининг мунтазам ва сурбет раддияларига қарамай, Халқаро Амнистияга ҳибсга олиш ва қамоққа кўчириш пайтида, милиция назоратхонаси ва судгача бўлган ҳибсда сақлаш муассасаларида, ва суддан кейинги ҳибсда сақлаш марказларида мунтазам ва кенг тарқалган қийноқ ва бошқа ноинсоний муомала хавфсизлик кучлари ходимлари томонидан қўлланилиши борасида қатъий ва ишончли даъволар келиб тушган

Халқаро Амнистиянинг *Сирлар ва ёлғонлар: Ўзбекистондаги қийноқ остида олинган мажбурий иқрорномалар* деб номланган ҳисоботи қийноқлар қўллови, адолатсиз жиноий суд маҳкамалар ва Ўзбекистон ҳукумати ва унинг ходимлари томонидан амалга ошириладиган бошқа мутъасил инсон ҳуқуқлари поймол этилиши тўғрисида янги ва муҳим маълумотларни тақдим этади. Ушбу ҳисобот шунингдек Халқаро Амнистия 1992 йилдан бери хужжатлаштириб келган ишлар ва хавотриларига янгилик киритади. Асосий топилмалар қуйида жамланган.

Қийноқлар Ўзбекистон жиноий адлия тизимида кенг ёйилган. Хавфсизлик кучлари қийноқларни жиноий ишларда айбланган эркак ва аёлларга қарши қўллайдилар, булар ичига шунингдек ўғирлик ва қоттиликда айбланган шахслар, шуниндек ҳукуматга ёқмай қолган шахслар, собиқ амалдорлар, милиция ходимлари ва тадбиркорлар ҳам киради. Аммо охирги 15 йил давомида қийноқларга “давлатга қарши” ва терроризм билан боғлиқ кўрилган эркак ва аёллар айниқса кўпроқ дучор этилган ҳолатлар сони ортиб бормоқда. Булар жумласига айниқса давлат назоратидан ташқарида ёки мустақил имомлар бошчилигида бўлган масжидларда ибодат қилувчи мусулмонлар, сиёсий мухолифат партияларига, таъқиқланган исломий ҳаракат ёки исломий гуруҳларга аъзо ёки аъзолиги гумон этилган шахслар ва ҳукумат тарафидан миллий ва худудий хавфсизликка тахдид деб кўрувчи барча шахслар киради.

Ўзбекистон ҳукумати кўпинча “мустақил” мусулмонларга ва ноқонуний исломий гуруҳ ёки фирқаларнинг хақиқий ёки гумондор аъзоларина нисбатан репрессив чораларини оқлаш мақсадида терроризмга қарши кураш ва “давлатга қарши” ҳаракатларни олдини олиш ва миллий хавсизликка даъват этади. АҚШ томонидан бошқариладиган глобал “терроризмга қарши уруш”, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги урушда АҚШнинг асосий иттифоқчиси сифатида тутган ўрни ва гуруҳгуруҳ.

АҚШниг Марказий Осиё бўйича Давлат Бош котиби ёрдамчиси Ниша Бисвал 2014 йилнинг декабр ойидаги Ўзбекистонга ташрифидан сўнг “Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларда тўғри мувозанатли босим, хамкорлик ва қандай қилиб ўзгариш ясаш борасида маълум миқдордаги стратегик сабр бирикмаси лозимдир” деб айтди. “Стратегик сабр” шунингдек Ўзбекистон ва Оврўпо Иттифоқи ва Оврўпо Иттифоқига аъзо давлатлар каби халқаро акторлар, айниқса Олмония ўртасидаги алоқаларда ҳам 2010 йилдан бери минтақадаги хавфсизлик, энергия хавфсизлиги ва аксил террор бўйича хамкорлик аста секин инсон ҳуқуқлари ва фуқаровий эркинликлар борасидаги хавотирларни сиёсий ва харбий кун тартибининг сояси остида қола бошлагандан сўнг ўзига ҳос хусусиятни кўрсатишни бошлади.

Дунёдаги энг авторитар давлатлардан бири бўлган Ўзбекистон ичида эса коррупция кенг илдиз отган ва қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини заифлаштиради. 2011 йилда ҳибсга олиниб қийноққа тутилганига қадар Ўзбекистонда кўплаб дўконлар тизимига эгалик қилган муваффақиятли турк тадбиркори Вахит Гунеш Ўзбекистондаги коррупцияни хаётнинг барча жабхаларига таъсир этувчи “хамма жойга тарқалган саратон касаллиги” дея тасвирлайди. Коррупция суд хокимияти ва жиноий адлия тизими бўйлаб кенг тарқалган. Порахўр судялар айбланувчиларнинг оилаларидан қамоқ жазоси муддатини камайтириш учун пул талаб этадилар ва Миллий хавфсизлик хизмати (СНБ) ходимлари ҳибсланган ва маҳбуслардан улкан поралар ундириш учун қийноққа тутадилар ёки қийноқ билан қўрқитадилар. Ўзбекистондаги мунтазам коррупция хусусияти мамлакатда қийноқ ва бошқа инсон ҳуқуқлари бузилишларини йўқ қилиш йўлидаги тўсиқдир.

Яна бир асосий тўсиқ инсон ҳуқуқлари ҳолатини кузатувчи халқаро ва мустақил мониторингнинг Ўзбекистонда йўқлигидир. Ўзбекистон халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ва хорижий ахборот хизматларига буткул ёпиқдир. Ўзбекистон ҳукумати Халқаро Амнистиянинг мамлакатга ташриф буюришга рухсат бериш илтимосини

рад этди ва у ерда инсон ҳуқуқлари ҳолатини яхшилашга қаратилган сухбат ўтгазишга бўлган ҳаракатларини эътиборсиз қолдирди.

Методология

Ўзбекистонга кириш билан билан боғлиқ тўсиқларга қарамай, Халқаро Амнистия қийноқлардан омон қолган инсонлар ва уларнинг оила аъзолари, ҳуқуқшунослар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, журналистлар, сиёсий фаоллар, ҳукумат расмийлари, ва Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бузилишларидан хабардор шахслар билан кеч 2013 ва 2015 йилнинг феврал ойи орасида Европа, Шимолий Америка, ва Марказий Осиё бўйлаб 60 дан ортиқ интервюлар ўтказди. Барча интервюлар суҳбатдошларнинг ва маълумот хавфсизлиги таъминлаш учун қаттиқ хавфсизлик чоралари остида ўтказилди.

Қийноқ усуллари

Мазкур ҳисобот учун тадқиқотлар олиб бориш жараёнида Халқаро Амнистия Ўзбекистон хавфсизлик кучлари 1992 йилда ташкилот томонидан хужжатлаштирилган кўплаб қийноқ услубларидан хамон фойдаланаётганидан хабардор бўлди.

Қийноқлардан омон қолган шахслар, уларнинг қариндошлари ва инсон ҳуқуқлари химоячилари томонидан тасвирлаб берилган энг кенг тарқалган ва кўп ишлатилувчи усуллар қуйидагилар:

- **Калтаклашлар:** қўл ва оёқлар билан, дубинка, резинка ва темир таёқлар, сув тўлдирилган пластик шишалар билан ҳибсдаги шахсни ёки гумонланувчини шипдаги илмоқларга қўлидан осиб, кўпинча қўлларини орқасига бойлаб, ёки радиатор ва деворга ўрнатилган темир панжараларга кишанлаб қўйган ҳолда калтаклаш. Бундай ҳолда ҳибс этилганлар бошини олдига пол томон эгишга ва орқага боғланган қўлларини чўзишга мажбур этилганликларини ҳам тасвирлайдилар.

- **Димиқтириш**: пластик халталар ёки газга қарши ниқоб ҳибсдагини бошига кийдирилади. Газга қарши ниқоб яхшилаб ўрнаштирилади ва ҳаво йўли қурбон ўзини йўқотгунча ёки деярли хушсизлангунича тўсилади. Кўп ҳолларда қурбонлар бу кўргулик пайтида стулга қўллари орқасига кишанланган ҳолда ўтирадилар. Қийноқдан омон қолганлар баъзан сув ёки захарли тутун газга қарши ниқоб ҳаво йўлига киритилганини ҳам айтганлар.

- **Аёл ва эркакларни жинсий зўрлаш ва таҳқирлаш:** Қийноқдан омон қолганлар милиция ходимлари томонидан эркакларни шиша идиш ва дубинка каби нарсалар билан жинсий зўрлашлари ва таҳқирлашларини, аёллар ва эркакларни эса гуруҳ бўлиб зўрлашларини айтганлар. Собиқ маҳбуслар ва қийноқдан омон қолганлар жинсий зўравонлик ва тахқирлаш диндор мусулмон аёл ва эркакларнинг иродасини синдириш учун атайин қўлланилишини даъво қиладилар. Жинсий зўравонлик билан боғлиқ иснод сабабли қийноқ қурбонлари бу хақида гапиришга айниқса қийналадилар. Улар ўзи ва оилалари шаънига доғ тушгандек ва шу сабабли уларнинг жамиятдаги ўрни пастга урилгандек ҳис қиладилар.

Бошқа усуллар қаторига яна рухий азоб, озиқ овқат ва сувдан махрум қилиш, ўта жуда иссиқ ёки совуқ ҳароратларга солиш, уйқу бермаслик, электр шок ва жинсий хўрлашлар киради.

Қийноқ жойлари

Қийноқ ва бошқа ноинсоний муомалар асосан милиция ва МХХ (СНБ) назорати остида гумондорлар ва ҳибс этилганларни тергов олди ҳибсда сақлаш марказларида (ИВС) ва суд олди ҳибсда сақлаш марказларида (СИЗО)да ҳибсга олинганга қарши айблов эълон қилиниб суд ҳибс этишга буйруқ берганидан сўнг жиноятга иқрор этдириш мақсадида амалга оширилади..

Аммо, хавфсизлик ходимлари гумондорни қўлга олгандан сўнг бирор бир расмий ҳибсхонага ҳам етиб бормай дархол калтаклашлари одатдан ташқаридаги ҳол эмас. Кўплаб собиқ ҳибсда сақланганлар ва қийноқдан омон қолганлар қандай қилиб милиция ёки МХХ ходимлари уларни машинада милиция идорасига олиб кетаётгандаёқ калтаклашни бошлаганларини айтиб берганлар.

Кўп ҳолларда қийноқни амалга оширган ходимлар расмий форма киймайдилар ва юзига ниқоб тақган бўлишади, бу эса уларни таниб олишни қийинлаштиради ва ҳибсга олинганларни янада кўпроқ қўрқитади. Собиқ маҳкумлар милиция ва МХХ ходимлари қандай қилиб бошқа ҳукм этилган маҳбуслар ва оддий жиноятлар билан қамалган маҳбуслардан уларни қийноққа солидга фойдаланишларини тасвирлаб берганлар. Бир собиқ маҳкум уларни хавфсизлик кучларининг “қўл ва оёқлари” дея тасвирлаган.

Одатда қийноқ қўлланиладиган хоналар милиция идорасининг ва ҳибсда сақлаш марказларининг биринчи қавати ёки ертўласида жойлашган бўлади. Бу хоналарнинг баъзилари кичкина жазо камералари деб тасвирланган ва уларнинг ўлчови 2м га 4м бўлиб у ерда милиция ва МХХ ходимлари томонидан гумондорни иқрор бўлишга ёки бошқаларга қарши ёлғон кўрсатма беришга тайёр бўлгунга қадар қийнашга ва ноинсоний муомала қилишга тайинланган икки маҳбус олдиндан жойлаштирилган бўлади.

МХХ ҳибсхонасидаги қийноқлар –Вахит Гунеш ҳикояси

Халқаро Амнистия билан 2014 йил октябрь ойида бўлган суҳбатда пойтахт Тошкентда 10 ой давомида МХХ ҳибсида сақланган Вахит Гунеш қийноқ механизми ва у ерда қўлланиладиган бошқа ноинсоний муомала турлари хақида даҳшатга солувчи ҳикоясини айтиб берди.

Вахит Гунешга кўра ҳибсда сақланувчиларни исми билан чақирмайдилар, балки уларнинг камера рақамлари билан атайдилар. Улар бир камерадан бошқасига тез-тез кўчириб турилганлиги сабабли уларниниг рақамлари ҳам ўзгараверади. Агар улар камеранинг тўғри рақамини унутиб қўйсалар МХХ ходимлари уларни калтаклайдилар: *“Сен энди одам эмассан. Сенга у ерда рақам беришади. Сени исминг у ерда бошқа иш бермайди. Масалан менинг рақамим 79 эди. У ерда мен энди Вахит Гунеш эмас, 79-чи эдим. Сен энди инсон эмассан. Сен рақамга айланиб қолгансан.”*

Қийноқлар тергов хоналарида, жазони ўташ камераларида ва қийноқ учун махсус қурилган хоналарда амалга оширилади. У яна хожатхона ва хаммомларда ҳам содир этилиши мумкин. МХХ ходимлари Вахит Гунешни мунтазам равишда хаммомда ечинтириб уни энгашишга мажбур этиб калтаклаган ва жинсий хўрлаганлар.

У шунингдек бир неча кун ва тунлар давомида “пресс-хата” деб номланувчи жазо камерасида икки маҳбус томонидан калтакланган.

“Пресс-хата мана бундай ишлайди: у камерага ўхшайди ва у ерда икки киши яшайди. Улар яна бир қўшимча ётоқ қўядилар ва сиз учинчи киши бўласиз. Масалан мен у ерга икки улкан ва бўйлари узун кишилар билан бирга қўйилганман. Мен камерага кирган заҳотим улар мени калтаклай бошлаганлар “

Бошқа маҳбуслар Вахит Гунешга улар қийноқ учун махсус қурилган деворлари резинадан ва ташқарига товуш эшитилмайдиган хоналарда қийноққа солинганликларини айтганлар. У бир марта қисқа вақтга ана шу хоналардан бирига қулфланган. *“У ерда одамлар қийноққа солинадиган хоналар бор. Бу хоналарнининг деворлари овоз эшитилмайдиган қилиб қурилган. У ерда чироқ ёруғлиги йўқ. Улар инсонларни у ерга киритадилар ва икки ниқобланган шахс улар билан нимани хохласа шуни қиладилар... ҳар бир қаватда қийноқ хонаси бор. Ҳар бир қаватда шундай камералар ҳам бор. Ҳар бир қаватда пресс-хата ҳам бор.”*

Ҳимоя чоралари амалда эътиборсиз қолидирилади

Қийноқларга ва бошқа ноинсоний муомала турларига қарши ҳимоя чоралари камчиликларга тўла ва кўпинча инобатга олинмаслигига қарамасдан, Ўзбекистон қонунчилигида уларга қарши ҳимоя чоралари мавжуд. Ўзбекистон Жиноят Кодексига биноан қийноқ жиноий амал ҳисобланади ва Жиноят процессуал кодексида аниқ қилиб таъқиқланган. Қўлга олинган шахслар расмий ҳибсхонага келтирилиб зудлик билан рўйхатдан ўтказилишлари лозим; улар назарий жихатдан ҳибсга олинган вақтдан бошлаб оила аъзолари ва химоячилари билан чегараланмаган миқдорда учраша олиш ҳуқуқига эгалар; ҳибсга олинганлар рўйхатдан ўтгандан сўнг 72 соат ичида судя қаршисига ҳибс муддатини чўздиришга рухсат олиш учун келтирилишлари лозим. Бу эхтиёт чоралари мунтазам равишда қийноқ учун жавобгарсизликни устун қўйиш ва ҳукм учун иқрорномаларга таянилганлиги сабабли эътиборсиз қолдирилади.

Қийноқ билан олинган иқрорномалар

Қийноқ ва бошқа тур ноинсоний муомала иқрорномалар ва бошқа айбловномаларни олиш мақсадида айблов олди ва суд олди ҳибсхоналарида қўлланилишда давом этмоқда. Суд маҳкамалари қийноқ билан булғанган иқрорномаларга ҳукм чиқариш учун қаттиқ таянишда давом этмоқда. Мазкур хисоботда келтирилган ишларнинг деярли ҳаммасида судялар қийноқ ва бошқа ноинсоний муомала даъволарини хаттоки ишончли далиллар бўлганда ҳам эътиборсиз қолдирган ёги исботланмаган дея хулоса чиқарган. Олий суд Пленуми 1996 йилдан бери иқрорнома олиш учун қийноқ қўллашни ва суд жараёнида мазкур булғанган кўрсатмалардан фойдаланишни қатъиян таъқиқловчи тўртта дастур ишлаб чиқарганига қарамай ушбу амалиёт давом этмоқда. Бу Олий суд Пленуми дастурларидаги қатъий таъминотлар ЖПК таркибига киритилмаган ва қийноқ ва бошқа ноинсоний муомала қўлланилишини ва бундай кўрсатмалардан суд маҳкамасида фойдаланишни тезлик билан таъқиқлаш бўйича ўзгартиришлар киритилиши лозим. Судяларга ҳам қийноқ остида олинган кўрсатмаларни қабул қилиш қилмасликни ойдинлаштириш учун алохида тингловлар ўтказишни талаб этувчи қўлланмалар ишлаб чиқарилиши лозим.

Қийноқ шикоятларини текширишда ги муваффақиятсизлик.

Ўзбекистон қийноқ шикоятларини зудлик билан ва самарали текшира олувчи механизм ёки мутасадди расмийга эга эмас. Одатда прокурор идораси қийноқ даъволари бўйич текшириш олиб боришни Ички Ишлар Вазирлигига йўллайди, ва айнан шу расмий идора қийноқ қўллашда айбланган ходимларга рахбарлик қилади. Мана шундай самарадор ва мустақил механизмнинг мавжуд эмаслиги қийноқнинг жазосиз қолишига етаклаган.

Ҳар икки БМТнинг Қийноқларга қарши Қўмитаси ва БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси Ўзбекистонда қийноқ ва бошқа ноинсоний муомала айбловлари рейтинги инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг ишончли ҳисоботлари ва ҳукуматга келиб тушадиган ўнлаб қийноқ шикоятларига солиштирганда жуда ҳам озлигидан қайта қайта хавотир изхор этишган.

Ҳибсхона жойларида мониторинг ўтказиш

Ўзбекистон ҳибсхона жойларини текшириш учун хеч қандай мустақил мониторинг механизмига эга эмас, қамоқхоналарни давомий, эълон қилинмаган ва назоратсиз текширув ўтказа оладиган махаллий ёки халқаро мустақил ва ноҳукумат ташкилотлар ҳам мавжуд эмас. 2013 йил апрель ойида Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ) Ўзбекистондаги маҳкумлар олдига ташриф буюришни бекор қилувчи жуда оғир қарор қабул қилганлигини чунки бу каби ташрифларни ҲҚХҚнинг иш олиб бориш меъёрлари асосида бажаришнинг иложиси бўлмаганини ва шу сабабли бундай ташрифлар “фойдасиз” бўлганлигини айтиб оммавий баёнот берди.[1]

---

[1] Ҳалқаро Қизил Хоч Қўмитаси, *Ўзбекистон: ҲҚХҚ маҳбусларни кўришга ташрифларни тўхтатишга қарор бердиб 2013*,

Дипломатларга баъзан ҳибсхона жойларига ташриф буюришга рухсат этилсада, ташриф давомида уларга қоида бўйича қамоқхона ёки ҳуқуқни мухофаза қилиш ходимлари ҳамрохлик қилади. Худди шу қамалган хамкасбларини баъзан кўришга рухсат берилган инсон ҳуқуқлари химоячиларига ҳам тааллуқлидир.

Хулоса

Қийноқлар Ўзбекистон жиноий адлия тизимини белгилаб берувчи хусусиятга айланган. Бу хусусият Ўзбекистон ҳукуматининг келишмовчиликлар, хавфсизлик тахдидларини йўқ қилиш ва қудратни ушлаб туришда асосий хисобланади. Бу жуда ҳам хатоли йўл ва узоқ муддатга ярамайдиган амалдир. Аммо бу ҳолат халқаро ҳамжамиятни гео стратегия йўлида ушбу бепарволикларга кўз юмишдан тўхтатиб қолганича йўқ. Бу ҳолат калта ўйланган ҳамда Ўзбекистон қийноқ камераларида азоб чекаётган минглаб қурбонлар катта шикаст келтирувчи ҳолатдир.

Ўзбеистон ҳукумати қийноқни йўқ қилишга қаратилган кичик қадамлар мавжуд ва буни амалга ошириш учун зарур бўлган ва тубдан ўзгариши керак бўлган сиёсий ирода лозим. Кўплаб ўзгартиришлар қуйида келтирилган тавсияларда белгиланган. Айни пайтда фақатгина Ўзбекистон ҳукуматигина мазкур ўзгартиришларни ярата олар экан, халқаро ҳамжамият ва Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари Ўзбекистонни бунга даъват этишда қаттиқ туришлари лозим.

Ўзбекистон ҳукуматига асосий тавсиялар:

- Қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала турларини буткул таъқиқлаш бўйича миллий қонунларини Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари билан мувофиқлаштириш, айниқса Ўзбекистон Жиноят Кодекси ва Жиноят Процессуал Кодексига ўзгартиришлар киритиб қуйидаги аниқ ва тезкор таъқиқларни киритмоқ лозим:

  - БМТ Қийноқларга қарши Конвенцияда белгиланган қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала ёки жазо ҳар қандай шароитда қатъиян таъқиқлш;
  - Жиноят содир этганликда айбланган шахслар, гувоҳлар ва Ўзбекистон ҳукумати қамоғида сақланаётган бошқа шахслардан кўрсатма ва иқрорномаларни қийноқ остида олишни ҳар қандай шароитда буткул таъқиқлаш;
  - Қийноқ ва бошқа ноинсоний муомала остида олинган иқрорнома далиллари, бошқа маълумотлар ёки кўрсатмаларни жиноят ва бошқа жараёнларда қабул этишни ҳар қандай шароитда буткул таъқиқлаш;
  - Хеч бир шахс фақатгина унинг иқрорномасига таяниб таъқиб қилиниши ва айбдор этилмаслиги лозим.

- Ўзбекистон Олий суд Пленуми барча жабхалардаги судялар жиноий суд жараёнида прокурорлар ва бошқа ҳар қандай давлат мулозимлари томонидан топширилган иқрорномалар ва бошқа далил исботлар қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки камситувчи муомала остида олинганми ёки йўқлигини аниқлаш борасида аниқ тартибга риоя қилишга ўргатувчи қоидалар дастурини қабул қилиши лозим. Бундай қоидалар энг камида қуйидагиларни ўз ичига олмоғи лозим:

  - Судялар айбланувчилардан иқрорнома ёки гувоҳлардан кўрсатма олиш учун қийноққа солинганлиги хақидаги даъволарни жиддий қабул этади ва мазкур даъволарни прокурорлар томонидан тўлалигича ва ўз вақтида текширилишини талаб этади ва тергов жараёнларини давомий равишда кузатиб бориши лозим;

қуйида кўриш мумкин: www.icrc.org/eng/resources/documents/news-release/2013/04-12-uzbekistan-detainees.htm

- Судялар иқрорнома ва бошқа гувоҳлик кўрсатмалари қийноқ ва бошқа номаъқул муомала остида олинганми йўқлигини аниқлаш учун алохида тингловлар ўтказишлари лозим;
- Судялар ҳар бир иқрорнома ва гувоҳлик кўрсатмалари қийноқ ва бошқа номаъқул муомала билан булғанмаганлигини исботлаш юкини прокурорларга юклашни алохида тингловларда кафолатлашлари лозим;
- Судялар иқрорнома ёки бошқа гувоҳлик кўрсатмаларини агар улар қийноқ ва бошқа ноъмақул муомала остида олинган дея тахмин қилса, мазкур кўрсатмаларни суд жараёнларида қабул қилинмаслигига ҳукм чиқарадилар;

- Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Қийноқлар Бўйича Махсус Ҳисоботчисини Ўзбекистонга фактларни топиш ташрифи учун таклиф этади.

Халқаро ҳамжамиятга асосий тавсиялар

- Инсон ҳуқуқлари ва айниқса қийноқ ва шавфатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала турларини таъқиқлашни Ўзбекистон ҳукумати билан ўтказиладиган барча учрашувларнинг кун тартибига киритади ва Ўзбекистон ҳукуматини ўз қонунчилиги, сиёсати ва амалиётини Халқаро инсон ҳуқуқлари олбидаги мажбуриятлари билан мослаштиришга ундашлари лозим.

- Инсон ҳуқуқлари ва айниқса қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини таъқиқлаш Ўзбекистон билан бўлиб ўтадиган кўп томонлама учрашувларнинг барчасининг кун тартибига киритади ва Ўзбекистон ҳукуматини ўз қонунчилиги, сиёсати ва амалиётини унинг халқаро инсон ҳуқуқлари олдидаги мажбуриятлари билан мослаштиришга чақирувчи резолюциялар қабул этиш.

- Ўзбекистон ҳукуматига Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексига қийноқ ва бошқа шавқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалани таъқиқлашлар киритишда жиноий ва бошқа суд ишлари жараёнида қийноқ остида олинган кўрсатмалар ва бошқа маълумотлардан фойдаланишни таъқиқлашни киритишда техник ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатиш.

2. УСЛУБИЯТ

Ўзбекистон дунёдаги энг авторитар давлатлардан биридир. Ҳукумат расмийлари оғир, мунтазам ва кенг тарқалган инсон ҳуқуқлари поймолига маъсулдирлар, булар қаторига яна йиғинлар ўтказиш, уюшиш ва сўз эркинлигининг кескин чекланиши, хавфсизлик кучлари томонидан маҳбус ва маҳкумларнинг қийноқ ва бошқа тур номаъқул муомалага дучор этилишлари ҳам киради.[2] Бу мамлакат яна Халқаро Амнистия идорасини ёпган бир неча мамлакатлар қаторидан ҳам жой олган. Бундай муҳитда иш олиб бориш, яъни самарали ва мустақил кузатув тизимининг буткул йўқлиги ва инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши жазосиз қолиб кетиши одатий ҳол бўлган жойда ишлаш ўзбек инсон ҳуқуқлари фаолларини улкан хавф остига қўяди ва мамлакатда тадқиқот олиб боришни сезиларли даражада мушкуллаштиради.

Шунга қарамай мамлакат ичида ва муҳожиротда яшаётган ўзбек инсон ҳуқуқлари химоячилари ва фаолларининг ўз ишига содиқлиги ва қурбонлар ҳамда уларнинг оилаларининг довюраклиги бундай тадқиқот ўтказишни сезиларли хавфнинг мавжудлигига қарамай амалга оширишга имкон яратдилар. Ушбу ҳисобот Ўзбекистон ҳукумати ва унинг ходимлари томонидан қийноқлар қўлланилиши, адолатсиз жиноий судлар ва бошқа шунга алоқадор бўлган давомли инсон ҳуқуқлари поймол этилиши ҳақида янги маълумотларни тақдим этади. У шунингдек 1992 йилдан бери давом этаётган инсон ҳуқуқлари ҳолатлари ва муҳим ишлар бўйича янги маълумотларни келтиради.

Бу ҳисоботга изланиш олиб бориш учун Ҳалқаро Амнистия кеч 2013 ва 2015 йилнинг феврал ойи орасида 60 дан ортиқ интервюлар ўтказди. Халқаро Амнистия Шимолий Америка, Оврўпо ва Марказий Осиёда муҳожиротда истиқомат қилаётган кўплаб ўзбекистонликлар билан боғланди. Уларнинг кўплари Ўзбекистонни жиддий инсон ҳуқуқлари бузилиши ва қийноқлар таҳдиди остида ёки уларга дучор бўлганидан сўнг тарк этиб кетишган. Халқаро Амнистия 2013 йил охирлари ва 2014 йил давомида фаоллар, инсон ҳуқуқлари фаоллари, қийноқ қурбонлари ва уларнинг оила аъзолари, қочоқлар, академик ва ҳукуматлар аро ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар ва журналистлар билан қатор суҳбатлар ўтказди.

Ўзбекистон ташқарисида ишлаётган ёки яшаётган шахслар билан ўтказилган суҳбатлар нафақат уларнинг ва оила аъзоларининг кўргиликлари ҳақида маълумотлар, балки мамлакат ичкарисида хозирда яшаётган ва Халқаро Амнистия билан хозирги ҳолат бўйича суҳбатлашишни хохлаган кишилар хақида маълумот берди. Ўзбекистонликлар билан телефон, электрон почта ва скайп каби эхтиёткор йўллар билан боғланишга уринишларига қўшимча ҳолда Халқаро Амнистиянинг икки делегати мамлакат ташқарисига сафар қила олган икки ўзбекистонлик билан Ўзбекистон ташқарисида хавфсиз жойда учрашди. 2014 йилда ўтказилган қатор учрашувлар инсонларни ва маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича батафсил тузилган протокол асосида олиб борилди ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари поймоли давомли равишда содир этилаётгани тўғрисида янги маълумотлар берди. Бу маълумотлар йиғиндиси бошқа нарсалар қаторида хозирги қийноқ амалиёти ва жиноий адлия тизимидаги суистеъмол қилиш жараёнини кўрсатиб берди. Барча суҳбатлар ўзбек тилида (юқори малакали ўзбек-рус таржимаси билан) ёки рус тилларида ўтказилди.

Электрон алоқа воситалари ва шахсан юзма юз ўтказиладиган суҳбатлар билан боғлиқ хавф масаласида Халқаро Амнистия алоқага чиқган ҳар бир шахс ва уларга келиши мумкин бўлган хавф эхтимоли масаласида огохлантирди. Мазкур хисоботда муҳокама қилинган Ўзбекистон хавфсизлик ва айғоқчилик аппаратининг

---

[2] Мисол учун Фридом Хауснинг 2014 йилги Глобал сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича ҳисоботини кўринг, Ўзбекистон иносн ҳуқуқларини химоя этиш ва ёйиш бўйича дунёдаги энг эркин бўлмаган мамлакатлари қаторига киритилган: Фридом Хаус, Дунёда Эркинлик 2014, қуйидаги линкда кўриш мумкин: freedomhouse.org/report/freedom-world/freedom-world-2014#.VJhNpV4gk

кузатув операциялари нафақат унумдорлиги ва шафқатсизлини билан ёмон ном чиқарган, балки ходимлар хизмат доирасидаги худуд ташқарисида ва кўпинча бошқа Марказий Осиё давлатларидаги айниқса Россия ва Украина каби Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг хавфсизлик расмийлари ва ходимлари ёрдамида иш олиб боришлиги билан маълум. Шулар сабабли Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари абгор ахволига ёруғлик киритиш мақсадида ўз ҳикояларини бўлишмоқчи бўлган шахслар ўз ҳаракатларида катта хавф борлиги тахмин этилади. Бизнинг тадқиқотчиларимиз ушбу шахсларга нисбатан хавфни олдини олиш мақсадида алоқа воситалар, сафар ва маълумот йиғишда қатъий хавфсизлик протоколига амал қилган ҳолда иш олиб бордилар.

Кўплаб шахслар ўзининг хақиқий исми шарифи билан суҳбатлашишига рози бўлган ҳолда, бошқалар махфий қолишни сўрадилар ва ушбу хисоботда сохта ном билан келтириладилар. Баъзи шахслар таъқибга учрашдан қўрқиб улар берган маълумотларнинг хеч бири ушбу ҳисоботга киритилмасликларини талаб этдилар. Кўп ҳолларда бу шахслар Ўзбекистон ичида қолган ва айниқса ҳибс ичида сақланаётган ва иложсиз бўлган қариндошларига зарар етишидан қўрқадилар. Ушбу кўрсатмалар бу хисоботда келтирилмаган бўлсада, қийноқ ва бошқа тур номаъқул муомала ва қийноқ остида олинган кўрсатмаларнинг жиноий суд жараёнида қабул этилиши Ўзбекистондаги долзарб муаммо бўлиб қолаётгани хақидаги хулосаларини қайта тасдиқлади.

Ўзбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқларининг абгор ахволда эканлигини ўжарлик ва жахл билан рад этиб келди ва мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ҳолатини яхшилашни кўзда тутиб мулоқотга киришишга бўлган чорловларини эътиборсиз қолдирди. 2014 йил феврал ва март ойларида Халқаро Амнистия Ўзбекистон ҳукуматидан мамлакатга юқори мартабали делегацияни киритишга рухсат сўраб икки маротаба расмий мурожат қилди. Ўзбекистон ҳукуматига мазкур мактублар етказилганини исботловчи квитанцияларни олинганига қарамай, ташриф сўровларига шу кунга қадар жавоб олингани йўқ. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига қилинган бир неча телефон қўнғироқларига мактубларни олганлигини рад этувчи жавоблар олинди.

Халқаро Амнистиянинг 10 Оврўпо мамлакатларидаги идоралари 2014 йил октябр ойида Ўзбекистон ҳукуматининг эътиборини қийноққа солинган, айбланиб ҳукм этилган ва сиёсий айблар билан қамоққа ташланган ўзбек маҳбусларинг ахволига қаратиш мақсадида арзонма йўллаш акцияси ўтказди. Ўзбекистон элчихоналарига ва консуллик мулозимларига петицияларни шахсан еткизишга бўлган уринишлар Олмониядан ташқари барча мамлакатларда пучга чиқди, фақатгина Олмониядаги консуллик мулозими бино ташқарисига чиқиб фаоллар билан кўришди ва петицияни қабул қилиб олди, аммо бизнинг ташвишларимизни муҳокама қилмади. Қўшимча учрашув ҳам белгиланмади. 2014 йил июнь ойида Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро Кунида Халқаро Амнистия Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси олдида намойиш ўтказди. Намойиш элчихонанинг парда билан тўсилган деразасига ўрнатилган камера орқали филмга туширилди, ва яна бошқа дераза орқали элчихона ходими томонидан фото суратларга ҳам туширилди. Элчихонанинг хеч қайси ходими фаолларга мурожаат этмади.

Халқаро Амнистия барча Ўзбекистонликлар ва бошқа ушбу ҳисоботга маълумот йиғишда ҳамкорлик қилганларга, шу жумладан, Марказий Осиёда Инсон Ҳуқуқлари Ассосияцияси, Инсон Ҳуқуқлари Химоячиларининг Мустақил Ташаббус Гуруҳи ва Инсон Ҳуқуқлари Ўзбек-Олмон Форумига уларнинг беқиёс ёрдамлари учун катта миннатдорчилик изхор этади. Шунингдек махсус ташаккурларимизни Фуқаролик Ёрдами Қўмитаси, Фуқаро Ҳуқуқлари Химоячилари, Ўтюраклар клуби, Фронтлайн Химоячилари, Форум 18, Инсон Ҳуқуқлари Институти (Москва), Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти, Эзгулик Инсон Ҳуқуқлари Жамияти, Хьюман Райтс Уотч, Инсон Ҳуқуқлари Халқаро Ҳамкорлиги ва Мемориал ташкилотига изхор этамиз.

3. МАМЛАКАТДАГИ ВАЗИЯТ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси (1991 йилгача Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси деб юритилган) собиқ Советлар Марказий Осиёсининг энг серахоли мамлакатидир. Ўзбекистон Афғонистон билан жанубий-ғарбдан чегарадош: ва АҚШнинг Афғонистондаги халқаро харбий кампаниясидаг муҳим ўрин тутувчи гео стратегик худуддир. Яна ҳам кенгроқ қаралганда 2001 йилдан бери глобал "террорга қарши уруш"да ушбу мамлакат муҳим иттифоқчи бўлиб келади.

Президент Ислом Каримов Ўзбек Совет Социалист Республикасининг Коммунист партияси раислигидан мустақил давлат Президентига силлиқ айланди. Мустақилликдан бери у уч мата президентлик сайловларида ҳеч қандай рақобатсиз ютиб чиқди ва барча ҳукуматларни тузди.[3] Мамлакатда хеч қандай мустақил ёки мухолифат партиялари мавжуд эмас. Расмий сиёсий партияларнинг ҳаммаси Президент Каримовни қўллайдилар.[4]

Кичик элита – унинг марказида президент оиласи туради ва у мамлакатнинг ер, олтин, уран, мис каби табиий бойликларини назорат қилади ва миллиард долларлик пахта индустриясини бошқаради.[5] Ўзбекистон ахолисининг улкан қисмининг иқтисодий вазияти, айниқса қишлоқ жойларда оғирлигича қолиб келмоқда. Юз минглаб меҳнат муҳожирлари, асосан ёш эркаклар Қозоғистон, Россия ва Бирлашган Араб Амирликларига иш қидириб Ўзбекистонни тарк этишган.[6] Кўплаб меҳнат муҳожирлари Ўзбекистонга қайтишга уринганларида таъзийқ, ҳибс ва айбловларга юз тутишади. (қуйига қаралсин).

Ўзбекистон ичкарисида коррупция кенг тарқалган ва инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини бузиб келади. Ўзбекистон мунтазам равишда Транспаренси Интернейшнл ташкилотининг Коррупцияни аниқлаш индексида дунёдаги 10 та энг коррупциялашган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб келади.[7] Туркиялик бизнесмен Вахит Гунеш Ўзбекистонда қатор универмагларни 2011 йил ҳибсга олингунга қадар юргизиб келган. Унинг бизнеслари мусодара қилинган ва ўзи Ўзбекистон ҳибсхонасида қийноққа солинган. 2014 йил октябрь ойида Халқаро Амнистия билан суҳбатда у Ўзбекистондаги коррупцияни "ҳамма жойга тарқалган саратон касаллиги" ва у

---

[3] Президент Каримов 2015 йил 29 марта ўтказилиши режаланган президентлик сайловларида ғолиб чиқилиши кенг миқёсда кутилмоқда. Мазкур ҳисобот чоп этилаётган вақтда бу сайловлар хали бўлиб ўтмаган эди.

[4] 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Парламент сайловларида номзодлар хақиқий рақобатсиз сайланди. Оврўпода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик Институтлар ва Инсон Ҳуқуқлари Идорасидан ташриф буюрган сайлов кузатувчилари "2014 йил декабрь ойида Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари яхши уюштирилди, аммо хақиқий сиёсий рақобат ва мунозарадан ҳоли бўлди... хукуматни дастаклайдиган ва хукумат томонидан дастакланувчи иштирок этган тўртта пареия рақобатдан кўра хукуматни мақтовчи партиялар эди" дея баҳо берди.

[5] Инсонларни шавқатсиз, ғайриинсоний ва камситувчи яшаш шароитларида ушлаб пахта теришга мажбурлаш даъволари мавжуд; www.cottoncampaign.org га қаралсин.

[6] 2014 йилда Россия Федерал Мухожирлар Хизмати Россияда Ўзбекистондан борган тахминан 2 миллион мехнат мухожирлари ишлаётганини аниқлади. Россия Марказий Банкига кўра, 2012 йилда расмий рўйхатдан ўтган йўллар билан Ўзбекистонлик мехнат мухожирлари уйга 5 миллиард АҚШ доллари жўнатган ва бу эса Ўзбекистоннинг ялпи ички махсулотига катта хисса қўшади. Қаралсин: www.cbr.ru/statistics/print.aspx?file=CrossBorder/Rem_countries_12.htm&pid=svs&sid=TGO_sp_post and www.fms.gov.ru/about/statistics/data/details/54891

[7] 2014 йилда синовдан ўтказилган 175 мамлакат ичида 166 чи ўинни эгаллади; see www.transparency.org/cpi2014/results

хаётнинг барча жабхасига таъсир кўрсатувчи, пора берилмагунча керакли расмий қоғозларни беришдан бош тортувчи давлат мулозимларидан тортиб пул ундириш мақсадида уйдирма бузғунчилик учун машиналарни тўхтатувчи давлат автомобил назорати ходимларигача тарқалган дея тасвирлади. Эътиборга лойиқ ўлароқ, коррупция адлия ва жиноий адлия тизимида кенг ёйилган. Таъмагир судялар айбланувчилар оиласидан қамоқ муддатини камайтириш учун тўлов талаб қиладилар ва МХХ ходимлари ҳибсга олинганлар ва маҳбуслардан улкан поралар ундириш мақсадида уларни қийноққа соладилар ёки қийноқга солиш билан таҳдид этадилар. Ўзбекистондаги тизимли коррупция мамлакатдаги қийноқ ва бошқа инсон ҳуқуқлари поймол этилиш ҳолатларини тугатишга тўсқинлик қилиб келади.

Яна бир асосий тўсиқлардан бири мамлакатда инсон ҳуқуқлари вазиятини кузатувчи халқаро ва мустақил мониторингининг йўқлигидир. Ўзбекистон халқаро оммавий ахборот воситаларига ёпиқлигича қолиб келмоқда.[8] Ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари кузатувчиларига мамлакатга киришга рухсат бермай келади.[9] Ҳукумат махаллий ахборот воситаларини қаттиқ назорат қилади ва чет элга саёҳат қилишни хохлаган ҳар бир кишидан чиқиш визаси олиш талаб этилади. Бўйсунмаганлар тез орада ва қаттиқ равишда жазоланадилар. 2013 йил апрел ойида Қизил Хоч Халқаро Қўмитаси (ҚХХҚ) Ўзбекистондаги маҳбуслар олдига ташрифларини барчасини бекор қилди ва бунга сабаб ўрнатилган тартиблар миқёсида иш олиб боришнинг иложи йўқлиги ва келажакдаги ташрифлар “мазмунсиз” эканини айтди.[10]

3.1 ДИН ВА ХАВФСИЗЛИК

Ўзбекистон ахолиси асосан сунний мусулмонлардан ташкил топган дунёвий мамлакат. Ҳукумат исломий, насроний ёки бошқа диний амалларни қаттиқ назорат қилади ва диний хаётнинг барча жабхаларини, динни алохида ўргатиш ва диний либосларгача бошқарувчи қаттиққўл қонунлар мавжуд. 1997 йилда Наманган вилоятида бир неча милиция мулозимлари ўлдирилиши ортидан оммавий ҳибсга олишлар тўлқини кўтарилди, ҳукумат шафқатсизлик билан давлат назоратидан ташқарида бўлган масжидлар, черков ёки ибодатхоналарда ибодат қилувчи одамларни нишонга олди ва уларни миллий хавфсизликка тахдид эканлигини даъво қилди. Бунинг натижасида судлар минглаб эркакларни ва юзлаб аёлларни ноқонуний исломий ҳаракат ёки исломий партияларга аъзоликда ёки гумондор этиб айблаб қамоқ жазоларига ҳукм этдилар. Уларнинг кўпчилиги Жиноят кодексининг конституциявий тузумни ағдаришга даъват этганларни ва таъқиқланган ёки рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар билан алоқаси бўлганларни жазовловчи 159 ва 244 моддалар билан айбланганлар.[11]

---

[8] 2011 йилда хукумат Ўзбекисондаги ягона сўнги халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилоти бўлган Хьюман Райтс Уотчни ҳам ёпди. Бибиси, Озодлик Радиоси, Франс Пресс Агентлиги, Дойче Велле ва Америка Овози каби чет эл/халқаро оммавий ахборот воситалари 2005 йида идораларини ёпишга мажбур бўлишган.

[9] Мамлакатга киришга рухсат берилмаганлар қаторига БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шавқатсиз, камситувчи ёки ғайринисоний муомалага қарши махсус хисоботчиси, инсон ҳуқуқлари вазияти бўйича махсус хисоботчиси, дин ва ишонч эркинлиги бўйича, аёлларга қарши зўравонлик бўйича, судялар ва ҳуқуқшуносларнинг мустақиллигини текшириш бўйича, суддан ташқари, тезкор ёки ўзбошимча адлия ижроси бўйича ва куч билан татбиқ этилган ва хохишга қарши одам ўғирлиги бўйича махсус хисоботчилари киради.

[10] Қизил Хоч Халқаро Қўмитаси (ҚХХҚ), Ўзбекистон: ҚХХҚ махбусларни зиёрат қилишни тўхтатишга қарор қилади, 2013. Қуйидаги линкда ўқиш мумкин www.icrc.org/eng/resources/documents/news-release/2013/04-12-uzbekistan-detainees.htm.

[11] АҚШ Конгресси Ўзбекистонни дин ва ишонч эркинликлари бўйича алохида ташвишга лоиқ мамлакат дея бир неча йил кетма кет номлади. Демократия, Инсон Ҳуқулари ва Мехнат, Халқаро Дин Эркинлиги ҳисоботҳисоботи 2013 йил. Қуйидаги линкда ўқиш мумкин www.state.gov/j/drl/rls/irf/religiousfreedom/index.htm#wrapper.

Миллий хавфсизликка тахдид деб кўрилганларга энг кўп қўлланилувчи Жиноят Кодексининг моддалари:
156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш
159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш
216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш
216-1-модда. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш
216-2-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш
221-модда. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик
242-модда. Жиноий уюшма ташкил этиш
244-1-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш
244-2-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш
246-модда. Контрабанда

Ҳукумат томонидан мамлакат ичида ва минтақа бўйлаб миллий хавфсизликка тахдид сифатида кўрилувчи гуруҳлар ичига Ўзбекистон Исломий Ҳаракати (ЎИХ), Исломий Жиход Бирлиги (ИЖБ), Хизб –ут –Тахрир ва Салафийлар, ваҳобийлик, Таблиғи Жамоат ва Турк диний оқими бўлган Нурчилар издошлари киради.[12]

1997 йил декабр ойида содир этилган милиция ходимлари қотиллигида ҳукумат таъқиқлаган Исломий мухолифат гуруҳ аъзоларидан гумон этди ва бундан "мустақил" мусулмонларни ажратмасдан нишонга олишда фойдаланди. Милиция Наманган кўчаларидаги соқол қўйган ёш эркакларни сабабсиз ҳибсга олишни бошлади ва уларни соқолини қириб пулини олиш билан қўрқитдилар. Хавфсизлик кучлари ҳибсга олинган шахсларни хақорат этиб, калтаклаб ва қўрқитиб номаъқул муомалаларга дучор этдилар. Инсон ҳуқуқлари гуруҳлари милиция ҳибс этилганларга қурол ва наркотик моддалар жойлаштириб уларга қарши уйдирма жиноят иши очганликларини хабар этганлар.[13]

---

[12] ЎИХ (Ўзбекитон Исломий Ҳаракати номи билан машхур) гурухи Исломий мухолифат гурухи бўлиб, халифалик ёки исломий давлат қуришга даъват этади. Бу гурух БМТ ва АҚШ томонидан террорист гурух дея белгиланган.

ИЖБ илгари исломий жиход гурухи деб юритилган ва Ўзбекистонда 2004 йилда содир этилган зўравонлик хужумларига алоқадор деб кўрилади. ИЖБ аъзолари 2007 йилда Олмонияда бомба хужумларини уюштиришга ҳаракат этганликда айбланганлар. Бу гурух БМТ ва АҚШ томонидан террорист гурух деб белгиланган.

Хизб-ут- Тахрир миллатлараро Исломий ҳаракат бўлиб, Марказий Осиёда халифалик ўрнатишга интилади. Бу гурух Россияда 2003 йил террорист ташкилот дея эълон қилинган.

Ваҳобийлик Сунний Исломнинг тармоғидир. Марказий Осиёда хукуматлар давлат назоратидан ташқари масжидларда ибодат қилувчи мусулмонлар ва "фундаменталист" ёки "экстремист" дея гумон қилинган исломий гурухларни кенг аснода "Ваҳобий" деб тушунади. Ўзбекистон хукумати мустақил имомлар бўлган Абдували Мирзаев ва Обидхон Назаровларни Ўзбекистондаги Вахоббийликнинг асосий тарғиботчилари сифатида айблаганлар. Уларнинг хутба ваъзлари ёзувлари Ўзбекистонда таъқиқланган.

Абдували Мирзаев ва унинг ёрдамчиси 1995 йилда улар Москвага конференцияга кетаётган пайтда МХХ ходимлари томонидан ҳибсга олинганларидан сўнг ғойиб бўлишган. Хукумат мунтазам равишда уларнинг мажбуран ўғирланишларига расмий алоқадорлигини рад этиб келишган.

Обидхон Назаров 1998 йилда яширинган ва мамлакатдан қочган. 2006 йилда БМТнинг қочқинлар ташкилоти уни ва оиласини Швецияга қайта жойлаштирган. 2012 йилда ноъмалум жинятчи томнидан отиб кетилган ва кўплар буни Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари томонидан суиқасд амали эканига ишонадилар.

[13] Халқаро Амнистия, Ўзбекистон: Андижон хақиқатини қамалдан бўшатиш (индекс: EUR 62/021/2005), қуйидаги линкда

Ундан бери инсон ҳуқуқлари ташкилотлари в улар билан бир қаторда Халқаро Амнистия ҳам Исломий мухолифат гуруҳлари ва партияларини қўлловчи ёки мойиллик билдиришда гумон этилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан ҳибс этиш, қийноқ ва бошқа номаъқул муомалаларга дучор этилишлари ҳолатларининг хавотирга соладиган даражада ортиши борасидаги хабарларни хужжатлаштирган.[14] Ўтган 15 йил давомида ҳукумат зўравонлик ходисаларига исломий мухолифат партиялари ва исломий ҳаракатларга аъзоликда ва мойиллик билдиришда гумон этилганларни исканжага олиш билан жавоб берди. Бу зўравонлик ходисаларига 1999 йилдаги Тошкент портлашлари, 2000 йилдаги ЎИХ томонидан содир этилган зўравон тажовузлар, 2004 йилдаги Тошкент ва Бухородаги портлаш ва тажовузлар ҳамда 2005 йил май ойидаги Андижонда хавфсизлик кучлари томонидан оммавий қирғинга етаклаган нотинчликлар ва 2009 йилдаги Фарғона водийси ва Тошкентдаги қуролли хужумлар ва қотилликлар киради. Бу воқеалар манзарасида Халқаро Амнистияга милиция ва хавфсизлик ходимлари мунтазам равишда гумондорларга наркотик моддалар, қурол ва таъқиқланган исломий адабиётлар жойлаштириб уларни “мустақил” мусулмонлар деб кўрсатиб ҳибсга олганликлари тўғрисида юзлаб хабарлар келиб тушди. Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ҳибс этилганларни иқрор эттириш мақсадида қийноқ ва ноъмақул муомалаларга хавфсизлик ходимлари томонидан дучор этилганликлари ҳақида ўнлаб кўрсатмаларни йиғганлар. Бутун бошли оилалар ва исломий жамоаларни нишонга олиш бу каби воқеаларга хавфсизликни сақлаш жавоби бўлган.

Айниқса икки воқеа Ўзбекистондаги миллий хавфсизликнинг йўналишини белгилаб берган: 1999 йил февраль ойида Тошкент шахрида содир этилган қатор бомба портлашлари ва 2005 йил май ойида Андижондаги оммавий қирғин.

3.1.1 1999 ЙИЛ ТОШКЕНТДАГИ ПОРТЛАШЛАР

1999 йил 16 февраль куни Тошкентда 6та бомба портлаши ва камида 13 киши халок бўлиб 100дан ортиқ кишилар яраланиши ортидан, хавфсизлик хизматлари юзлаб тахминий фитначилар ва мустақил исломий жамоалар, таъқиқланган сиёсий мухолифат ва ҳаракатларнинг аъзолари ва аъзоликда гумон этилганлар ҳамда уларнинг оилаларини сабабсиз ҳибсга олганлар. Ҳукумат бомба портлашларини Президент Каримов жонига суиқасд этиш ҳаракати деб тасвирладилар ва чет элда машқдан ўтган зўравон исломий гуруҳларни Ўзбекистонда исломий давлат ўрнатишга интилиб таъқиқланган сиёсий мухолифат Эрк партияси рахбари Мухаммад Солих бошчилигида амалга оширишга ҳаракат этишда айблаганлар.[15] 6 киши ўлим жазосига ва 16 киши 10 йилдан 20 йилгача қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. 22 икки айбланувчининг мулклари ҳам мусодара этилди. Айбланувчилар экстремист исломий ташкилотларига аъзоликда ва Ўзбекистон республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилоиб жиҳодга даъват қилиш ҳамда Президент Каримовга суиқасд уюштиришга ҳаракатда айбланганлар ва айбланувчиларнинг деярли барчаси бунга иқрор бўлганлар. Уларнинг оила аъзолари айбланувчиларни хавфсизлик ходимлари ёлғон кўратма беришга мажбурлаб қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларига дучор этганликларини даъво қилганлар. Инсон ҳуқуқлари кузатувчилари адолатли суд меъёрлари хурмат қилинмаганлигидан хавотирларини изхор этганлар.

---

www.amnesty.org/en/library/info/EUR62/021/2005/en.

[14] Масалан Халқаро Амнистия, Ўзбекистон: Андижон хақиқатини қамалдан бўшатиш (индекс: EUR 62/021/2005), қуйидаги линкда www.amnesty.org/en/library/info/EUR62/021/2005/en. Хьюман Райтс Уотч, Халқ Душманларини яратиш: Ўзбекистондаги диний таъзйиқлар, 2004, қуйидаги линкда кўриш мумкин www.hrw.org/reports/2004/03/29/creating-enemies-state; Мемориал Инсон Ҳуқуқлари Марказий Осиёдаги маркази, Ўзбекистонда Сиёсий ва Диний Сабаблар билан Ҳибс этилиб Судланганлар рўйхати, қуйидаги линкда кўриш мумкин www.memo.ru/s/75.html.

[15] Эрк сиёсий мухолифат партияси бўлиб мустақилликдан кўп ўтмай ташкил топган, 1993 йилда мазкур партия таъқиқланиб унинг ўнлаб аъзолари ва қўлловчилари хавфсизлик кучлари томонидан ҳибсга олинган. Унинг рахнамоси Мухаммад Солих мамлакатни тарк этган.

МАМАДАЛИ МАХМУДОВ

Мамадали Махмудов суд маҳкамаси бўлиб ўтишини кутаётган вақтида 1999 йилги Тошкент портлашларига алоқадорлигига иқрор этишга мажбурлаш учун қийноққа солинган. У қамоқхонада ҳам қийноқга солинади ва бошқа маҳбусларнинг қийноқга дучор этилишига гувоҳ ҳам бўлди.
1999 йилда уч ой давомида ташқи дунё билан алоқасиз сақланар экан, Мамадали Махмудов Ўзбекистон хавфсизлик ходимлари уни такрор ва такрор калтаклаганлари, тирноқлари остига игна санчганлари, қўл ва оёқларини куйдирганлари, қўлларини орқасига боғлаб осганлари, газ ниқобини бошига кийдириб хаво ўтказмасдан бўғганлари ва жинсий зўрлаш ҳамда ўлдириш билан қўрқитганларини айтган.[16]

У унга қўйилган айбларни ҳар доим рад этиб келган ва судда қийноққа солиниб мажбуран иқрорномага имзо қўйдирганларини даъво қилган. Шуларга қарамай у 14 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Унинг химоячилари, оиласи ва мамадали Махмудовнинг ўзи бир неча маротаба Бош прокуратура идораси, апелляция судлари, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Инсон Ҳуқуқлари Омбудсманига қийноқга солингани хақида шикоятлар билан мурожаат қилган. Аммо хеч қандай тўла, мустақил ва холис текширувлар ўтказилмаган.

2013 йил апрель ойида озод этилишидан бир ой муқаддам Мамадали Махмудовнинг ҳукм муддати қамоқхонада гўёки 31 қоидабузарлик содир этганлиги учун 3 йилга узайтирилган, қамоқхона маъмурияти у қандайдир қоидани бузганлиги тўғрисида унга хеч нима демаганлар.

Бу вақтга келиб Мамадали Махмудовнинг соғлиги ёмонлашган ва сил касаллиги ва юқори қон босимидан азоб чекаётган бўлган. Унинг оиласи бу узайтирилган қамоқ муддатидан унинг омон чиқмаслигидан қўрқадилар. Унинг ҳукм муддати узайтирилганидан бир оз муддат ўтмай у юрак хуружига дучор бўлган. У ва нихоят 2013 йил 19 апрелда заиф соғлиги сабабли озод этилган.

3.1.2 2005 ЙИЛДАГИ АНДИЖОН ҚИРҒИНИ

2005 йил 12-13 май кунлари қуролланган шахслар Ўзбекистоннинг жанубий-шарқида Қирғизистон чегарасига яқин жойда жойлашган Андижон шахрида харбий бўлим ва ҳукумат биноларига хужум қилган. Улар шахар қамоқхонасига бузиб кириб маҳбусларни озод этадилар ва кейинроқ шахарнинг марказий майдонида жойлашган хокимият биносини эгаллаб бир неча кишини гаровга олади. 13 майнинг эрта соатларидан бошлаб шахар майдонига минглаб асосан қуролланмаган ахоли ва озод этилган маҳбусларнинг баъзилари йиғилишни бошлайдилар, уларнинг кўплари қашшоқлик, коррупция ва адолатсизликка чек қўйиш хақида нутқлар сўзлайдилар. Гувоҳларга кўра, кун давомида хавфсизлик кучлари онда сонда оломонга қарата ўқ очиб намойишчиларни яралаб халок этганлар. Кейин кечга яқин хавфсизлик кучлари намоишчиларни ўраб олиб хеч ажратмасдан оломонга қарата ўт очиб юзлаб кишиларни, улар ичида аёллар ва болаларни ҳам халок этганлар. Ҳукумат бу норозилик мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги таъқиқланган исломий гуруҳлар томонидан уюштирилган қуролли ғалаён бўлганини даъво қилганлар.

---

[16] Халқаро Амнистия, Ўзбекстон: Хаёти учун қўрқув борасида қўшимча маълумотлар/ ҳибсхоналардаги номаъқул муомала иддаолари/ ташқи дунё билан алоқасиз ҳибсда тутишлар, (Индекс: EUR 62/018/1999), қуйидаги линкда кўриш мумкин www.amnesty.org/en/library/info/EUR62/018/1999/en; Халқаро Амнистия, Ўзбекстон: Хаёти учун қўрқув борасида қўшимча маълумотлар/ ҳибсхоналардаги номаъқул муомала иддаолари/ ташқи дунё билан алоқасиз ҳибсда тутишлар, (Индекс: EUR 62/016/1999), қуйидаги линкда кўриш мумкин: http://www.amnesty.org/en/library/info/EUR62/016/1999/en.

500га яқин намойишчилар, улар ичида аёллар, болалар ва ўнлаб қуролли ғалаённи уюштиришда ҳукумат томонидан айбланган эркаклар чегарани кесиб Қирғизистонга қочиб ўтганлар. У ердан улар БМТнинг Қочоқлар ташкилоти томонидан 2005 йил август ойида Руминияга хавфсиз жойга кўчирилганлар. Воқеалар ортидан ҳукумат ҳар қандай норозиликни қаттиққўллик билан бостирган ва қирғин бўйича мустақил хисоботларни бостиришга ҳаракат қилган. Юзлаб намойишда қатнашганлар ҳибсга олинганлар ва қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларига дучор этилганлар; гувоҳлар эса қўрқитилган. Журналист ва инсон ҳуқуқлари химоячилари тазъйиқ остига олиниб, калтакланган ва хисбга солинганлар; уларнинг баъзилари эса жиддий жиноятлар бўйича қўлга олинганлар. Кўплари яширин ва ёпиқ ҳолда ўтказилган адолатсиз суд маҳкамалари ортидан юзлаб инсонлар “терроризмда”да айбдор топилиб норозиликларда иштирок этганлик эхтимоли учун узоқ муддатли қамоқ жазоларига ҳукм этилганлар.

ДИЛОРОМ АБДУҚОДИРОВА

Дилором Абдуқодирова Тошкент Аёллар Турмасида 18 йиллик қамоқ жазосини ўтамоқда. У 2005 йилда Андижон воқеалари ортидан мамлакатдан қочиб кетган ва 2010 йилда Австралиядан Ўзбекистонга турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан бирга бўлиш учун қайтиб келганида қамоққа олинган. Халқаро Амнистия Дилором Абдуқодированинг виждон эркинлиги маҳкумаси эканлигига ва ўзининг йиғинлар ўтказиш ва ўз фикрини эркин баён қилиш ҳуқуқидан фойдалангани учун айбланиб ҳукм этилганлигига ишонади.

2005 йил 13 май тонгида фермер Дилором Абдуқодирова Андижон шахрининг марказида жойлашган Бобур майдонига намойишга қўшилиш учун боради. Намойишни куч билан тарқатилиши ортидан у қўшни Қирғизистонга 500 нафар намойиш қатнашчилари билан қочиб боради . У турмуш ўртоғи ва тўрт ўғлини ортда қолдириб кетишга мажбур бўлади. Қирғизистондан у Руминияга қочоқлар жамлоғига кўчирилади. У Австралияга 2006 йилда кўчирилади ва у ерда унга расман қочқинлик мақоми берилиб доимий яшаш рухсатномаси берилади.

У Ўзбекистон ҳукумати томонидан агар уйга қайтиб борса унга хеч нима қилмасликлари кафолати берилгандан сўнг 2010 йилда турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан бирлашиш учун Ўзбекистонга қайтиб боради. Аммо у Тошкент аэропортига етиб келган заҳоти паспортида чиқиш визаси бўлмаганлиги сабабли ҳибсга олинади. У Тошкент милицияси идорасида тўрт кун давомида сўроқ этилиб Жиноят кодексининг 223 моддасига биноан Ўзбекистон Республикасидан “ноқонуний” чиқиб кетганликда айблангач, қўйиб юборилади. Озод этилгач у қисқа муддатга Андижондаги оиласи ёнига қайтиб боришга муваффақ бўлади.

2010 йил 12 март куни у яна ҳибсга олиниб Андижон милиция бўлимида икки хафта химоячи ёки оиласи билан кўришишга рухсат берилмасдан камерада сақланади. 2010 йил 30 апрелда адолатсиз суд маҳкамаси ортидан 10 йил ва икки ой муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилади. Андижон вилоят жиноят суди Дилором Абдуқодировани “туҳмат қилиш”, “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз этиш”, “Ўзбекистон Республикасига ноқонуний кириш ёки ундан чиқиш”, ва “Ўзбекистон Республикасида яшаш тартибларини бузиш”да айбдор деб топган. Дилором Абдуқодирова айбсиз эканини таъкидлайди.

Оила аъзолари Дилором Абдуқодирова 2010 йил апрел ойида бўлиб ўтган суд маҳкамасида ҳолдан тойган ва юзлари шишган ҳолда хозир бўлганини хабар этганлар. У оила аъзолари кўзига қарай олмаган. У шунингдек эътиқодли муслима бўлишига қарамасдан судга хижобсиз киришга мажбурланганлигига оиласи ишонади.

2012 йилда Дилором Абдуқодированинг оиласи Халқаро Амнистияга Тошкент аёллар турмасида ўтказилган ёпиқ суд ортидан унинг қамоқхона тартибини бузганликда айблаб ҳукм муддатини яна 8 йилга

узайтирилганлигини хабарини бердилар. Унинг оиласи 2012 йилда уни эрта озод этишларини сўраб судга апелляция билан мурожаат қилдилар аммо рад жавоби олдилар. Оиланинг апелляциясига 2012 йил 15 июнда берилган расмий жавобда Дилором Абдуқодирова тўрт марта “ёмон хулқи” учун ҳукми узайтирилганлиги сабабли эрта озод этила олмаслиги айтилган. Мактубда “ёмон хулқ” нимани англатилишига тушунтириш берилмаган.

4. АЙБЛОВ ВА СУД ОЛДИ ҲИБСХОНАЛАРИДАГИ ҚИЙНОҚЛАР

“УЛАР [МХХ ХОДИМЛАРИ] ОДАМЛАРНИ РАДИАТОРЛАРГА КИШАНЛАБ ҚЎЯДИЛАР. МЕН УЛАР МАҲБУСЛАРНИНГ СУЯКЛАРИНИ БЕЙСБОЛ ТАЁҒИ БИЛАН УРИБ СИНДИРГАНЛАРИНИ КЎРДИМ. ТУНЛАРИ ОДАМЛАР ХУДДИ БЎРИЛАР ХУЖУМИГА УЧРАГАНДЕК ҚИЧҚИРИШЛАРИНИ ЭШИТАРДИМ”.

Вахит Гунеш, Тошкентда 2011 йилда МХХ ҳибсхона марказида 10 ой давомида ҳибс этилиб қийноққа солинган турк бизнесмени

Ўзбекистонда қийноқлар мунтазам ва кенг тарқалган муаммодир. Қийноқлар хавфсизлик кучлари томонидан ҳибсга олиниш вақтида ва ҳибсхона жойларига олиб борилиш пайтида, милиция қарамоғида ва суд олди ҳибс марказларида амалга оширилади. Қийноқлар шунингдек хавфсизлик кучлари ва қамоқхона назоратчилари томонидан қамоқларда ҳам амалга оширилади. Собиқ маҳбуслар милиция ва МХХ ходимлари қандай қилиб ҳукми чиқарилган маҳкумлардан суд олди ҳибсхоналарида қийноқларни амалга оширишда фойдаланишларини тасвирлаб берганлар. Бир собиқ маҳкум уларни хавфсизлик кучларининг “қўл ва оёқлари” деб таърифлаган.

Қийноқ ва номаъқул муомала жиноий адлия тизимида одатий ҳол бўлсада, бундан энг кўп азият чекувчилар таъқиқланган исломий ҳаракат ёки исломий гуруҳлар аъзолари ёки аъзоликда гумон қилинган шахслар бўлиб келади. Ҳукумат буларни рад этади ва 2013 йилда ҚҚК Қўмитасига: “Ҳуқуқни мухофаза қилиш мулозимлари сабабсиз ҳибслар, қийноқ, шавқатсиз ва ғайриинсоний муомала ёки жазо турларини мусулмонлар ва бошқа динга эргашувчи инсонларга қарши қўлламаслигини эътиборга олиш лозим” деб айтган.[17]

---

[17] Ўзбекистон хукуматининг БМТнинг Қийноқларга Қарши Қўмитасининг 2013 йил май ойида БМТнинг Қийноқ ва Бошқа Шавқатсиз, Ғайриинсоний ва Камситувчи Муомала ёки Жазога қарши Конвенциясининг тадбиқи борасидаги Ўзбекистон Республикасининг тўртинчи даврий ҳисоботига алоқадор равишда ўтказилган 6-31 50 чи сессиясида берган ёзма жавоблари

ЮСУФНИНГ ҲИКОЯСИ

Юсуф[18] (ҳақиқий исми эмас) 2007 ва 2010 йиллар орасида Ўзбекистон хавфсизлик кучлари томонидан тўрт марта сабабсиз ҳибс этилиб қийноққа солинган ва номаъқул муомала этилган. Ушбу тўрт ҳодисага алоқадор бўлган ходимларни аниқ таний олмайди, аммо у милиция идорасида содир этилган қийноқ амалларида баъзи МХХ ходимлари иштирок этганлигига ишонади. Юсуф бир маротаба наркотик дори қўллаганлик жиноятида айбланган. у ҳар сафар ҳибс этилганида узоқ вақт калтакланган ва бошқа номаъқул муомалаларга дучор этилган. 2008 йилда у етти кун ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турилган ва қийноққа солинган. у хамон қаттиқ травма остида ва 2008 йилда дучор этилган қийноқлар хақида батафсил сўзлаб бера олмайди.

Юсуф биринчи марта 2007 йил 31 майда Тошкентда ҳибсга олинган. Унга кўчада икки фуқаро кийимидаги эркак машинадан тушиб яқинлашганлар ва ўз милиция хужжатларини кўрсатганлар. Улар Юсуфни ушлаб куч билан машинага солганлар ва Миробод туман милиция участкасига олиб кетганлар. Йўлда ходимлар уни калтаклаб нима учун у давлатга “қарши” эканини сўраганлар. Юсуф милиция участкасидаги идорада тонгача ушлаб турилган ва тун давомида бир неча милиция ходимлари уни сўроқ этиб калтаклаганлар. Уни келтирган икки милиция ходими шу пайт давомида ўша ерда ўтирганлар, бошқа ходимлар эса келиб кетиб юрганлар. Ходимлар унга Ўзбекистон Президентига қарши сўзлар айтганлиги ва конституциявий тузумга тажовуз этишни режалаштираётганлиги сабабли ҳибсга олинганлигини айтганлар. Юсуф қуйидагиларни эслайди:

“Мени милиция участкасида бир неча марта калтакладилар. Хамма жойимга урдилар. Баъзи ходимлар кириб мени террористсан деб мазах қилдилар. Олти соатча калтакладилар мени. Тунда ҳам урардилар. Ҳар соатда келиб 10-15 дақиқа калтаклардилар. Бу ахвол тонгача давом этди.”

Тонгда милиция ходимлари Юсуфни МХХнинг Тошкентдаги масканига олиб бордилар. Икки МХХ ходими уни сўроқ қиладилар ва унга маълумотчилик қилишни таклиф этадилар. Улар унга исмлар рўйхатини бериб улар хақида маълумот топиб ҳисобот беришни буюрадилар. Юсуф кейинроқ у рўйхатни ташлаб юборади.

Юсуф кимдир у хақида МХХга уйида ўтказган Қуръон хақидаги ва ҳукумат сиёсати хақидаги норозилиги хақида сўзлаган учрашувларини етказганини гумон қилади. У конституциявий тузумга тажовуз уюштириш хақида хеч қандай режа мухокама бўлмаганини таъкидлайди.

Биринчи ҳибс этилган давридан сўнг Юсуф Россиянинг Москва шахрига ишлашга кетади ва Тошкентга 2008 йилнинг бошларида қайтади. Унинг уйи жойлашган мавзега кириш жойида унга бир эркак яқинлашади ва уни уради. Яна киши яқинлашиб уни дўппослай бошлайдилар. Дўппослаш Юсуфни қонга белайди. Эркаклар уни машинага куч билан солиб Бектемир тумани милиция участкасига олиб кетадилар. Юсуф участкага кирган пайтида ходимлар унинг юзига урадилар. У милиция идорасида уч кун икки курси ва стол бор тергов хонада ўтказади. Шу уч кун давомида ходимлар уни калтаклаб оёқ ва қўллари бармоқларини курси билан уриб синидиришга ҳаракат қилишади. Яна бир бор Юсуф ўзининг диний ҳаракатлари ва гўёки мамлакатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш режалари хақида сўроқ этилади.

(UN Doc: CAT/C/UZB/4), 38чи .

[18] Халқаро Амнистия билан сухбат, 2014 йил июль.

Тўртинчи куни хавфсизлик ходимлари Юсуфни бошқа ҳибсхона марказига олиб борадилар, у ерни Юсуф қамоқхонага ўхшаган атрофи сим тўсиқ билан ўралган ва 3 метрлик темир эшиклари бор деб тасвирлайди. У ерда бошқа ҳибс этилганларнинг қичқириқларини эшитганини хотирлайди. Хавфсизлик ходимлари уни ертўладаги камерага олиб борадилар ва икки киши эгаллаган у хонада Юсуф яна уч кун ўтказади. Икки киши Юсуфни фарзандларига зарар етказиш билан қўрқитадилар. Улар Юсуфни охири хушини йўқотгунга қадар дўпполайдилар.

“Камеранинг ўлочи тахминан 2.5м га 4м. Овқат берилмасди, хожатхонага бора олмасдим. Икки киши мени бир кун давомида калтакладилар. Мен қичқирар эдим, аммо хеч ким эътибор бермасди, камерага хеч ким келмасди. Улар мени мобил телефонида филмга тушира бошладилар. Улар мени қаттиқ дўппослаб қийноққа солдилар. Мен хушимни йўқотдим. Деярли бир кун хушсиз ётдим. Хушимга келганимда оғзим қуриб кетган эди, на овқат бор ва на сув, хеч нарса йўқ эди. Шимимга сийиб юборган эдим. Аммо буни қандай содир бўлганини эслолмайман. Аммо биламанки, калтаклаганларидан сийдигимни ушлай олмай қолганман... у ерда кўп йиғладим. Хеч нарса беришмасди у ерда. Хаттоки туфлай олмасдим.қон туфлардим. Бир неча қовурғаларим синган эди, бошим лат еб, оёқларим шишиб кетган эди.

“Кейинроқ англаб еттимки бу иккиси милициянинг вазифасини бажарувчи қўл ва оёқлари экан. Улар одам эмас ифлос эдилар. Мен ҳаракатлана олмасдим, хаттоки бармоғимни ҳам қимирлата олмасдим. Қўйиб юборилганимдан сўнг уйга қайтиб бориб арқон сотиб олдим. Ўзимни ўлдирмоқчи эдим.

“Кўп одамлардан нафратланишни бошладим. Қўрқоқ бўлиб қолдим. Кечалари яхши ухлолмасдан уйғониб кетаман.”

Ертўладаги камерада уч кун ўтгач уни қайта Бектемир туман милиция участкасига олиб бордилар. У ерда милиция ходимлари Юсуфдан унинг қариндошлари ва дўстларининг телефон рақамларини сўрадилар. Кейин улар унинг опасига қўнғироқ қилиб пора сўрайдилар. Юсуфнинг опаси 1800 АҚШ доллари тўлайди ва уни милиция озод қилади. Озод этилганидан сўнг Юсуф жарохатларига тиббий муолажа олади.

2009 йил июль ойида тўрт эркак Юсуфнинг уйига бостириб кириб уни дўппослайдилар. У буни босқинчи ўғрилик деб ўйлаб зўравонларнинг биринс уриб ўзини химоя қилишга ҳаракат қилади. Эркаклар уни полга ётқизиб қўлига кишан солганларида Юсуф уларнинг фуқаро кийимидаги милиция ходимлари эканини англайди. Уни улар Яккасарой туман милиция идорасига олиб борадилар ва у ерда Юсуф уч кунни турли хоналарда ходимлар томонидан сўроқ этилиб ўтказади. Улар унинг бошига узун дубинка билан урадилар, бошига пластик халта кийдириб димиқтирадилар ва уни Ўзбекистондаги конституциявий тузумга тажовуз қилишни режалаштирганлигига иқрор эттириш учун босим ўтказадилар. Ходимлар келиб кетиб юрардилар, уларнинг баъзилари уни дўппосласа, бошқалари хамкорлик қилишга кўндиришга ҳаракат қилардилар.баъзилари унга расмлар кўрсатиб ундан уларни аниқлашни талаб этардилар. Юсуф уларнинг баъзилари хавфсизлик ходимлари бўлган деб ўйлайди. У иқрор бўлишдан бош тортганидан сўнг уни бошқа наркотик моддалар билан шуғулланувчи бўлимга ўтказиб, уни гиёхванд моддалар истеъмол қиилишини тасдиқловчи гувоҳлар топадилар. Уни судя қаршисига келтирадилар ва судя уни гиёхванд моддалар билан боғлиқ айблов билан жарима тўлашга ҳукм этади.

Озод этилганидан сўнг Юсуф Москвага ишлашга қайтиб боради. 2010 йил апрель ойида у Тошкентга қайтиб боради ва фуқаро кийимидаги ходимлар томонидан тез орада ҳибс этилади. Деразалари қорайтирилган машина унга яқинлашиб ундан ходимлар сакраб тушади ва бошининг орқасига урадилар. Юсуф хушини йўқотади. Хушига келганида у бошқа кўчада ётган бўлади.

Юсуф ундан бери Ўзбекистондан қочиб чет элдан 2010 йилда бошпана олган.

4.1 ҚИЙНОҚ УСУЛЛАРИ

“Қўлларим орқамга қаратиб кишанлаб қўйиларди ва милиция ходимлари мени кирилл алфавитидаги Г харфига ўхшаб туришга мажбурлар эдилар (тик оёқлар билан белдан юқориси эгилган ҳолда)... Мен милиция идорасининг ертўласида эдим...У ерда икки милиция ходимлари бор эди ва улар мени дўппослар, тепиб дубинка билан калтаклар эдилар, мен хушимни йўқотдим. Улар мени бутун танамга урар эдилар, бошимга, буйракларимга...Хушимни йўқотсам юзимга сув сочиб ўзимга келтирардилар ва яна дўппослар эдилар. Кўзимни очсам у ерда беш, олти киши бор эди.мен майкада эдим ва майкамнинг олди қонга белангган эди... мени қонга белангунимча урган эдилар. Биринчи марта ўзимга келганимда мени тепага осиб қўйган бўлсалар керак. Мен эгила олмасдим. Иккинчи мартасида стулга ўркизиб, бошимга селлофан халта кийгизиб бўғдилар ва дўппосладилар, мен яна хушимдан кетдим. Мен нима бўлаётганини нима учун мени ураётганин хадеб сўрар эдим, аммо менга жавоб беришмасди. Ва нихоят кечки 10ларда улар тўхтадилар ва менга хеч кимга айтмасликни бўлмасам мени ўлдиришларини айтдилар. Улар мени сўроқ ҳам қилмасдан хеч нима айтмасдан қўйиб юбордилар.”

Бахтиёр (асл исми эмас) қийноқ қурбони ва Ўзбекистонлик бошпана изловчи, у ўз кечинмаларини Халқаро Амнистия билан бўлишади. Бахтиёр 5:30лар чамаси ўз уйида фуқаро кийимидаги эркаклар томонидан милиция участкасига олиб кетилади. У хозиргача нима учун уни ҳибсга олганликларини билмайди.

Қуйидаги қийноқ усуллари Ўзбекистондаги қийноқ қурбонлари, уларнинг қариндошлари ва инсон ҳуқуқлари химоячилари томонидан ушбу ҳисоботга изланишлар олиб бориш давомида тасвирланган энг кенг тарқалган усуллардир. Бу рўйхат тамомий эмас.

Дўппослашлар: Қийноқ қурбонлари қўл оёқлар, дубинка, резинка таёқ, темир ва сув тўлдирилган пластик шишалар билан шифтдаги илмоқларга осиб қўйган ҳолда ёки радиатор ва деворларга ўрнатилган тўсиқларга кишанлаб қўйилган ёки қўллари орқасига боғланган ҳолда калтакланишларини айтадилар. Қўллари ортга боғланган ҳолда ҳибс этилганлар боши билан олинга полга қараб эгилишга мажбурлани қўллари орқасида тортилишларини тасвирлайдилар.

Дўппослашлар камида икки киши тарафидан узоқ муддат давомида амалга оширилади ва бутун бадан ва юзини қоплайди. Кўпинча қийноққа солувчилар танилиб қолмаслик учун юзига ниқоб тақиб олишади. Сув тўлдирилган пластик шишалар танада кам из қолдиради, аммо дўппословчилар қўл, оёқ ва юз суякларини синдиришда ҳам иккиланмайдилар. Мазкур хисоботга ҳикоя қилганларнинг кўплари хавфсизлик ходимлари ва бошқа маҳкумлар улар ва бошқа маҳбусларнинг суякларини синдирганларини тасвирлайдилар. Қурбонлар оғриқдан хушларини йўқотсалар, уларни сув сепиб хушига келтирадилар ва калтаклаш ва тепкилаш давом этади. Кўплаб қийноқ қурбонлари уларни қийнашдан олдин яланғоч қилиб ёки ич кийимда қолиришларини айтадилар. Баъзилар милиция ходимлари уларни яланғоч юзини ерга қилиб полга ёткизадилар ва сўнг уларнинг умуртқа поғонасига зарар етказиш учун белига чиқиб турадилар.

Димиқтириш: бу ҳибс этилганларнинг бошига пластик халта ёки газ ниқоби кийдириш орқали амалга оширилади. Газ ниқоби яхшилаб ўрнатилгач, хаво йўли тўсилади ва қурбон хушини йўқотай дегунга қадар ёки бутунлай хушидан кетгунча ушланади. Кўпинча қурбон бу кўргулик давомида стулда қўллари орқасига кишанланган ҳолда ўтиради. Қийноқ қурбонлари баҳзида сув ёки захарли тутунлар ниқобнинг ҳаво йўлига киритилишини айтганлар.

Қўл ва оёқ тирноқлари остига игна санчилади.

Электр шоклари: Қурбонлар уларни шифтдаги илмоқга осган ҳолда жинсий аъзолари, орқаси ва кўкрак каби нозик жойларига электр шоки юборишларини айтгадилар. Қийноқ қурбонлари шунингдек милиция ва

хавфсизлик ходимлари ҳибс этилганларни қимирлатмасдан сув тўла контейнерларга солиб электр токи жўнатишларини тасвирлайдилар. Яна бошқалари эса стулга боғлаб ёки кишанлаб қўйиб, оёқларига сув сочиб, жинсий аъзоларига ток урдиришларини тасвирлайдилар.

Эркак ва аёлларни жинсий зўрлаш ва жинсий тахқирлашлар: Қурбонлар милиция ходимлари шиша ва дубинка каби предметлар билан жинсий зўрлашлари ва жинсий тахқирлашлари, ҳамда аёл ва эркакларни гуруҳ бўлиб жинсий зўрлашларини айтадилар. Собиқ маҳбуслар ва қийноқдан омон қолганлар жинсий зўрлаш ва тахқирлаш таъқводор мусулмон эркак ва аёлларнинг иродасини синдириш учун атайлаб амалга оширилади. Жамиятда жинсий зўрланишга боғлиқ иснод сабабли қийноқ қурбонлари бу хақида айниқса гапиришга қийналадилар. Улар ўзлари ва оила аъзоларининг “шаъни”га доғ тушгандек ва шу билан уларнинг жамиятдаги ўрни пастга урилгандек хис қиладилар.

Аёл ва эркакларни жинсий хўрлаш: булар қаторига уларни яланғоч қилиб милиция, хавфсизлик ходимлари ва бошқа маҳбуслар олдига тургизиб қўйиб хақоратомуз сўзларни айтиш киради. Жинсий хўрлаш Халқаро Амнистия эътиборига келиб тушган қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турлари бўйича Ҳисоботларнинг катта қисмида кенг тарқалган. Аёллар, айниқса хижоб ва жилбоб кийувчи тақводор мусулмон аёллар нотаниш эркаклар томонидан яланғоч қилиниш, уларга тегиниш ёки шу ҳолда калтакланишни жуда ҳам шикаст етказишлигини айтадилар. Аммо жинсий тахқирлаш диндор бўлмаган маҳбусларга қарши ҳам ишлатилади. Кўплар уларни милиция ва МХХ ходимлари ечинтириб олдинга эгилтириб тахқирлашларини айтадилар.

Мусулмон аёллар шунингдек, милиция ходимлари уларнинг хижобларини мажбуран ечиб полга ёткизиб сочидан судрашларини айтадилар. Баъзи ҳолларда милиция ходимлари аёлларнинг сочларини кесиб ташлайдилар.

Рухий қўрқитиш: энг кенг тарқалган усуллардан бири ҳибсга олинган шахснинг яқин оила аъзосига зарар этказиш билан тахдид қилиш, айниқса милиция ёки хавфсизлик ходимлари эркак ва аёл маҳбусларнинг аёл қариндошларини жинсий зўрлаш билан қўрқитиш. Яна бошқа тахдидлар оила аъзоларни дўппослаш, уйдирма айбловлар билан ҳибсга олиш ва тухмат қилишни ўз ичига олади.

Айблов олди ҳибс этиш марказларида маҳбуслар ва гумондорларни қўрқитиш учун итлардан кенг фойдаланадилар. Масалан, 2014 йилда Халқаро Амнистияга узатилган мактубда, Дилшод қандай қилиб уни милиция ходимлари қийноққа солганлари ва итнинг катагига уни кишанлаб қўйганларини тасвирлайди. У ўша пайтда 16 ёшда бўлган (бу иш бўйича тавсилотлар учун 52 сахифага қаралсин):

> *Улар навбатма навбат мени қонга белангунимга қадар дўппослардилар, кўзларим шу даражада қонга тўлган эдики, ортиқ яхши кўра олмай ҳам қолдим. Улар менинг буйракларимга, оёқ ва юзимга, қаерга калтак тушса, шу ерга аямай урардилар. Мен шу даражада азобда эдимки, яланғоч ва совуқ қотган эдимки, ортиқ омон қолмайман деб ўйладим. Учинчи кун мен ходимлардан биридан ичишга бирор нима беришни сўраганимда, у мени ертўладан ховлига судраб чиқарди, итнинг катагига боғлади ва итнинг идишини кўрсатиб: “агар овқат егинг келса ёки сув ичсанг ана мархамат” деди. У мени катакка боғланганимча қолдириб кетди. Мен у ерда турардим ва ёнимда улкан овчи ит ётар эди ва ҳар сафар бир оз қимирласам у хуришни бошлар эди ва мен қимирлаша ботинолмас эдим... Кейин ходим қайтиб келди ва “агар ўзингни ўлдирсанг яхшироқ бўлар эди, ўзингни ҳам бизни ҳам азоблашни тўхтатар эдинг” деб айтди.*

Ўта қаттиқ иссиқ ёки совуқ хароратга солиш: Маҳбуслар 50°с даража жазирамага чиқарилиб сувсиз узоқ муддат давомида тургизиб қўйилади. Қиш пайтида эса маҳбусларнинг устки ва оёқ кийимлари ечирилиб устидан сув қуйиб минус 40°с даража совуқда қор устига чиқариб узоқ вақт ушлаб турилади. Баъзилар яна уларни деразасиз, ҳаво кирмайдиган ёки иситгичсиз камерага жойлаб иссиқ ёки совуқ ҳаво харорати остида сув ва овқатсиз сақлашларини айтадилар.

Сув ва овқатдан махрум қилиш: кўплаб собиқ маҳбуслар уларга айблов олди ва суд олди ҳибсда сақлаш марказларида олти кунгача дуруст овқат ёки сув берилмаганини айтганлар. Баъзи ҳолларда уларга овқат ва сув умуман бир неча кунлаб берилмаганини таъкидлашади. Яна бошқа Халқаро Амнистия хужжатлаштирган ҳолатларда ҳибсга олинганлар суд олди ҳибсда сақлаш марказида ўта кескин вазн йўқотганлар.

Уйқудан махрум қилиш: Умуман олганда жазо камераларида ва айблов ва суд олди ҳибс этиш камераларида кўпинча ягона чироқ ўрнатилган бўлиб у хеч қачон ўчирилмайди ва маҳбусларнинг ухлашига халақит беради. Баъзи собиқ маҳбуслар МХХ ходимлари уларга уйқу бермаслик учун итлардан фойдаланишларини айтадилар. Бир кўрсатмага кўра, итлар ходимлар томонидан метал деворга уриб ёки қўнғироқларни жиринглатиб гижгижланар ва улар ўз навбатида хуриб маҳбуслар уйқусини бузар эдилар.

4.2 ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ЖОЙЛАРИ

> *“Уларни (аёлларни) жуда ёмон калтакладилар. [Эркак МХХ ходимлари] уларни яланғоч қилиб қўйиб шунақа ёмон урдиларки...*
>
> *“Улар [хавфсизлик ходимлари] дубинка билан уриб бутун баданини кўкартириб ташладилар, оёқларининг бармоқларини синдириб юборди, бурунларини кўрсангиз эди, мана бундай қилиб (кўратади) синдириб юборган эди. Чап оёғининг мана бу жойидан (кўрсатади) дубинкаси билан синдириб ташлаган эди. у эркаклар уларни мана бундай қилиб ёткизиб қўйиб аёлларнинг устига чиқиб турарди... устига чиқиб турарди. Эркаклар бу аёлларни яланғоч қилиб ёткизиб қўйиб, устига чиқиб турарди...”*
>
> *“Ха, уларни жинсий зўрлаш билан қўрқитиб яланғоч қилиб шарманда қилиб ташладилар. У ерда фақатгина битта эркак эмас, бир нечтаси туради ва буларнинг барчаси уларнинг кўз олдида бажарилади. Уларни ечинтириб қўйиб урадилар. Уларнинг ҳаммаси ўша ерда ўтиради, оперативниклар буни қилади. Терговчи ҳам у ерда ўтиради. Уларни шундай қилиб қийноққа соладилар ва терговчи уларнинг оғзидан чиққанини ёзиб ўтиради. Улар эркакларни ҳам шундай қилиб дўппослайдилар... уларни мана бундай қилиб ўткизиб товонларига дубинка билан урадилар. Уларнинг товонлари эзилиб кетган. Агар хушини йўқотса камерага олиб келиб ташлайдилар. Агар ярим соатда ўзига келса, уларни яна олиб чиқиб яна дўппослайдилар.”*
>
> Зухра хавфсизлик ходимлари қандай қилиб милиция қамоғида эркак ва аёлларни қийноққа солишини тасвирлайди, 2014 йил

Қийноқ ва бошқа номаъқул муомала кўпинча милиция ва МХХ назорати остида айблов олди ҳибсхоналарда (ИВС) ва суд олди ҳибсда сақлаш марказларида (СИЗО) гумондор ва маҳбусларни уларга айблов қўйилиб судя ҳибсга олиш буйруғини бергандан сўнг уларни иқрор эттириш учун қўлланилади.

Аммо, хавфсизлик ходимлари гумондорларни қўлга олишлари биланоқ расмий ҳибсхонага етиб боришларидан анча илгари дўппослай бошлаш ва бошқа номаъқул муомалаларга дучор этишлари ғайриоддий ҳол эмас. Кўплаб собиқ маҳбуслар ва қийноқдан омон қолганлар қандай қилиб милиция ва хавфсизлик ходимлари милиция идорасига олиб кетаётиб йўлда калтаклашни бошлаганларини айтадилар, бунга Юсуфнинг юқоридаги ҳикояси мисол бўлиши мумкин.[19]

---

[19] Кўплар яна хавфсизлик ходимлари маҳбусларни суд маҳкамасига олиб кетаётиб ёки ундан қайтаётиб йўлда машинада уларни қўрқитиб қийноқ ва бошқа номаъқул муомалаларга дучор этилганликларидан шикоят қилмасликлари учун калтаклашларини айтганлар

Баъзи ҳолларда хавфсизлик кучлари гумондорларни ИВСга олиб бормасдан хусусий мулк ичида ёки норасмий ҳибс жойларида ташқи дунё билан алоқасиз бир неча кун сақлаб, маълумот ва иқрорнома олиш учун қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этганлар. Масалан, МХХ ходимлари Вахит Гунешни (қуйига қаралсин) 8 кун ўз идорасида ҳибсда сақлаб унинг молиявий мулклари хақида маълумот олиш ва катта миқдорда пул ундириш учун қайта қайта калтаклаб, уйқудан махрум этганлар. Уларнинг талабларига жавоб бера олмаганидан сўнг уни МХХнинг расмий ҳибс марказига олиб кетганлар.

Қонун хавфсизлик кучларидан гумондорларни милиция участкасига ёки ИВСга келтирганлари заҳоти рўйхатдан ўтказишни талаб этади.[20] Улар расман ҳибсга олинган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 72 соат ичида милиция ва МХХ ҳибсга олинган шахсни судя қаршисига санкция олиш учун келтириши лозим. (Ўзбекистон қонунчилигида қийноқ таъқиқи, 34 параграф). Ҳуқуқшунослар, собиқ маҳбуслар ва уларнинг қариндошлари Халқаро Амнистияга милиция ва МХХ ходимлари маҳбусларни милиция участкаси ва ИВСларда зудлик билан рўйхатдант ўтказмайдилар ва ҳибсда ташқи дунё билан алоқасиз сақлайдилар. Уларнинг қариндошлари баъзида хафталаб ҳибс этилганларни қаерда эканини билолмай юрадилар. Собиқ маҳбуслар қандай қилиб уларни милиция участкасига келтирилгач, ходимлар камерага ёки расмий терговхонага эмас балки идорага элтгиб радиатор ва стулларга кишанлаб қўйиб мунтазам равишда улардан иқрорнома ёки бошқаларга қарши ёлғон кўрсатма олгунларига қадар дўппослашларини сўйлайдилар.

Улар рўйхатдан ўтказилганларидан кейин, маҳбуслар ИВСдаги камераларда сақланадилар ва терговхонага сўроқ учун келтириладилар ва у ерда баъзан деворларга ўрнатилган темир тўсиқларга боғлаб қўйиладилар. Собиқ маҳбуслар Халқаро Амнистияга қуйи лавозимлард ишловчи “оперативлар” деб номланувчи ходимлар одатда қийноқ амалларини содир этадилар ва терговчилар уларни бошқариб туришларини сўзлаб берганлар. Баъзида эса улар ҳам қийноқда қатнашадилар. Қийноққа солувчи ходимлар ҳар доим ҳам форма киймайдилар ва баъзида ниқоб тақиб оладилар ва бу уларни таниб олишни қийинлаштиради ва маҳбуслар қўрқувини кучайтиради. Собиқ маҳбуслар ва уларнинг қариндошлари шунингдек Халқаро Амнистияга қандай қилиб милиция ва МХХ ходимлари кўпинча бошқа оддий жиноятлар билан ҳукм этилган маҳбус ва маҳкумлардан суд олди ҳибсхоналарида қийноқ қўллашда фойдаланишларини сўзлаб берганлар.

Одатда қийноқ қўлланиладиган хоналар милиция участкаси ёки суд олди ҳибсда сақлаш марказларининг қуйи қаватлари ёки ертўлаларида жойлашган бўлади. Бу хоналарнинг баъзилари кичкина жазо камералари ва бор йўғи 2 метрга 4 метр ўлчамда бўлиб бошқа икк маҳбус ёки маҳкум томонидан олдиндан эгалланган бўлиб милиция ва МХХ ходимлари томонидан қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларини қўллаб гумондорларни иқрор бўлишга ёки бошқаларга қарши ёлғон кўрсатма беришга таёрлаш вазифасини олган бўлади.

Суд олди ҳибсда сақлаш марказлари ичидаги энг бадном ва қийноқ кенг тарқалган жой бу Тоштурма бўлиб, Тошкентдаги Ички ишлар вазирлиги остидаги марказий суд олди ҳибсхона маркази (СИЗО) ва Тошкентдаги МХХ ҳибсда сақлаш марказидир.

Халқаро Амнистияга йиллар давомида ушбу марказларда қийноқлар қўллови хақидаги кўпгина даъволар келиб тушган. Бир маҳбуснинг қариндоши Тоштурма қандай қилиб ном чиқарганини Халқаро Амнистияга сўзлаб берди:

> *“Тоштурма. Нима учун энг ёмон жой деб сўрасангиз чунки у ерда уларни (ҳибсга олинганлар) 20 йил ёки бир умрга қамалган қотиллар билан бирга қўядилар... у ерда бу маҳкумлар уларни дўппослаб бошларини ерга босадилар ёки бошини пастга қилиб осиб таёқ билан калтаклайдилар. Уларнинг оёқлари калтаклашлардан эзилиб кетади. Кўрдингизми уларни қанчалик қийнашади. Тоштурмада улар шундай*

[20] ЖПКнинг 225 моддаси, “Қўлга олишни расман рўйхатдан ўтказиш”.

қиладилар. Буни айниқса 244ларга (таъқиқланган исломий гуруҳ аъзолари) нисбатан қўллайдилар. Уларни балиққа ўхшатиб осиб қўядилар. Уларни шунчалик қийнаб яна ўша маҳкумлар билан бирга улар ҳам калтаклашлари учун қўйиб қўядилар. Улардан яна нима айтасан деб сўрайдилар. Ха, Тоштурмада уларни шундай ёмон урадилар.” [21]

МХХ ҲИБСХОНАСИДАГИ ҚИЙНОҚЛАР

“Мен бу энди охири деб ўйлардим. Бу хаётимнинг якуни.”- Вахит Гунеш

Вахит Гунеш Турк бизнесмени ва Тошкентдаги Туркуаз савдо марказининг собиқ директори, у Тошкент МХХ ҳибсхонасида 2011 йил март ойидан бошлаб 10 давомида 2011 йил декабр ойида президент амнистиясига тушиб озод этилгунга қадар сақланган. У ва яна унинг бизнес хамкорлари у билан бирга айбланган тўрт киши сўнгра Туркияга депортация этилади. Вахит Гунеш Ўзбекистон ҳукуматига қарши юридик суд иши бошлаган ва у хозирга қадар давом этмоқда.[22] Тошкент шахар суди у ва унинг шерикларини турли иқтисодий жиноятлар ва солиқдан бош тортганлик учун 2 йилдан 3 йилгача қамоқ жазоларига ҳукм этган. Ҳукумат расмийлари шунингдек бу шахслар “Нурчилар” номли таъқиқланган исломий ҳаракатга алоқадор бўлганларини даъво қилганлар. Вахит Гунеш барча айбловларни рад этган ва МХХ унинг бизнесини ўзлаштириш ва унинг оиласи ва бизнес ҳамкорларидан катта миқдорда пул ундириш мақсадида буларни уюштирганликларини таъкидлайди. У шундай дейди:

“Давлатнинг ТВ каналлари ва газеталари Ўзбекистонда бизни номимизни қораловчи кампания бошладилар. Улар менинг идорамдан 200кг олтин топилди деб айтганлар. Улар яна Туркуаз ертўласида босмахона топилди деб даъво қилдилар. Улар бизни ноқонуний адабиётлар чоп этиб террорист ташкилотларга ёрдам бериб келганлар деб даъво қилдилар. Буларнинг ҳаммаси ахмоқона даъволар эди... уларнинг хеч бири хақиқат эмас эди... Бизни Туркуазда саккиз кун сақлаб турганининг сабаби, бизга қарши хеч қандай далил топа олмаганлиги учун эди.”

У ўзи ва бошқаларни Тошкентдаги МХХнинг ҳибсда сақлаш марказида уйдирма иқрорномаларни имзолаш ва ўз ҳуқуқшуносларини танлай олмасликлари учун қийноққа солинганликларини даъво қилади.

“Прокурорлардан бири шундай деди: Вахит Гунеш ўзингни тутиб ол. МХХнинг бутун бошли тарихида бу ерга келтирилганларнинг хеч бири хали айбсиз топилиб озод этилмаган. Улар айбига иқрор бўлишга мажбур.”

У шунингдек бошқа маҳбуслар ҳам МХХнинг суд олди ҳибсда сақлаш марказида қийноқга солинган, ва уларнинг баъзилари бунинг натижасида халок бўлган:

“Биз билан бирга бир камерада бўлган одамлар терговга олиб кетилиб бошқа қайтиб келмаганликларининг гувоҳи бўлдик. Биз кейинроқ уларнинг қийноқдан халок бўлганини эшитдик... Мен сақланган иккинчи камерада бир милиция ходими бор эди. Улар бу одамни терговга олиб боришар эди. У қайтиб келганида қонга беланган ва қўли синган, бармоғи ҳам синиб кўзлари шишганидан ёпилиб қолган эди. у камерага қайтарилгач юра олмай қолганди, чунки унинг оёғи синган эди. унга хожатхонага боришига ёрдамлашдик. У хеч нарса кўра олмас эди, шунинг учун биз унинг жарохатларини тозаладик. Ҳар куни шу аҳвол эди. Бир кун унинг бир кўзи шишса, эртаси куни бошқаси шишар эди. уни қайта қайта

---

[21] 2014 йил Зухра билан сухбат. Унинг икки қариндоши Тоштурмада ҳибс этилган.

[22] Инвестиция Можароларини Ечиш Бўйича Халқаро Марказ, иш раами 148, Гунеш Текстил Ўзбекистонга қарши.

қийноққа солишар эди. Охирги марта бу одамни терговга олиб чиққанларини кўрганимдан кейин у бошқа қайтиб келмади.”

Вахит Гунешга кўра, маҳбусларни исмлари билан эмас фақатгина улар жойлашган камера рақамлари билан чақирилар эдилар. Уларнинг камералари тез-тез алмашганлиги сабабли уларнинг рақамлари ҳам тез-тез ўзгарар эди. Агар улар тўғри рақамни унутиб қўйсалар, МХХ ходимлари уларни калтаклар эдилар. Қийноқ тергов хоналарида, жазо камералари ва махсус қурилган қийноқ хоналарида амалга оширилар эди. Қийноқлар яна хаммом ва хожатхоналарда ҳам содир этиларди. МХХ ходимлари Вахит Гунешни хаммомда мунтазам равишда ечинтириб олдинга энгашишга мажбур этишар ва уни калтаклаб жинсий тахқирлашар эди.

“Масалан “дубак” (ходим ёки қўриқчи) сизни камерадан олиб чиқади, кейин хаммомга олиб кириб ечинтиради ва (жинсий) тахқирлайди. Кейин сизни кишанлаб прокурорнинг хонасига етиб боргунча туяқуш каби энгаштириб калтаклашда давом этади. Прокурор ёнидалингизда сиз аллақачон жуда ҳам аянчли рухий аҳволда бўласиз, ўзингизни аянчли хис қиласиз... Худди арвоҳга ўхшаб қоласиз. Инсонга бошқа ўхшамай қоласиз. Ўша ерда сизга рақам беришади. Исмингиз бошқа хисобга ўтмайди. Масалан менинг рақамим 79 эди. Мен ортиқ Вахит Гунеш эмас эдим, мен 79 эдим. Сиз инсон эмассиз, рақамга айланиб қолгансиз.”

Бир пайтда МХХ ходимлари Вахит Гунешнинг қўлларини орқасига чўзиб тергов хонасининг деворига ўрнатилган метал тўсиқга кишанлаб қўядилар. Сўнгра уни дўппослайдилар. Улар яна уни зинадан чиқиб тушишга мажбур қиладилар ва агар у гандиракласа урар эдилар.

“Улар бизни қўлларимизлан кишанлаб қоронғу хонага олиб бордилар. У ерда жуда қаттиқ дўппосландим... Улар мени метал тўсиққа кишанлаб қўйишди. Улар қаерингизга уришлари хақида хаттоки ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Қулоғингизга, кўзингизга, бурнингизга... уларга фарқи йўқ...Сабаб ҳам керак эмас. Менга айтишларича бу “хуш келибсиз” дея дўппослаш экан. Менга бу ерда шундай иш олиб борилишлигини айтишди.”

У шунингдек кичкина пресс-хата деб аталувчиси жазо камерасида ҳам бир неча кун ва тунлари икки маҳбус томонидан дўппосланди.

“Пресс-хата мана бундай ишлайди: у ер икки кишилик камера. У ерга яна бир каравот жойлайдилар ва сиз учинчи киши бўласиз. Масалан мен у ерга икки улкан ва новча эркак билан бирга қўйилдим, мен учинчи эдим. Камерага кирган заҳотим улар мени калтаклашга тушдилар.”

Бошқа маҳбуслар Вахит Гунешга қийноқ учун махсус қурилган деворлари овоз эшитилмайдиган қилиб резина билан қопланган хоналарда қандай қилиб қийноққа солинганликларини сўзлаб беришган. У бир марта ана шу хоналардан бирига қисқа муддат қамалган. *“У ерда одамларни қийноққа соладиган хоналар бор. Бу хоналарнинг деворлари ажратилган: улардан овоз ўтмайди. У ерда чироқ ёруғлиги ҳам йўқ. Улар у ерга одамларни киритишади ва икки ниқобланган киши улар билан нимани хохласа, шуни қиладилар... қийноқ хоналари ҳар бир қаватда бор. Ҳар бир қаватда яна камералар ҳам бор. Яна ҳар бир қаватда “пресс-хата” камералари ҳам бор.”*

“Менинг дўстим (исми ошкор этилмаган) ажратилган ва овоз эшитилмайдиган қийноқхонасига олиб кетилган. Икки эркак бири оёғидан, иккинчиси қўлларидан тутиб уни осмонга ирғитишган. У ерга худди қопдек қулаб тушган. Унинг барча ички аъзолари эзилиб кетган. Улар ана шундай шафқатсиз ва разил амалларни қўллашади.”

Вахит Гунеш МХХнинг СИЗО ҳибсхонаси камерасининг ичини батафсил тасвирлаб берди:

“Эшик жуда ҳам қизиқарли эди. У алохида ажратилган эди. У жуда қалин ва овоз ўтмайдиган эди. Унинг қулфланиш механизми жуда қизиқ эди. Унинг устида хеч нима йўқ эди, масалан қамоқхона метал панжараси ёки бошқа нарса. Улар сизни ташқаридан кўра оладилар, аммо сиз уларни кўра олмайсиз. Улар хаттоки хожатхона ёнига ҳам сизни кузатиб туриш учун туйнук ўрнатиб қўйган эдилар... Тепада чироқ бўлар эди. У ҳар доим ёниқ туради. Унинг усти буткул қопланган эди. У шифтнинг қоқ ўртасига ўрнатилган эди. У хеч қачон ўчмас эди. Кечаси ҳам кундузи ҳам ёниқ турар эди.”

У МХХ ходимлари қандай қилиб тун ярмида тезғтез қисқа танаффуслар билан металларга камера ташқарисидаги тўсиқларга боғлаб қўйилган итларни гижгижлаб хурдириш учун уришларини сўзлаб берди. Итларнинг баджахл хуришлари маҳбусларни қўрқитиб уйқудан махрум этиш учун қилинар эди..

“Улар итларга тонггача хеч ҳам уйқу бермас эдилар... ва бу билан маҳбусларни ҳам уйқудан махрум қилишар эди.”

Вахит Гунеш Халқаро Амнистияга қийноқлар фақатгина МХХ унга қарши уйдирилган сохта айбларга иқрор эттириш мақсадида қўлланганлигини айтиб берди. Қийноқ остида у бошқаларни ҳам қораловчи кўрсатмалар беради. У иқрорномага имзо чекганидан сўнг. Қийноқлар ҳам тўхтатилди ва унга тиббий муолажа олишга рухсат ҳам берилди. МХХ унинг оиласидан уни озод этиш эвазига бир неча миллион АҚШ доллари таъмагирлик билан ундиришни хохлаб қолганларидан кейин қайтадан қийноққа солишни бошладилар.

“Қоғозларга имзо чекмай бошқа нима ҳам қилар эдингиз? Бошқа чора бормиди? Сиз у ерда тутқунсиз. Сиз у ерда террористлар қўлидасиз ва улар нимани буюрса шуни бажаришга мажбурсиз. Бошқа нима фарқи бор? Баъзилар одамларнинг бошини кесадилар... Улар нима деса шуни қилишга мажбурсиз. Улар сизга ётишни буюрса, ётасиз. Сиз у ерда бор йўғи бир рақамсиз. Сизда хеч қандай ҳуқуқ йўқ. Қаерга бориб шикоят қиласиз? Сиз хаттоки қичқирганингизда ҳам нима бўлар эди? Бировни чақиришга ҳаракат қилсангиз нима бўлар эди? Ким ҳам сизни эшитар эди? Улар сизга ўзлари хохлаган ҳимоячини берадилар. Сиз ўзингиз ҳимоячи танлай олмайсиз. Кимдир қамоқхонага келади ва у сизнинг ҳимоячингиз эканлигини айтади.”

5. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ МИЛЛИЙ МИҚЁСДА АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎЙГАН ҚАДАМЛАРИ

“Мен ҳимоячиман, мен прокурорман, мен судяман. Бу ерда биз бошлиқмиз."

МХХ прокурори 2001 йилда Тошкентдаги МХХ ҳибсда сақлаш марказида 10 ой ҳибс этилиб қийноққа солинган Вахит Гунешга айтган сўзлари[23]

5.1 ХАЛҚАРО ҚОНУН ВА МЕЪЁРЛАР

5.1.1 ҚИЙНОҚ ВА БОШҚА НОИНСОНИЙ МУОМАЛАНИНГ МУТЛАҚ ТАЪҚИҚЛАНИШИ

Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва камситувчи муомала турлари халқаро қонун асосида таъқиқланган ва Инон Ҳуқуқлари Умумжахон Декларацияси каби халқаро ва миллий инсон ҳуқуқлари хужжатлари ва Ўзбекистон аъзо бўлган бошқа хужжатларда аниқ кўрсатиб берилган. Мазкур таъқиқ хужжатлар асосидаги мажбуриятларидан қатъий назар барча давлатларга тегишли ва халқаро таомил қонунлар бўлиб хисобланади,[24] ва барча вақт ва ҳар қандай шароитда, хаттоки уруш ва фавқулодда ҳолатлар вазиятида ҳам уларга амал қилинади.

Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 7 моддаси: Хеч ким азоб уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни тахқирловчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги керак. Қийноқ шафқатсиз, ноинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазодан фарқли кўрилмаслиги лозим ва бу барча амаллар мутлақо таъқиқланган.

---

[23] Халқаро Амнистия билан сухбат,октябрь 2014.

[24]Мисоллар учун Инсон Ҳуқуқлари Олий Коммисарлиги Идораси, умумий изохлар 24, параграф 8га қаралсин. Қуйидаги линкда кўриш мукин:
http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR%2fC%2f21%2fRev.1%2fAdd.6&Lang=en

БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси: “бу каби муомала ёки жазони таъқиқлаш ёки жиноят дея белгилаш кифоя эмас..”. Давлатлар шунингдек қийноқнинг олдини олиш ва уни текшириб амалга оширган жиноятчиларни жазолаш ва қурбонларга товонлар тўлаш одимларини босмоғи лозим.[25]

БМТнинг Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларига қарши Конвенцияси (ҚҚК) қийноқни олдини олиш ва таъқиқлашни давлат бўлимлари жалб этилишига диққатни қаратади. У қийноқни қуйидагича таърифлайди: “бирон-бир шахсга қасддан етказиладиган кучли жисмоний ёки руҳий оғриқ ёхуд азоб, ундан ёки учинчи шахслардан маълумот ёки иқрорликни қўлга киритиш учун, у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган қилмиш учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсларни қўрқитиш ёки мажбурлаш ёинки дискриминацияга асосланган ҳар қандай сабабларга кўра содир этилган ҳар қандай ҳаракатлар бўлиб, бунда ушбу ҳаракатлар давлат мансабдор шахслари ёки расмий равишда намоён бўлувчи бошқа шахслар ёки уларнинг ундови билан ёхуд уларни хабардор этган ҳолда ёинки уларнинг розилиги билан содир этиладиган амаллар” амалдир.” Бу эса давлатларга қийноқ ва бошқа номаъқул муомала амаллари ва уни содир этишга ёки унда иштирок этишга ҳаракат қилиш ички жиноий қонунчиликда бундай амалларнинг мудхиш эканлигини хисобга олган ҳолда керакли жазолар белгилаш маъсулиятини юклайди. Давлатлар қийноқ ва бошқа номаъқул муомала бўйича тушган шикоят ва ишончли ҳисоботларни тезкор ва холис текширувлар ўтказмоғи шарт. Улар шунингдек, қийноқ ва номаъқул муомаланинг олдини олиш учун керак бўлган самара берувчи қонунчилик, маъмурий, адлиявий ва бошқа чораларни кўрмоғи лозим. ҚҚК шунингдек давлат мулозимларини махсус тренинглардан ўтказиш ва тергов ҳамда ҳибсда сақлашни мунтазам текшириш каби қийноқ қўлловининг олдини олувчи чоралар давлатлар томонидан қўлланилиши лозимлигини қайд этади.

5.1.2 ҚИЙНОҚ ОСТИДА ОЛИНГАН КЎРСАТМАЛАРНИ ҚАБУЛ ЭТМАСЛИК

Халқаро қонун қийноқ ва бошқа номаъқул муомала остида олинган кўрсатманинг судда қабул этиб бўлмаслиги борасида бир фикрда (фақат бу каби далиллар қийноқ ва бошқа номаъқул муомала амали содир этилганлигига этилганлиги тасдиқлаш учун ишлатилиши мумкин). ҚҚКнинг 15 моддаси остида давлатлар қийноқ ва бошқа номаъқул муомала натижасида қўлга киритилгани аниқланган тақдирда суд жараёнларида далил сифатида фойдаланилмайди ва фақатгина бу каби қийноқ амали қўллаган шахсга қарши кўрсатма сифатида ишлатилиши бундан истисно бўлиши мумкин.[26] Шунингдек, БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси “қонун қийноқ ва бошқа таъқиқланган муомала остида олинган кўрсатмалар адлия жараёнида ишлатилишини таъқиқлаши лозим...” эканини урғулайди.[27]

БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси ўзига қарши гувоҳлик кўрсатмаси беришга ёки айбига иқрор бўлишга мажбурланмаслик ҳуқуқи “бевосита ёки билвосита жисмоний ёки рухий босим айбланувчидан иқрорнома олиш мақсадида ўтказмаслик дея тушунилиши лозим...” дея урғулайди. Ички қонунлар кўрсатма ва иқрорномалар Пактнинг 7чи моддаси (қийноқ ва бошқа номаъқул муомала)ни поймол этиш натижасида олинган бўлса, далил сифатида қабул қилинмаслигини таъминлаши лозим... ва айбланувчи берган кўрсатма ўз ихтиёри билан берилганлигини исботлаш маъсулияти фақатгина давлатнинг бўйнига тушади.[28] Булар қаторига нафақат жиноий

---

[25]Мисоллар учун инсон ҳуқуқлари Олий коммисарлиги дораси, умумий изохлар 20, параграф 8, 14 ва 15га қаралсин. Қуйидаги линкда кўриш мукин:
http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT%2fCCPR%2fGEC%2f6621&Lang=en

[26] ҚҚК Қўмитаси тезлик билан ушбу қонунлар бошқа номаъқул муомала турларига нисбатан ҳам мажбурийлигини аниқлади, ҚҚКнинг Умумий Изохлар 2, БМТ хужжати. CAT/C/GC/2, пара 6 га қаралсин. Қийноқларга Қарши Декларациянинг 22 моддаси ҳам қишноқ ва бошқа номаъқул муомала турларини қўллаш орқали олинган кўрсатмалардан фойдаланишни таъқиқлайди.

[27] Инсон Ҳуқуқлари Олий Коммиссарияти Идорасининг Умумий Изохлар 20б пара 12га қаралсин, қуйида кўриш мумкин:
http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT%2fCCPR%2fGEC%2f6621&Lang=en

[28]Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси,Умумий Изохлар, 35, пара 34, қуйида кўриш мумкин:

суд жараёнида, балки бошқа барча жараёнларда берилган кўратмалар ҳам киради.

БМТнинг Ҳар қандай турдаги ҳибс остидаги шахсларни химоя қилиш Тамоиллари маъсул муассасаси маҳбусларнинг ҳолатидан фойдаланиб уларни иқрор бўлишга, кўрсатма беришга мажбур қилиш ёки уларнинг эркин қарор қилиш ёки вазиятни бахолай олиш қобилиятига шикаст етказувчи зўравонлик, тахдидлар ва бошқа тергов усулларидан фойдаланишни таъқиқлайди ва далиллар йиғишда ушбу тамоилларга амал қилинмаган ҳолда бу далилларни қабул қилинишини белгилашда хисобга олиниши лозимлигини аниқ қилиб белгилайди.[29]

БМТниг қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчиси қийноқ ва номаъқул муомала таъқиқи мутлақ ва рад этиб бўлмайдиганлигини урғулайди ва "амал қилувчи қонунлар ҳам миллий хавфсизлик ва бошқа ҳар қандай вазиятда ҳам чекиниб бўлмайдиган этиб тайинланади" деб айтади.[30] Махсус Ҳисоботчи айбланувчи қийноқ ва бошқа номаъқул амаллар қўлланганини даъво қилган пайтда далиллар қийноқ ва бошқа таъқиқланган номаъқул амаллар остида олинмаганини исботлаш маъсулияти суд ва прокурорлар зиммасига ўтади.[31]

Ўзбекистоннинг қийноқ ва бошқа номаъқул муомала остида олинган кўрсатмаларга судларнинг суянишини тугатишда амалсизлиги шартнома органлари томонидан такрор танқид остига олинган (қуйидаги Халқаро Инсон Ҳуқуқлари Механизмларининг Топилмалари бўлимига қаралсин), булар қаторига 2013 йил декабрь ойидаги ҚҚК Қўмитаси томонидан қилинган танқидлар ҳам киради.[32]

5.2 ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚИЙНОҚҚА ҚЎЙИЛГАН ТАЪҚИҚЛАР

Ўзбекистон ҳукумати қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларидан химоя этувчи қатор ижобий қонуний ва маъмурий қадамлар қўйди, булар қаторига ички қонунларни халқаро меъёрларга тенглаштиришга қаратилган қонунчилик ва адлия тизимида ислохотлар ўтказишни бошлагани ҳам киради. Аммо энг зарур мухофаза тартиблари хамон етишмайди.[33] Бундан ташқари, ушбу ҳисоботда хужжатлаштирилган воқеалар кўрсатганидек, ҳукумат қонуний химоя йўлларини амалга киритишда буткул сиёсий иродасизлик кўрсатди. Натижада, қийноқлар қўлланилиши ва қийноқлар учун жазосизлик хамон кенг тарқалганича қолмоқда.

Жиноят кодексининг 235 моддаси қийноқ ва бошқа таҳқирловчи муомала турларини жиноят деб белгилаган. Қийноқларга берилган таъриф кенг кўламли бўлсада, Ўзбекистоннинг ҚҚК остидаги мажбуриятларини тўлалигича қопламайди.[34] 235 моддага кўра фақатгина ҳуқуқни мухофаза қилиш ходимларигина қийноқ учун

---

http://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CCPR/Shared%20Documents/1_Global/CCPR_C_GC_35_7554_E.doc.

[29] "Далил тўплашда ушбу тамоилларга амал қилинмаган ҳолда, ушбу далиллар ҳибсга ёки қамоққа олинган шахсга нисбатан ишлатиш учун қабул қилиниш ёки қилинмаслигини белгилаётган пайтда хисобга олиниши лозим, Барча Шаклдаги Ҳибс ва Қамоқ остидаги Шахсларни Химоя Қилиш Тамоиллари, БМТ хужжати, A/RES/43/173, 27 тамоил, қуйида ўқиш мумкин www.un.org/documents/ga/res/43/a43r173.htm

[30] Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва қадр қимматни камситувчи муомала ёки жазо турлари бўйича Махсус Ҳисоботчисининг ҳисоботи, БМТ хужжати. A/HRC/25/60, 22 параграф, қуйида кўриш мумкин www.ohchr.org/EN/HRBodies/HRC/RegularSessions/Session25/Documents/A-HRC-25-60_en.doc

[31] Ибид, 33 параграф.

[32] ҚҚК Қўмитаси, Ўзбекистонниг тўртинчи даврий хисботи бўйича кузатувлар хулосаси, БМТ хужжати. UN Doc. CAT/C/UZB/CO/4.

[33] Етишмаётган чоралар қаторига Қийноқларга Қарши Қўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг 2007 йилги 3 даврий ҳисоботини кўриб чиқиш бўйича қилган кузатув хулсалари ва тавсияларини амалга ошириш борасидаги Миллий Дастур Режаси киради.

[34] 235 модда қийноқни қуйилагича таърифлайди: ... Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки

жавобгарликка тортилиши мумкин, қолган хавфсизлик кучлари номидан ёки уларнинг ундови остида қийноқ қўллаган маҳкумлар ёки маҳбуслар фақатгина қийноқ қўллашга кўмак бериш ёки ундаш учунгина жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 17-чи моддасида қийноқ амаллари қатъиян таъқиқланган: "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас." ЖПКнинг бошқа барча қийноқни таъқиқловчи моддаларида "ноқонуний ҳаракат", "зўравонлик" ва "таҳдид" каби умумий таърифлар қўлланган ва кенг кўламли маъно касб этади.

ЖПКнинг 88 моддасида эса кўрсатма олиш мақсадида ноқонуний босим ўтказиш таъқиқланади. У иқрорнома ва бошқа кўрсатмалар олиш мақсадида қийноқдан фойдаланишни аниқ қилиб таъқиқламайди, аммо хавфсизлик ходимларига "шахсларнинг хаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;... (ва) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан, кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш"ни таъқиқлайди.

Бу асосий таъқиқларга қўшимча ҳолда Ўзбекистон қонучилигида кўпинча тўлиқсиз ва амалда менсимай келинса ҳам, қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага қарши зарур бўлган қонунлар мавжуд. Қўлга олинган шахслар расмий ҳибсда сақлаш жойига келтирилиши ва зудлик билан рўйхатдан ўтказилиши лозим;[35] улар назарий жихатдан оила аъзолари ва адвокат ёки ҳуқуқшунос вакиллари билан ҳибсга олинган пайтларидан бошлаб чекланмаган миқдорда учраша олишлари мумкин;[36] ва маҳбуслар ҳибсга олинган пайтидан бошлаб 72 соат ичида вақтинчалик ҳибсда сақлашда давом этишга рухсат олиш учун судя қаршисига келтирилишлари лозим.[37]

2001 йилнинг сентябрь ойида Президент айблов ва суд олди ҳибсда сақлаш жойларидаги шахсларга бўлган муомалани ва назарий жихатдан милиция қарамоғи остида сақланаётган шахслар билан кўришишни ва уларга бўлган муомалани мустақил равишда мониторинг этишни яхшиловчи ва осонлаштирувчи янги қонунни тасдиқлади.[38] Ушбу янги қонун бошқа кўп нарсалар қаторида, маҳбусларга оила аъзолари ва адвокатлари билан чегараланмаган миқдорда ва вақтга кўриша олишга йўл беради ва текширув олиб бораётган хавфсизлик ходимларидан олдиндан рухсат олиш мажбуриятнини бекор қилади. "Жиноий иш жараёни бўйича ҳибсда сақлаш тўғрисидаги" қонуннинг 7- моддаси яна ҳибсда сақланаётган шахслар ва тергов остидаги маҳбусларга қарши қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллашни қўшимча тарзда тезкорлик билан таъқиқлашни ўзида мужассам қилади. Аммо ушбу янги қонун изчил ва самарали тарзда амалга оширилаётганлигига асослар жуда кам. Бир неча собиқ маҳбуслар Халқаро Амнистияга ўзлари танлаган адвокатлар билан ўз вақтида ёки чекловларсиз кўриша олмаганликлари ва расмийлар иқрорномаларга қўл қўйдириб бўлгачгина адвокатлар билан кўришишга рухсат берганларини айтган.

жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш."

[35] ЖПКнинг 225 моддаси, "Ушлаб туиш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш".

[36] "Жиноий иш жараёни бўйича ҳибсда сақлаш тўғрисидаги" қонуннинг 18 моддаси. Қонун рақами ЗРУ- 298.

[37] ЖПКнинг 226 моддаси, "Ушлаб туриш муддати".

[38] "Жиноий иш жараёни бўйича ҳибсда сақлаш тўғрисидаги", қонун рақами ЗРУ-298.

Маҳбусларнинг оила аъзолари ва адвокатлари Халқаро Амнистияга мулозимлар уларга ўз оиласи ва мижозлари билан кўришишга рухсат бермаганини ва хатто кўп ҳолларда уларнинг ҳибсга олинганлигини бир неча кун ёки хафталаб хабар этмаганликларини айтганлар.

Ҳибсга олишнинг суд томонидан назорат этишни тайинловчи қонун 2008 йилнинг январ ойидан бошлаб кучга кирди ва ҳибсга олишга рухсат бериш кучини прокуратурадан судга ўтказди. Аммо ушбу қонунни амалга оширишда муваффақиятсизлик маҳбусларни химоя қилишда жуда кам таъсир кучига эга эканини англатади. [39]

Ўзбекистон ҳукумати 2008 йилги қонунни "хабеас корпус" деб атасада, ушбу қонун озодликдан махрум этилган шахсларни ҳибс этилиш ортидан судга келтирилишини талаб этганлиги учун хақиқий хабеас корпус меъёрларига жавоб бермайди, бунга сабаб ҳибс этилган шахс ёки унинг сайланган вакили томонидан ФСҲКнинг 9 (4) моддаси асосида ҳибснинг қонунийлигини текширилишига рухсат берилмайди. Ўзбекистоннинг ўзгартириш киритилган қонуни фақатгина озодликдан махрум этилган шахсни судя қаршисига улар ҳибс этилганидан бошлаб 72 соат ичида келтирилишни талаб этади, бу муддат эса Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси томонидан 2005 йил март ойидаги ва 2010 йил апрель ойидаги Кузатув Хулосаларида хаддан ташқари кўп деб хисобланган.[40]

Судялар шунингдек суд экспертиза текширувига буйруқ беришлари мумкин ва агар кўрсатмалар ЖПКнинг қонунларини поймол этилиш орқали олинган деб ишонса айбланувчининг жисмоний жарохатларининг жиддийлигини ва табиатини текширилишини белгилаши мумкин. ЖПКнинг 173 моддаси агар жисмоний жарохатлар судяга яққол кўринса тиббий экспертиза ўтказишни мажбурий этиб тайинлайди. Аммо амалда, судялар камдан кам ҳолларда мажбурий тиббий суд экспертизаси ўтказишга буйруқ берадилар.

Судялар улар олдига келтирилган гумондорларнинг қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этилганлигига ишонсалар ҳам жиноий текширув ўтказишга буйруқ бера олмайдилар, аммо ҳибс остидаги шахс ёки айбланувчининг танасида қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турлари белгилари яққол кўринса, прокурорларни қонун бузилиши ҳақида хабардор этишлари мумкин.[41] Аммо ушбу ҳисоботда таъкидланганидек, судялар қийноқ қўлланганлиги ёки иқрорнома ва бошқа кўрсатмалар қийноқ билан булғанганлигига асос бор бўлган пайтларда ҳам прокурор эътиборини тортишга бўлган ҳуқуқидан деярли фойдаланмайдилар.

Қийноқлар қўлланилиши ҳолатларини суд экспертизадан ўтказишга ёки жиноий текширув талаб қилишга буйруқ бермасликдан ташқари, судялар қийноқ остида олинганлиги даъво қилинган кўрсатмаларни қабул қилиш ёки қилмасликни камдан кам ҳолларда савол остига қўядилар. Бу лаёқатсизлик қийноқларга қарши бошқа қонунларга риоя қилмаслик каби, қийноқлар қанчалик Ўзбекистон жиноий адлия тизимида марказий ўрин тутишини акс эттиради. Қийноқлар Ўзбекистонда камдан кам рўй бергани учун тоқат қилинадиган хато эмас. Қийноқлар жазо ҳукми чиқариш учун зарур бўлган иқрорномаларни олишдаги асосий қурол воситасидир. Бу эса кейинги бобнинг мавзусидир.

---

[39] "Ўзбекистон Республикасининг ҳибсга олишга буйруқ бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик актларига ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш хақидаги" қонунни қуйида кўриш мумкин http://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/9049.

[40] Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг якуний кузатувлари: Ўзбекистон, БМТ хужжати. CCPR/CO/83/UZB, 14 параграф ва БМТ хужжати. CCPR/C/UZB/CO/3, 14 параграф

[41] ЖПКнинг 273 моддаси. Шунингдек қаралсин: Ўзбекистон хукуматининг БМТнинг Қийноқларга қарши Қўмитаси томонидан 2013 йил 6-31 да ўтказилган ва Ўзбекистон республикасининг Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларига қарши Конвенциясини амалга ошириш бўйича тўртинчи даврий ҳисоботини кўриб чиқиш билан боғлиқ 50чи мажслисда қабул қилинган масалалар Рўйхати. БМТ хужжати CAT/C/UZB/4.

6. МАЖБУРАН ОЛИНГАН ИҚРОРНОМАЛАРДАН ЖИНОИЙ ИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

> *“Улар одатда одамларни айбига иқрор бўлишга мажбурлаш учун қийноққа соладилар. Улар қамоққа солинишидан олдин иқрор бўлишлари керак ахир, тўғрими? Демак, шунинг учун улар одамларни ҳибсга олиб бу ерга келтирадилар ва хонага қамайдилар ва қийноққа соладилар. Охир оқибат бу одамлар бошқа нима ҳам қила олардилар? Улар иқрор бўладилар; улар айбини тан олиб, қоғозларга имзо қўядилар. Сўнгра уларни қамоққа соладилар.”*
>
> Вахит Гунеш

Қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турлари Ўзбекистонда айнан иқрорнома ва бошқа айбдор этувчи маълумотлар олиш мақсадида ва умумий ҳолларда тергов ва суд олди изоляторларида ҳибс этилган шахсларни қўрқитиш ва жазолаш учун қўлланилишда давом этиб келмоқда. Ўзбекистон судлари эса ўз навбатида, ҳукм чиқариш учун қийноқлар, зўрлик ва алдовлар билан олинган “иқрорномалар”га қаттиқ таянишда давом этмоқдалар.

Охирги ўн йилликларда мулозимлар Ўзбекистондаги барча инстанция судлари қийноқлар остида олинган иқрорномаларни жиноий иш жараёнларида қабул этиб келишлигини ва айбдор деб ҳукм чиқаришда танхо ушбу иқрорномаларга асосланишларини қатъиян рад этиб келадилар. Аммо ишончли манбалар, адвокатлар, инсон ҳуқуқлари химоячилари, дипломатлар ва халқаро кузатувчилар суд тингловларида қатнашиб гувоҳ бўлганидан келадиган маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги судялар хаттоки суд залида жисмоний далилар келтирилганда ҳам иқрорномалар қийноқлар натижасида олинганлиги тўғрисидаги шикоятларни қўполлик билан эътиборга олмайдилар. Ушбу ҳисоботда келтирилган мисолларнинг деярли барчасида судялар қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўлланилишини хаттоки судда ишончли далиллар билан исботлаганда ҳам ё эътиборга олмаган, ёки ўз исботини топмади деб хулоса чиқарган. Қуйидаги Эркин Мусаев иши халқаро диққатга ёйилиб, ўзига хос иш бўлганига қарамай, Ўзбекистондаги ушбу тенденциянинг характерли бир мисолидир.

ЭРКИН МУСАЕВ

Эркин Мусаев собиқ мудоофа Вазирлиги мулозими бўлиб, 2006 йил январь ойида ҳибсга олинган пайтида, Ўзбекистонда БМТнинг Ривожланиш Дастури (UNDP) Ташкилотида ишлаётган бўлган. У 2006 ва 2007 йилларда бўлиб ўтган уч маротаба алохида ўтказилган адолатсиз судловлардан сўнг хоинлик ва мансабни суитеъмол қилишда айбдор деб топилиб 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган. Унинг оиласи Эркинни иқрор эттириш учун қийноққа солганликларини даъво этадилар. Эркин Мусаев, унинг адвокати ва оила аъзолари томонидан бир неча марта ҳукуматга шикоятлар йўлланганлигига қарамай, унинг ҳибсхоналарда қийноққа солинганлиги тўғрисидаги даъволар хеч қандай самарали текширув ўтказилмасдан қолдирилган.

2006 йил 31 январ куни Эркин Мусаев БМТнинг Ривожланиш Дастури ташкилотининг Чегара Бошқаруви Ўзбекистондаги Лойихасининг бошқарувчиси сифатида Қирғизистоннинг Бишкек шахрига конференцияга отланган пайтида Тошкент аэропортида ҳибсга олинган. Унинг оиласига кўра, Эркин Мусаевга Миллий Хавфсизлик Хизмати ходимлари унга биринчи сумкасидан қора дори топилди деб айтган. Кейинроқ эса улар яширин маълумотлар ёзилган диск топилди деб айтишган ва уни айғоқчиликда айблаганлар. Эркин Мусаев дискни МХХ ходимларининг ўзлари унга жойлаштирганликларини таъкидлаган. 2006 йил 2 феврал

куни харбий прокурор унинг ҳибсга олинишига буйруқ берган ва 4 феврал куни унга расман айблов қўйилган. Эркин Мусаев ҳибс этилганидан сўнг 10 кун давомида сўроқ этилган ва бу вақт давомида уни оиласи билан кўришиши ҳуқуқидан махрум этиб, адвокат билан учрашишга ҳам рухсат берилмаган. Унинг терговчилари уни рухан қўрқитишган ва агар айғоқчилигига иқрор бўлмаса уни ноқонуний қора дори савдоси билан шуғулланганликда ва таъқиқланган исломий террористларга алоқадорликда айблашлик билан тахдид этганлар. Эркин Мусаев кейинги бир ой давомида уни МХХ ходимлари кундузи калтаклаб, кечалари сўроқ қилганини ва яна унинг оила аъзоларини ҳибсга олиш билан тахдид этганларини даъво қилади. Эркин Мусаев шунингдек кейинги ойда унинг жарохатлари битгунга қадар оиласи билан кўришишга рухсат бермаганларини айтади. Охир оқибат у МХХ ходимлари униг оиласини тинч қўйишлик шарти билан иқрорномага имзо қўяди. Аммо шунга қарамай у МХХ ҳибс марказида унинг рафиқасини хисбга олиш буйруғини кўрганидан сўнг, рафиқаси ва икки фарзанди хавфсизлигидан хавотирланишда давом этади.

Эркин Мусаев номи аниқланмаган НАТОга аъзо давлатга айғоқчилик қилишда ва БМТ маблағини суистеъмол қилишда, 2006 ва 2007 йилларда бўлиб ўтган уч маротаба адолатсиз судловдан сўнг айбдор деб топилиб олти, 15 ва 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилади. Ҳар учала судлар ҳам қийноқлар қўлланилиши орқали олинган иқрорномаларни далил сифатида қабул этади ва Эркин Мусаев ва унинг адвокати томонидан қийноққа солинганлик тўғрисидаги шикоятларни эътиборсиз қолдиради. Эркин Мусаевнинг адвокати 2007 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган суд давомида унинг мижози МХХ ҳибс назорати остида мия жарохати травмаси олганини ва Тошкент касалхонасида мутахассис муолажасига мухтож эканлигини такроран таъкидлайди. Ҳукмга қарши аппеляция аризалар барча аппеляция босқичларида рад этилади ва 2007 йил октябрь ойида Ўзбекистон Олий Суди жами 20 йиллик ҳукмни тасдиқлаб ўз кучида қолдиради.

2012 йил март ойида Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси Эркин Мусаевнинг иши бўйича “ваколатга эга бўлган мулозимлар Эркин Мусаевнинг тергов ва суд давомида қийноқ ва мажбуран иқрор эттириш бўйича қилган шикоятларини текширишда зарур ва талабга жавоб берадиган муносабатда бўлмаган” деб топган.[42]

Қўмита Эркиннинг ФСҲХПнинг 7 моддаси асосидаги ҳуқуқлари поймол этилган ва Ўзбекистон ҳукумати унинг ҳибсхонадаги қийноқлар ва бошқа номаъқул муомала бўйича қилган даъволарини холис ва самарали текширув ўтказиш орқали поймол этилган ҳуқуқларини тиклашга мажбурдир дея хулоса чиқарган.

Бундан илгарироқ Ўзбошимча Ҳибслар бўйича БМТнинг ишчи Гуруҳи 2008 йил 8 май куни Эркин Мусаевнинг давомли ҳибси ўзбошимча ва ИҲУД ва ФСҲХПнинг қатор моддаларини поймол этган дея фикр билдирган. Ишчи Гуруҳ Ўзбекистон Ҳукуматидан “Эркин Мусаевнинг ҳолатини тўғрилашга зарур бўлган барча чораларни кўришини” талаб этган.[43]

Халқаро қонунчилик асосида қийноқлар, номаъқул муомала ва бошқа зўравонлик орқали олинган кўрсатмалар

---

[42]Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси ахборотлари. 1914, 1915 ва 1916/2009 сонлари, CCPR/C/104/D/1914,1915&1916/2009 9.2 параграф, қуйида кўриш мумкин: http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR%2fC%2f104%2fD%2f1914%2c1915%2c1916%2f2009&Lang=en

[43] Инсон Ҳуқуқлари Кенгаши, Ўзбошимча Ҳибслар бўйича Ишчи Гурух томонидан қабул қилинган фикрлар, БМТ хужжати A/HRC/10/21/Add.1, 138 п, Қуйида кўринг: http://daccess-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G09/107/13/PDF/G0910713.pdf?OpenElement

зўравонликни амалга оширган гумондор шахсларни жавобгарликка тортиш ишларида далил сифатида фойдаланишдан ташқари жиноий иш жараёнларида далил сифатида қабул этиш маън этилиш лозим. Бу истисно қоидаси қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўллаш ҳамда айбланувчи шахсларнинг ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурланмаслик ёки айбига иқрор бўлиш ва сукут сақлаш ҳуқуқларидан махрум этишни таъқиқлашда ўта муҳимдир.

Ушбу истисно қонуни ЖПКнинг 95 моддаси орқали Ўзбекистон қонучилигига киритилган ва ҳуқуқни мухофаза қилиш мулозимлари ҳамда адлия мулозимларидан далилларга ишонишдан олдин уларнинг қабул этиш мумкинлигига ва ишонарли эканини эътиборга олишларини талаб этади; булар қаторига шунингдек, ЖПКнинг 88 моддасида кўрсатилган кўрсатмалар "куч ишлатиш, тахдид... ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар" орқали олинмаганлиги талаби ҳам киради.

Ушбу истисно қонуни назарий жихатдан 2003 ва 2004 йилда Олий суд Пленуми томонидан чиқарилган икки дастур орқали яна ҳам кучайтирилган ва бу дастурлар қийноқлар қўллашни аниқ таъқиқлаб қийноқ остида олинган далиллардан суд ишлари жараёнларида фойдаланиш учун қабул қилиб бўлмаслигини эълон қилган.[44] 2003 ва 2004 йилги дастурлар 1996 йилда Олий суд Пленуми томонидан чоп этилган "ноқонуний чоралар кўриш орқали олинган далиллар қонуний кучга эга бўлмайди" деб аниқлаган дастурларни такрорлайди.[45]

Адлия тизими учун мажбурий бўлишига қарамай, ушбу дастурлар адлия тизимига жуда кичик таъсир кўрсатиб келади.[46]

Ушбу ҳисобот учун тадқиқотлар олиб бориш жараёнида Халқаро Амнистия 2014 йилда Хизб –ут- тахрирга аъзоликда гумон қилиниб 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган икки шахснинг ишини ўрганиб чиқди. Ҳар икки шахс айбловларни рад этиб судда уларни хавфсизлик кучлари ёлғон иқрорномаларга қўл қўйдириш мақсадида қийноққа солганликларини даъво қилдилар. Айбланувчиларнинг бири суд нима учун айбига иқрор бўлганлигини сўраганида: "Қийноқларга чидай олмадим, шунинг учун. Агар менга ишонмасангиз, мана қўлимни кўринг." Айбланувчиларнинг ҳар иккиси ҳам хавфсизлик кучлари уларнинг қўл ва оёқларини қайноқ печкага босиб куйдирганларини таъкидлаганлар. Айбланувчиларнинг бири шунингдек, хавфсизлик кучлари унинг тирноқларини тортиб юлиб ташлаганини ҳам айтди. Судя уларнинг қийноқ хақидаги даъволарини сукут сақлаган ҳолда тинглади ва бошқа ушбу даъволар бўйича тинглов уюштирмади. Кейинроқ эса судя мазкур иқрорномаларни далил сифатида қабул этди. Ғайбулло Жалиловнинг иши судяларнинг қийноқларга қанчалик суянишлари ҳамда улар қийноқ остида олинганлиги тўғрисидаги даъволарга қанчалик бефарқ қарашларини яна ҳам кўпроқ акс эттиради.

---

[44] Резолюция, 2003 йил декабр ойи 17 сон ва Резолюция 2004 йил сентябрь 12 сони. Қуйида кўринг: http://lib.ohchr.org/HRBodies/UPR/Documents/Session3/UZ/VERITAS_UZB_UPR_S3_2008_LegalandInstitutionalFramework_Appendix1.pdf

[45] Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг "Суд кучи тўғрисидаги" 1996 йил декабрь ойи, 1 сонли Қарори.

Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги " химояланиш ҳуқуқини кафолатловчи қонунларнинг қўлланилиши тўғрисидаги" 41 сонли қарори, 2 қисми, қуйидагиларни урғулайди: "Айбдор деб топиш ҳукми тахминлар ва ноқонуний чоралар қўллаш орқали олинган далилларга асосланиши мумкин эмас. Ҳар қандай рад қилиб бўлмайдиган шубха гумондор, айбланувчи ёки ҳукм этилган шахс фойдасига хал этилиши лозим".

[46] 2013 йил Октябрь ойидаги ҚҚК Қўмитаси шархида Қўмита аъзолари Олий суд Пленуми дастурлари хақида саволлар қўйдилар ҳамда хукумат делегациясидан ушбу дастурларнинг баъзиларини ЖПКга киритиш режалари хақида сўрадилар. Ўзбекисон делегатлари Қўмитани "Судлар тўғрисидаги Қонун" (1993 йил кучга кирган ва 2000 йилда ўзгартиришлар киритилган) йўналтирдилар, ушбу қонуннинг 21 моддасида: " Ўзбекистон Республикасининг Олий суд Пленумининг қонунларни тадбиқ этишни талқин этиши судлар ва талқин этилаётган қонунларни тадбиқ этувчи бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мулозимлар учун мажбурийдир" деб кўрсатилган.

ҒАЙБУЛЛО ЖАЛИЛОВ

Ғайбулло Жалилов инсон ҳуқуқлари химоячиси ва рўйхатдан ўтмаган Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти мустақил ташкилотининг аъзосидир ва хозирда Навои қамоқхонасида 11 йиллик жазо ҳукмини ўтамоқда. У 2010 йилда конституциявий тузумга тажовуз этишда ва таъқиқланган диний ташкилотга аъзоликда айбдор деб топилиб, ҳукм этилган. У судлов давомида уни милиция ходимлари иқрорномага қўл қўйдириш учун қийноққа солганликларини даъво этган. Ғайбулло тергов жараёнида берган кўрсатмаларини рад этган ва милиция ходимлари уни ўқимасдан имзо чекишга мажбурлаганларини айтган.

Уни ҳибсга олган пайтларида Ғайбулло Жалилов Ўзбекистонда таъқиқланган исломий ҳаракатлар ва исломий гуруҳларга аъзо ва аъзоликда гумон қилинган шахсларнинг ҳибс этилиш ҳоллари ва уларнинг суд жараёнларини мониторинг этиб қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўлланилаётганлиги хақида хавотирлар билдираётган бўлган.

2009 йил 9 сентябр куни фуқаро кийимидаги хавфсизлик ходимлари Ғайбуллони Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қарши вилоятида ҳибсга оладилар. У икки кун давомида ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турилади ва Ғайбуллонинг оиласига уни қаерда экани хабар этилмайди. 23 сентябрь куни унинг ҳибсга олинганидан икки хафта сўнг, отаси Қарши милиция бўлимидан ўғлига қарши жиноий айблар қўйилганлиги хақида ёзма баёнот олади.

2010 йил 18 январ куни Қашқадарё вилояти жиноят суди Ғайбулло Жалиловни таъқиқланган гуруҳга аъзоликда, жамоат хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи материаллар тарқатиш, ҳамда конституциявий тузумга тажовуз қилишга ҳаракат этишда айбдор деб топиб 9 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ғайбулло Жалилов милиция ходимлари уни зўрлик билан Хизбут тахрирга аъзо эканлигига иқрор бўлишга мажбурлаганларини айтган.[47] Прокуратура уни 2002 ва 2003 йилларда Қаршидаги Навоий масжидида норасмий учрашувларга қатнашганликда айблаган. Тергов жараёнида Ғайбулла Жалиловнинг уйида тинтув ўтказилган, аммо хеч қандай қарши далил топилмаган. У бошқа уч шахс билан бирга судланган. Тўрт кишининг барчаси асосан уларнинг “иқрорномаларига” асосланиб 7 йилдан 10 йилгача қамоқ жазоларига ҳукм этилганлар. У билан бирга судланган яна икки айбланувчи иқрорномаларга қўл қўйдиришга мажбурлаш мақсадида қийноқга солинганларини даъво этганлар. Судда уларнинг даъволарини текширишга бошқа хеч қандай чора кўрилмаган ва Ғайбулло Жалиловнинг қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этилганлиги тўғрисидаги даъволари бўйича ҳам хеч қандай тергов ўтказилмаган.

2010 йил 9 мартда Ғайбулло Жалиловнинг иши бўйича суд ҳукми 15 дақиқа давом этган аппеляция тингловида ўз кучида қолдирилди. Ғайбулло Жалиловнинг рафиқаси тинглов пайтида хозир бўлган ва ўз турмуш ўртоғи билан суддан кейин 5 дақиқага холос кўришишга рухсат берилган. Унинг рафиқасининг сўзларига кўра, турмуш ўртоғи жуда ҳам заиф ва рухан тушкунликка тушган кўринган ва унинг реакцияси жуда ҳам суст бўлган. Унинг бир кўзи шишиб кетган бўлган ва кучли йўталга мубтало бўлган. Ғайбулло Жалилов Рафиқасига икки кун аввал бир шахс унинг суд олди изолятордаги камерасига кириб уни тепиб муштлаганини айтиб берган.

2010 йил август ойида экстремистик мазмунга эга филмлар кўрсатилган диний учрашувларда уни ҳам қатнашганлигини айтган гувоҳнинг кўрсатмалари асосида Ғайбулло Жалиловга қарши прокуратура

---

[47] 2010 йил 18 январдаги Қашқадарё вилояти жиноят суди қарори; норасмий русча таржимаси Халқаро Амнистия файлларида сақланмоқда.

томонидан янги айблар қўйилган. 2010 йил 4 август куни хеч қандай айблов гувоҳлари келтирилмаганига қарамай, Қашқадарё Видояти Жиноят Суди уни яна қўшимча тўрт йилга қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Инсон Ҳуқуқлари бўйича Ўзбек-Олмон Форумига кўра, 2010 йил 28 сентябрда суд унинг апелляция шикоятини рад этган. Апеляция тингловида унинг рафиқаси 10 дақиқага турмуш ўртоғи билан кўришиб гаплаша олишга эришган холос. Унинг сўзларига кўра, турмуш ўртоғини таниш қийин бўлган. Ғайбулло рафиқасига Ўзбекистон жанубида жойлашган Шайхали турмасида уни қаттиқ калтаклаганларини ва бунинг натижасида қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолганини айтиб берган.

Судяларнинг қийноқлар остида олинганлиги даъво қилинган далилларнинг қабул этилишини савол остига олишда лаёқатсизликлари, кенг аснода “иқрорномалар”нинг Ўзбекистон “адлия” тизимида қанчалик марказий ўрин тутиши ва судяларнинг ушбу тизимда нақадар бўйсинувчан эканлигини акс эттиради. Ушбу ҳолат анчайин кенг қамровли ва мунтазам муаммо бўлишлиги билан бир пайтда, бу каби қийноқ даъволари келиб тушган патйда судялар амал қилишлари лозим бўлган қоида ва тартиблар суд тизимига киритилса, баъзи бир ўзгаришларни кутса бўлади.

Шунинг учун Халқаро Амнистия Ўзбекистон Олий суд Пленуми 2003 ва 2004 йилги дастурларга қўшимчалар киритувчи ва прокурорлар томонидан жиноий иш бўйича топширган ва бошқа давлат мулозимлари томонидан бошқа суд ишларига топширилган иқрорномалар ёки бошқа далилларнинг қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр қимматни камситувчи муомала қўллаш орқали олинган, олинмаганлигини аниқлаш учун жиддий чоралар кўриш ва қатъий тартибга риоя қилишга йўл йўриқ берувчи янги дастур чоп этишни тавсия қилади. Бу каби суд тартиби иқрорномалар ёки бошқа далилларнинг қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр қимматни камситувчи муомала қўллаш орқали олинган, олинмаганлигини аниқлаш, ва мазкур далилларни қабул этса бўладими деб савол остига олишликни судялардан талаб этиши лозим. Далиларнинг қонуний йўллар билан йиғилганлигини исботлаш маъсулияти прокурор бўйнига тушиши лозим.

Агар ЖПКга далил тўплаш мақсадида қийноқ қўллаш ва қийноқлар билан булғанган далилларни судда қабул этилишини таъқиқловчи ўзгартиришлар киритилса, қийноқлардан химояланиш сезиларли даражада кучайиши мумкин бўлади.

Бундай ўзгаришлар агар амалда хурмат қилинсагина, амалга ошади ва судяларнинг иш олиб боришлари хозиргидан кўра анча самаралироқ текширилиши лозим бўлади. Уларнинг самарали иш олиб боришларига яна хавфсизлик кучлари томонидан ҳибс этилганларни агар иқрорномалар қийноқ орқали олинганлигини даъво этиб қайтариб олсалар, уларни яна қийноққа тортиш ёки оила аъзоларига, фарзандлари ва ёши ўтган ота онасига зарар етказиш билан қўрқитишда давом этсалар халақит берадилар. Халқаро Амнистия билан суҳбатлашганларнинг кўплари маҳбуслар судга олиб кетилаётган пайтда, йўлда қандай қилиб уларни қўрқитиб сукут сақлашга мажбур этиш учун калтаклашлари ва суд олди изоляторида инсоний ҳуқуқлари поймол этилишини сўзлаб берганлар.

Вахит Гунеш масалан, МХХ ходимлари қандай қилиб унга ва у билан бирга айбланган шерикларига судяга суд олди изоляторларида қийноққа солинганликларини айтмаслиги учун босим ўтказганларини сўзлаб берган:

> *“Биз хаттоки судга келмасимизданоқ бизни МХХ идорасида бир неча бор огохлантиришди. Бизга тинглов тақлидий бўлишини айтдилар. Биз хеч нима айтмаслигимиз лозим эди. Хеч нима қилмаслигимиз лозим эди. Биз фақатгина саволларга ҳа ёки йўқ деб жавоб беришимиз лозим эди. Бошқа хеч нарса. Тинглов бўлиб ўтди. Расмийлар ичкарига киришди, кўрсатмалар ўқиб эшиттирилди. Бунинг ҳаммаси гўёки театр намойишига ўхшар эди. Худди комедия каби.”*

Қийноқ даъволари менсимай қаралишда ва жиноятчилар мунтазам равишда жазоланмай қолишда давом этсалар бу каби амаллар давом этаверади.

7. ЖАЗОСИЗЛИК

"Қамоққа олинган заҳоти у бундай қонунсизликдан шунча азият чекканидан хабардор бўлганимдан кейин ҳукуматга ёзишни бошладим. Бош Прокурор билан учрашув белгилашга бир йил сарфладим, аммо у мен билан кўришишни хохламади. Президенд Девонига, МХХ ва Бош Прокуратура идорасига жўнатган барча шикоятларимни шафқатсизлик билан рад этишди. Мен халқаро ташкилотларга унинг ишини оммага эълон қилиб адолат қарор топдиришга умид қилган ҳолда мурожаат этдим. Шу кунгача бизга БМТнинг Эркиннинг иши бўйича унинг фойдасига хал қилинган иккита қарори бор: 1) Ўзбошимча ҳибслар бўйича БМТ ишчи Гуруҳининг қарори (2008 йил); 2) БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитасининг қарори (21 март 2012 йил). Аммо барча саъй ҳаракатларга қарамай, ушбу қарорларга етарлича эътибор берилмай келмоқда, ёки очиқ айтадиган бўлсак - менсимай қаралмоқда."

Айжан Мусаев, Эркин Мусаевнинг отаси

Ҳар икки ҚҚК Қўмитаси ва Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси Жиноят Кодексининг 235 моддаси асосида қийноқ ва бошқа номаъқул муомалалар қўлланилиши учун жиноий иш очиш рейтинги ҳукумат ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларига келиб тушадиган қийноқ бўйича йиллик шикоятлар сонига нисбатан жуда ҳам камлигидан хавотир билдиришган.

Хаттоки ҳукуматнинг ҚҚК Қўмитасига топширган ўз рақамлари бўйича ҳам Жиноят Кодексининг 235 моддаси асосида қийноқларга қарши очилган жиноий ишлар сони жуда кам. 2010 йилдан 2013 йилгача расман рўйхатга олинган 336 шикоят аризаси келиб тушган ва унинг натижасида бор йўғи 45 милиция ходимларига қарши 23та жиноий иш қўзғатилган холос. Булардан фақатгина 6 та иш судга оширилган ва ҳаммаси бўлиб 11та милиция ходими 235 модда асосида ҳукм этилган.

Ўзбекистонда қийноқ шикоятларини текшириш учун мутақил механизм йўқ бўлганлиги сабабли, прокуратура бу шикоятларни ёки ўзи текширади, ё бўлмасам Ички ишлар вазирлигига (ИИВ) ёки МХХга текшириш учун оширади, бу расмий идоралар эса айнан ўша қийноқларни содир этаётган мулозимларни бошқарувчи муассасалардир.

ИИВ ичида қийноқ ва бошқа номаъқул муомала бўйича келиб тушган шикоятларни Ички хавфсизлик бўлими ёки Махсус ходимлар инспекцияси деб аталувчи бўлимлар томонидан текширилади ва бу бўлимлар Ички ишлар вазирига бевосита хисоб беради. Ҳукумат ушбу механизмларнинг мустақил эканини иддао этишади, чунки бу бўлимлар оддий милиция ишлари билан шуғулланмайдилар.[48] Аммо бу бўлимлар бошқа милиция бўлимлари ҳам бўйсинувчи айни давлат органи остида иш олиб борадилар ва кўп ҳолларда қийноқ бўйича даъволарни бевосита прокуратура орқали ушбу қийноқ қўллаганликда шикоятлар келиб тушган мулозимлар ишловчи милиция участкалари ёки бўлимларига текшириб чиқиш учун жўнатилади. Ушбу ҳисобот бўйича тадқиқотлар ўтказилаётган пайтда Халқаро Амнистия эътиборига келиб тушган кўпгина ишларда Ички хавфсизлик бўлимлари терговларида шикоят келиб тушган ходимлар томонидан маҳбусларнинг қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўллашлари бўйича асосли далиллар топишда лаёқатсизлик кўрсатадилар. Маҳбусларнинг адвокатлари ва оила аъзоларига келадиган одатий жавоблар қийноқ шикоятлари "асоссиз деб топилди" ва шунинг учун прокуратура жиноий иш очмайди деган мазмунда бўлади. Ушбу ҳисоботда келтирилган ишларнинг хеч бирида ҳукумат милиция ва МХХ ходимлари томонидан қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўлланилгани борасидаги иддаолар бўйича тезкор, батафсил, мустақил ва холис текширувлар ўтказмаган.

---

[48] ҚҚҚнинг саволлар рўхатига жавобдан, май 2013.

Ҳукуматга кўра, ҳуқуқни мухофаза қилиш ва бошқа Ҳукумат органлари томонидан Инсон ҳуқуқларига риоя этишни кузатиш бўйича органлараро ишчи гуруҳи хавфсизлик кучлари томонидан қийноқлар қўлланилиши шикоятларини самарали ва мустақил тарзда тергов ўтказиш лаёқатига эгадир. Аммо, органлараро ишчи гуруҳ ИИВ ва МХХ каби давлат вакиллари томонидан устиворлик қилади ва шикоятларни мустақил тарзда текширувчи механизм сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Ички қонунлар асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Парламент Омбудсмани унинг эътиборига келиб тушган қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўлланилиши бўйича шикоят ва ҳисоботларнинг барчасини текшириб чиқиш кучига эгадир. Аммо Халқаро Амнстия Омбудсман умумий ҳолда барча қийноқ шикоятларини прокуратура ва ИИВга текшириб чиқиб ҳисобот топшириш талаби билан қайта юборишидан хабардор бўлди. Ундай эмаслини иддао этилсада, Омбудсман мустақил муассаса эмас: у бевосита парламентга ҳисобот берсада, парламентдаги барча сиёсий партиялар президент тарафдори ва ижрочи хокимият томонидан таклиф этилган қонун ва қарорларни тасдиқлайди.

Қийноқ даъволарини текширувчи мустақил механизмнинг йўқлиги оқибатида жазосизлик одат тусига кириб боради ва бу эса ўз навбатида инсон ҳуқуқларини поймол этилишига кенг йўл очиб беради.

8. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК НОМИ БИЛАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ПОЙМОЛ ЭТИШ

Ҳукуматлар ўз фуқаролари хаёти ва ҳуқуқларини химоя қилиш ҳамда халқни нишонга олувчи хужумларни уюштирган жиноятчиларни адолат қаршисига келтириш учун керакли чораларни кўриш мажбурияти остидалар. Аммо, ҳукумат томонидан кўрилган ҳар қандай чора халқаро инсон ҳуқуқлари қонунлари ва меъёрлари асосида бўлиши шарт.

Миллий хавфсизлик Ўзбекистон ҳукуматининг кун тартибида кейинги икки 10 йилликдан бери юқори ўрин эгаллаб келмоқда. Бу вақт ичида ҳукумат Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигига тахдид туғдирувчи хақиқий, эхтимолий ва иддао этилувчи қуролланган исломий гуруҳлардан сўз эркинлиги ва бирлашма тузиш эркинлигини қаттиқ чеклаш ҳамда зиддият ва сиёсий мухолифат кўринишлари ва манбаларини бостириш мақсадида фойдаланиб келди.

Ўзбекистоннинг АҚШнинг Афғонистондаги уруш билан боғлиқ асосий иттифоқчиси сифатида тутган ўрни[49] ва ўзини Исломий Давлат (ИД) деб атовчи қуролли гуруҳнинг Сурия ва Ироқда ўсиб бориши, қуролли гуруҳларга қарши кучли чораларсиз Ўзбекистон террор хужумлари олдида заиф бўлиб қолади деган ҳукуматнинг мамлакат ичкарисида ва ташқарисида қилган даъволарини кучайтириш учун суистеъмол қилиниб келмоқда.

“Давлатга қарши” ва терооризм билан боғлиқ жиноятларда айбланганлар натижада айниқса Ўзбекистон хавфсизлик кучлари томонидан қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этилиш хавфи остида қоладилар.

Равшан Рахматуллаевнинг суд иши қуйида қандай қилиб таъқиқланган исломий ҳаракат ёки исломий гуруҳларга аъзолик ёки алоқадорликдаги иддаолар ўзбошимча ҳибс ва қўлга олиш, қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этилиш ҳамда адолатсиз судловлар ортидан узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилишга олиб боришлигини акс эттиради.

РАВШАН РАХМАТУЛЛАЕВ ҲИКОЯСИ

2013 йил 29 май куни гўёки Ваҳобийлик тарафдорлари бўлган олти шахс Тошкент вилояти Қибрай тумани жиноят судида судландилар. Улар ноқонуний жамоа бирлашмаси ёки диний ташкилот тузишда, жамоат тартиби ва хавфсизлигига тахдид солувчи материаллар чоп этиш ва тарқатиш ҳамда контрабанда билан айбландилар. 2013 йил 17 июлда улардан тўрттаси айбдор деб топилиб, икки йиллик шартли жазога ҳукм этилдилар. Бешинчи шахс биринчи ва учинчи айбловлар бўйича айбдор деб топилиб 3 йиллик шартли

[49] АҚШ харбийлари 2001 ва 2005 йил ўрталарида Ўзбекистоннинг жанубий-шарқида жойлашган Қарши Хонобод ҳаво базасидан Афғонистондаги амалиётлари учун фойдаланиб келган. Ўзбекистон шунингдек АҚШнинг Разведка марказининг махфий ҳибсхоналар дастурларини амалга оширишда ҳамнафас бўлган; Очиқ жамият Аадолат ташаббуси, Қийноқни глобаллаштириш, Жосуслик марказининг махфий ҳибсхоналари ва фавқулодда бажаруви, ҳисоботини кўринг. 117-188 бетлар, қуйида ўқиш мумкин www.opensocietyfoundations.org/sites/default/files/globalizing-torture-20120205.pdf

жазога ҳукм этилди. Олтинчи шахс Равшан Рахматуллаев эса ҳар учала айбловда айбдор деб топилиб олти йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Равшан Рахматуллаев хозирда жазо муддатини Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қарши турмасида ўтамоқда.

Мустақил Инсон Ҳуқуқлари Химоячилари Ташаббус гуруҳига кўра, Равшан Рахматуллаевнинг иши бўйича тайинланган прокурор бирор марта ҳам суд тингловларида қатнашмаган ва фақатгина ҳукм ўқиб эшиттирилганда хозир бўлган холос. Бу босқичда прокурор тайёр баёнот билан келган ва суд жараёни давомида берилган кўрсатмаларнинг хеч бирини бу баёнотга киритмаган бўлган.

Мустақил Инсон ҳуқуқлари химоячилари ташаббус гуруҳи уларнинг барчаси суд олди изоляторида иқрорномалар олиш учун электр токи урдириш билан қийноққа солинганларини хабар қилган. Улар кейин бирга намоз ўқиш учун ва Қуръон тиловат қилиш учун хилватда йиғилиб турганларини тан олганлар аммо уларнинг бу ҳаракатлари “жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тахдид” солганини рад этганлар.

Халқаро Амнистия кўрган ҳукмда, бу олти шахс махаллий чойхонада йиғилиб диний мавзуларни мухокама қилганлиги, аммо фақатгина Равшан Рахматуллаев доимий равишда намоз ўқиганлиги айтилади.

Суд ҳукмига кўра, Равшан Рахматуллаев мустақил имомлар Авдували Мирзаев ва Обидхон Назаровларнинг диний маъруза ва ваъзларини тинглашга ундаган.[50] Ҳукмда мазкур имомларнинг аудио ёзувларини бир шахс Равшан Рахматуллаевнинг сўровига биноан Украинадан келтириб берганлиги айтилган. Бу олти шахс 2010 йилда олти йиллик қамоқга ҳукм этилган мусулмон радио журналист Хайрулла Хамидовнинг нутқларини тинглашда айбланганлар.[51] Равшан Рахматуллаев шунингдек Туркистон Исломий Ҳаракати хақида ўрганиш ва уларнинг ғояларини қандай қилиб ёйишни ўрганиш мақсадида интернетдан фойдаланишда айбдор деб топилган.

Ҳукм этилган шахсларнинг хеч бири апелляция шикояти ёзмаганлар, чунки агар ёзсалар, бунинг оқибати яхши бўлмаслиги ва уларнинг ҳукми узайтирилиши мумкинлари хақида терговчи уларни огохлантирган.

Ўзбекистонда ҳукумат 2014 йилда АҚШ ўз харбийларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишни бошлаши ва 2013 ва 2014 йиллар орасида Сурия ва Ироқда ўзларини Исломий Давлат (ИД) деб номловчи қуролли гуруҳнинг худудларни эгаллаб олиши ҳамда Марказий Осиёдан одамлар ИДга аскарликка кўнгилли бўлиб ёлланиб кетаётганликлари борасидаги хабарлар ортидан ЎИХ ва ИЖБ каби қуролли гуруҳларнинг қайта жонланишидан хавотирлари ортиб бормоқда. Ҳукумат Афғонистон ҳукумати ва харбийлари қуролли кучларнинг минтақага ёйилиб боришини Халқаро Хавфсизлик Кўмаги Кучлари (ХХКК) ёрдамисиз тўхтатиб қола олмайди ва бу ЎИХ ва ИЖБни Покистоннинг шимоли-ғарбий худудларидан Марказий Осиё билан чегарадош Афғонистон шимолига силжиб боришидан хавотирларини изхор этганлар. Улар яна ЎИХ ИД билан тактик иттифоқидан Тошкентдаги ҳукуматни ағдаришда ғоясини ва техник кўмагини кенгайтириб, харбийларини кучайтиришда фойдаланишларидан қўрқади.[52]

---

[50] Форум 18, Ўзбекстон*: Мусулмонлар исломни мухокама қилгани ва намоз ўқигани учун ҳукм этилдилар*, 2013 йил 26 ноябрь, қуйида ўқиш мумкин www.forum18.org/archive.php?article_id=1900.

[51] Форум 18, Ўзбекистон: мусулмонлар қамоққа солиндилар, адвокатлар, черков ва насора динидаги собиқ виждон эркинлиги ммаҳбуслари тахдид остига олидилар, 2010, қуйида кўриш мумкин http://www.forum18.org/archive.php?article_id=1455. Хайрулла Хамидов амнистияга тушиб 2015 йил 11 феврал куни озод этилди.

[52] ЕвроАзияНет, Ўзбекистон: АҚШ Харбий Пропаганда Жойи Исломий Давлат хавфини Ошириб кўрсатмоқда, қуйида кўринг www.eurasianet.org/node/71886.

2014 йил декабрь ойида Президент Каримов Россия Президенти Владимир Путинга Афғонистонда куч йиғаётган ва Ўзбекистон ҳамда бутун Марказий Осиё минтақасига хавф туғдирувчи исломий экстремистларга қарши курашишда кўмак беришини сўраб мурожаат қилди. Матбуот конференциясида Президен Каримов шундай деди:

"Бир қанча Исломий Давлат вакиллари Ироқ ва Сурияндан Афғонистонга сизиб кирган. Бу ҳолат олдини олувчи чоралар киритишни талаб этади. Қуролли экстремизм ва диний радикализм Марказий Осиё ва хорижда кенг тарқалиб бормоқда ва бу жиддий хавотирларнинг ўсишига олиб келмоқда."

У шунингдек терроризмга қарши амалиётларда халқаро қўлловларсиз Ўзбекистон қуролланган исломий гуухлардан Ироқда содир этган жиноятлар каби тажовузларга юз тутиши мумкинлигидан огохлантирган.

Ўзбекистонлик эркак ва аёллар ИД ва Сурия ва Ироқдаги бошқа харбий гуруҳларга бориб қўшилганлигига шубха йўқ.[53] Шундай бўлсада, Халқаро Амнистия Ўзбекистон ҳукумати исломий экстремист ёки ИД томонидан радикаллаштирилган ва миллий хавфсизликка тажовузкор ёки террорист деб кўрилган шахсларга нисбатан қаттиққўл ва ноқонуний чоралар кўришга тайёр ва бу чоралар кўпинча сўз, бирлашма тузиш ёки диний эркинликларини қонуний йўлда ифода этишга тўсқинлик қилиш учун қийноқ ва бошқа номаъқул муомалаарни ҳам ўз ичига олишидан хавотирда.

Бу ростакам ёки иддао этилган миллий хавфсизликка тахдид бўладими ёки кишиларнинг ўз ҳуқуқларидан қонуний йўл билан фойдаланиши давлатга қарши деб кўриладими, ҳукуматлар хеч қандай шароитда бунга жавобан қийноқ ва бошқа номаъқул муомаладан фойдаланмасликлари шарт. Қийноқ ва бошқа номаъқул муомалани таъқиқлаш мутлақ ва нимада гумон этилган ёки айбланган бўлишидан қатъий назар барчага тааллуқлидир.

Охирги йилларда Тошкентдаги ҳукумат мулозимлари Ўзбекистонда таъқиқланган ёки цензураланган Исломга тааллуқли кўп маълумотлар топишга имкони бўлган Ўзбекистонлик Россия ва бошқа хорижий мамлакатларидан уйига қайтаётган меҳнат муҳожирларидан ҳам шубхаланиши ортиб бормоқда. Иносон ҳуқуқлари химоячилари ва бошқа диний эркинлик бўйича ташкилотлар ҳукумат ноутбук компьютерлари, кўчирма хотира дисклари ва қўл телефонларини расмий чегара пунктларида Ўзбекистонда таъқиқланган диний материалларни топиш учун текширишни кучайтиргани хақида хабарлар берган.[54] Хавфсизлик кучлари Абдували Мирзаев ва Обидхон

---

[53] Ўзбекистондан Сурия ва Ироқга бориб қўшилган харбийларнинг аниқ сонини кўрсатиш қийин бўлсада, кузатувчилар 2014 йилда бу рақамни 500 атрофида деб кўрсатганлар. Баъзи мутахассислар 30 миллионлик сунний ёш ахоли ичида бу рақам Ғарбий Оврўпо мамлакатларидаги кичик мусулмон ахоли ичидан ИД га бориб қўшилган кишилар сонига нисбатан жуда ҳам кичик деб баҳолайдилар. " Марказий Осиё Республикаларида Собиқ совет мусулмонларининг радикаллашуви хақидаги Афсоналар" деб номланувчи Жон Хэзершав ва Дэвид Монтгомери томонидан ёзилган тадқиқот материалини ўқинг. 2014 йил ноябрда Чатхам Хауз нинг Россия ва Евросиё Дастури томонидан чоп этилган., http://www.chathamhouse.org/sites/files/chathamhouse/field/field_document/20141111PostSovietRadicalizationHeathershawMontgomery.pdf. Бир қанча мутахассислар Ўзбекистон хукумати ва халқаро хавфсизлик жамиятлари терроргa қарши репрессив сиёсатини қўлллаб қувватлашга эришиш мақсадида миллий хавфсизлик ва мамлакат барқарорлигига зўравон гурухлар томонидан тахдидларни бўрттириб кўрсатаётганларидан огохлантирганлар. Шунингдек Халқаро Инқироз Гурухининг "Сурия Чақирмоқда: Марказий Осиёдаги Радикаллашув" номли мақоласига қаралсин, http://www.crisisgroup.org/~/media/Files/asia/central-asia/b072-syria-calling-radicalisation-in-central-asia.pdf.

[54] 2014 йил 2 майда Форум 18 томонидан ёзилган мақолани мисол учун кўринг, унда экстремистик деб иддао этилиб мусодара қилинган матераллар сони келтирилган, қуйида кўриш мумкин http://forum18.org/archive.php?article_id=1954

Назаров каби Ўзбекистондаги конституциявий тузумни ағдаришни хохлаганликда ҳукумат тарафидан айблаган мустақил имомларнинг ваъзлари ёки маърузалари қўл телефонларида топилган меҳнат муҳожирларини “экстремист” материалларга эгалик қилганлиги учун ҳибсга олиш ҳоллари ортиб бормоқда.

Масалан 2014 йил 24 декабрь куни Тошкент вилоят суди олти шахсни конституцион тузумга тажовуз (Жиноят кодексининг 159 моддаси) этишда, жамоат хавфсизлигига тахдид касб этувчи материаллар ишлаш ва тарқатишда (244-1 модда) ва диний экстремист, сепаратист, фундаменталист ёки бошқа таъқиқланган ташкилотларга аъзоликда (244-2 модда) айбдор деб топиб уларни 12 йилдан 13 йилгача қамоқ жазосига ҳукм этди.

Прокуратура Асадулла Рихсиев, Жахонгир Тожиев, Ахмаджон Холиқов, Шухрат Илхомов, Зафар Каримов ва Даврон Рахмоновларни ЎИХга аъзоликда айблаган. Бу олти шахс 2008 йилда Норвегияга меҳнат муҳожирлари сифатида сафар қилганлар. Норвегиянинг муҳожирлик бошқармаси 2014 йил апрел ойида уларнинг қочоқликка берган аризаларини рад этиб Ўзбекистонга қайтариб юборган. Бу олти шахс ЎИХга аъзо эканлигини ва экстремист видеоларни томоша қилиш учун Норвегияда учрашиб турганларини рад этганлар. Улар судда хавфсизлик кучлари уларни узоқ муддат давомида ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турганлари ва бу вақт ичида товонлари, боши ва таналарига резина дубинка билан урганларини, танасига элект токи билаш урдиргани ва олти кунгача уларга овқат бермай сақлаганларини тасвирлаб беришган. Судя бу даъволар бўйича бошқа хеч қандай сўроқ ўтказмаган ва иқрорномаларни далил сифатида қабул этган. Суднинг бошида давлат телеканали “Надомат” деб номланган дастур намойиш этган ва ушбу олти шахсни Ўзбекистонга зарар етказишга интилган экстремист исломий гуруҳга аъзо сифатида тасвирлаган. Дастур ушбу шахсларни иддао этилган “жиноятлар”ни содир этганликларига надомат билдирганини ва Ўзбекистонда жиноят хисобланган ҳамжинсбоз эканларини тан олганини кўрсатган. 2014 йил декабр ойида Норвегия ҳукумати қочоқлик мақоми олишга ариза топширган бошпана изловчиларни Ўзбекистонга қайтарилишига мораторий қўйган.[55]

Ҳукумат шунингдек, Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларини Хизбут тахрир ва ИД ғояларини қўлловчи бошқа гуруҳлар Халифалик (исломий давлат) қуриш мақсадида Россияда ёллаш учун нишонга олаётганларидан хавотирларини билдирганлар. Инсон ҳуқуқлари химоячилари ўтган йил ичида ИД ғояларини қўллашда ёки Сурiядаги харбий гуруҳларга бориб қўшилишда гумон қилинган “радикаллашган” меҳнат муҳожирларини ҳибсга олиб айблов қўйиш ҳоллари кескин ошгани хақида хабар берганлар. [56] Халқаро Амнистия ҳукумат меҳнат муҳожирларини ҳибсга олишга қулайлик туғдириш мақсадида экстремист деб атайин ёрлиқ ёпиштираётганидан хавотирда. Халқаро Амнистия эътиборига келиб тушган Амриддин Ашрафовнинг қуйида тасвирланган иши каби суд ишларида хавфсизлик кучлари меҳнат муҳожирларидан иқрорномалар олиш учун қийноқ ва бошқа номаъқул муомаладан фойдаланганлар.

АМРИДДИН АШРАФОВНИНГ ҲИКОЯСИ

2014 йил 8 август куни тонги 6:30лар атрофида хавфсизлик кучлари 23 ёшли Амриддин Ашрафовни Ўзбекистон жанубида жойлашган Навоий вилояти Толкўк махалласидаги уйида ҳибсга олади ва ховлисида тинтув ўтказади. Хеч қандай таъқиқланган материаллар топилмагач, ходимлар унинг телефонидан таъқиқланган аудио ва видео юкламаларини қидирадилар.

Амриддин Ашрафов 2014 йил август ойида Толкўкда хибисга олинган олти шахснинг энг кичиги. Улардан тўрттаси 15 кундан 20 кунгача бўлган маъмурий жазо муддатини ўтаганидан сўнг озод этилган. Амриддин Ашрафов ва бошқа икки шахс “диний экстремист, сепаратист, фундаменталист ёки бошқа таъқиқланган

---

[55] Норвегия Апелляция Кенгаши, Ўзбекистонга қайтарилишни тўхтатади, 2014 йил 18 декабрь, қуйида кўриш мумкин www.une.no/en/Current/Statements/UNE-halts-returns-to-Uzbekistan/

[56] Фарғона Ньюс, 2015 йил 19 январь, қуйида кўринг www.fergananews.com/news/22986

ташкилотларни тузиш, бошқариш ёки иштирок этишда” ва уч шахс “ жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тахдид солувчи материалларни ишлаш ва тарқатишда айбланганлар.

8 август куни ҳибсга олинганидан сўнг Амриддин Ашрафов аввал вақтинчалик ҳибсда сақлаш изоляторига олиб кетилади, сўнгра эса маъмурий жазога ҳукм этган судга олиб борилади. Сўнгра уни Навоидаги СИЗОга тергов учун олиб борадилар. Толкўк махалла ахолиси Мустақил инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳига милиция ходимлари Амриддин Ашрафовни ҳибсхонада оёғининг товонларига урган ва элект шоки ўтказиб уни ИЖБга аъзолигига иқрор бўлишга мажбур этганлар. Унга яна бошқа исломий видеоларни Москвадаги қурилишда бирга ишлаган шахслар билан томоша қилганликдаги айбловлар ҳам қўшишган. Милиция терговчилари уни Туркияга сафар қилиб, у ердан Сурияга исломий қуролли жангариларга қўшилишга интилганликда айблаганлар. Амриддин Ашрафов хеч қачон Туркияга бормаган.

Амриддин Ашрафов 2014 йил сентябрь ойида маъмурий жазосини ўтаб бўлгач Каттақўрғондаги СИЗОга кўчирилган. Амриддин Ашрафовнинг отаси Халқаро Амнистияга 2014 йил декабрь ойида ўғлини тергов пайтида тўтр ой кўрмаганлигини айтган. Бу пайт давомида Амриддин Ашрафов Каттақўрғондаги СИЗОда судланишини кутиб ушлаб турилган.

Мустақил Инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳига кўра, 2014 йил 25 декабрда Навоий Вилояти Жиноят Суди Амриддин Ашрафовни 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм этган. Суд 2015 йил 22 январь куни апелляция тинловида ҳукмни ўз кучида қолдирган.

8.1 ОИЛАЛАР ТАЪҚИБИ ВА ГУМОНДОРЛАР РЎЙХАТИ

> *“Мен яшашни хохлайман, аммо менинг хаётим хаётми? Ўтган 16 йил ичида тинчлик йўқ, фақатгина оиламга золим давлат машинаси томонидан зулм ўтказиш, улкан босим, тинмай таъқиб этиш бор холос”.*
>
> Дилшод- собиқ маҳбус ва омон қолган қийноқ жабрланувчиси

Ўзбекистон ҳукумати мунтазам равишда давлатга қарши жиноятлар билан айбланган ёки ҳукм этилганлар маҳбуслар ва маҳкумларнинг оила аъзоларини нишонга оладилар. Улар шунингдек таъқиқланган исломий ҳаракат ва исломий гуруҳларга аъзоликда гумон этилган шахсларнингт оила аъзоларини ҳам гумондорларнинг қаерда эканлигини билиб олиш ёки ўзларини милиция ёки МХХга топширишлари учун, ёки бўлмасам “иқрорнома”га имзо чекиши ва бошқаларни айбдор қилувчи кўрсатма беришга мажбурлаш учун босимлар ўтказиб нишонга олади. Хавфсизлик кучлари оила аъзоларни, эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар калтаклайдилар, жинсий зўрлаш ва фарзандларини ўлдириш билан қўрқитадилар, такрор ва такрор сўроқга чақирадилар ва иш берувчиларини уларни ишдан бўшатишга мажбур қиладилар.

Кўп ҳолларда бир оиланинг аъзолари – ака укалар, опа-сингиллар, турмуш ўртоқлар, ўғил ва қил фарзандлар, ўғил ва қиз жиянлар, ота-оналар, ва бошқа қариндошлар ўзбошимчалик билан ҳибсга олинганлар, уйдирма айбловларга иқрор эттириш мақсадида қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этилиб узоқ муддатли қамоқ жазоларига адолатсиз судловлар орқали ҳукм этилганлар. Масалан,1999 йилда Тошкентдаги портлашлардан кейин хавфсизлик кучлари Эрк партияси рахбари Мухаммад Солихнинг уч ака укасини ҳибсга олиб қийноқга солганлар. Улардан иккитаси – Мухаммад ва Рашид Бекжоновлар 159 модда билан айбланиб адолатсиз судловдан сўнг 15 ва 12 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилганлар. Мухаммад Бекжонов Зарафшон турмасида хозиргача ҳукм муддатини ўтамоқда (ушбу иш бўйича тафсилотлар учун 57 сахифага қаралсин)

Президент Каримов “исломий фундаменталистларнинг” қариндошларини жазолашни аниқ равшан маъқуллаган. 1999 йил эрта апрель ойларида масалан, у омма олдида очиқ қилиб агар “диний экстремизмга” аралашган ўғилларни топишни иложи бўлмаса, гумондорларнинг оталарини ҳибсга олувчи қарор чиқариши мумкинлигини таъкидлаган. [57] Халқаро Амнистия Президент Каримовнинг Жиноят кодексининг 159 ва 244 моддалари остидаги жиноятларда айбланган, ёки айбдор деб топилган шахсларнинг оила аъзоларининг таъқиб этилиши, қийноқ ва бошқа номаъқул муомалаларга дучор этилишларини хеч қачон ошкора қораламаганидан ўз хавотирларини билдиради.

2014 йилда Зухра Халқаро Амнистияга унинг эркак оила аъзоларининг кўпчилиги ёки таъқиқланган исломий ташкилотларга аъзоликда айбдор деб топилиб узоқ муддатли қамоқ жазоларини ўтамоқдалар, ё бўлмасам хаёти учун қўрқиб мамлакатни тарк этиб кетганликларини айтди. Хавфсизлик кучлари уларнинг ҳаммасини иқрор бўлишга мажбурлаб қийноқга солган. Зухранинг ўзи ҳам мунтазам равишда махаллий милиция участкасига хисоб бериш учун чақирилади, у ерда уни ҳам ҳибс этиб “экстремист оила” аъзоси бўлгани учун жазолаб калтаклаганлар ва эркак қариндошларининг қаерда эканини ошкор этиш ёки уларни айблашга мажбур қилмоқчи бўлганлар. У Халқаро Амнистияга қуйидагиларни сўзлаб берди:

> “*Тинчлик йўқ, бизни уйимизда умуман тинчлик йўқ. Эрталаб уйғонамиз, агар дарвозамиз ёнида машина турган бўлса, юракларимиз тез уришни бошлайди. Юракларимиз шунақа заиф бўлиб қолган, биз учун хаёт йўқ,яшаш йўқ бўлиб қолган. Улар келиб биздан топиб беришни талаб қилишади. Улар энди мени ўғлимга ёпишишни бошладилар, уйимизда эркак умуман қолмади... уйимизда хаттоки неваралар ҳам қолмади. Ёши ўтган онам бор, агар эртага вафот этса, кўмадиган хеч ким қолмаган. Уйимизда умуман хеч қандай эркак қолмади.”*

ДИЛШОДНИНГ ҲИКОЯСИ

Дилшод Россиядаги Ўзбекистонлик бошпана изловчи, у Ўзбекистонни икки ўғлининг тақдири каби азият чекишидан қўрқган онасининг маслахатига кўра тарк этган. 1999 йилда Дилшоднинг акалари ҳибсга олинганлар ва диний нафрат уйғотиш, конституциявий тузумни ағдаришга ҳаракат этиш, ноқонуний диний ташкилот тузиш, жиноий ташкилот тузиш ва жамоат хавфсизлигига тахдид солувчи материаллао ишлаб чиқариш ва тарқатишда айбдор деб топилиб қамоқ жазосига ҳукм этилганлар. Бир акаси 2005 йилда озод этилган, иккинчиси эса хамон қамоқда. 1999 йилда Дилшод бор йўғи 16 ёш бўлган пайтида милиция уни ҳибсга олган ва қийноққа солиб уни диний варақалар тарқатишда айблаган. Улар варақа тарқатган кишини топганларидан сўнг, Дилшодни қўйиб юборганлар.

“Милиция ва МХХ ходимлари кечасими ёки кундузими хохлаган пайтларида мени сўроқга чақиришларии мумкин эди. Тергов жисмоний ва рухий қийноқлар қўллаш орқали амалга оширилар эди. Менинг акаларим кўп йилларга фақатгина биз танимаган одамларнинг кўрсатмаларига асосланиб қамалиб кетдилар. Мени оддий мусулмон акаларим қамоқларда диний экстремизмда айбланиб 15 йиллаб ўтирдилар. [58]

2013 йил Дилшод Россиядалиги вақтида Ўзбекистон ҳукумати унга қарши гўёки Дилшод Россияда Ўзбекистондаги конституцион тузумни ағдариш мақсадида Хизбут- тахрир тармоғини ташкиллаштирганликда айблаб жиноий иш очганлар. Ўзбекистон ҳукумати уни қидирувга берганлар.

---

[57] AFP, 2 1999 Апрель.

[58] Дилшоднинг Халқаро Амнистияга ёзган мактубидан олинган. Халқаро Амнистия файлларида сақланмода декабрь 2014.

Ўзбекистон ҳукуматига кўра, 2013 йил кузида исми берилмаган бир шахс Фарғона вилояти МХХ идорасига келиб, Россиядалиги пайтида Дилшод унинг ёнига келгани ва гуруҳига аъзоликка қўшилишини сўраганини айтган.

Ўзбекистон Бош прокурорининг Халқаро Амнистия томонидан ўрганиб чиқилган Дилшодга қарши жиноий иш очиш қарорига биноан, Дилшод бошқа бир неча шахслар билан бирга 2009 йил бошида Россияда гўёки Хизбут–тахрир тармоғини тузган. Ушбу хужжатда яна мазкур уюшма сепаратист ва диний экстремист ғояларини тарғиб қилган ва Ўзбекистондаги конституцион тузумга тажовуз қилиб давлатни эгаллашни ҳам ўз ичига олган.

Дилшод Россияда 2014 йилнинг ўрталарида ҳибсга олиган. Ўзбекистон ҳукумати Россия Бош прокурорига Дилшоднинг ҳибсга олиниши хабари ортидан уни экстрадиция қилиш талабини юборган. Дилшод Россиядаги СИЗОда бир неча ойни ўтказган. У кейинроқ шартли равишда қўйиб юборилган. У ўғирланиш ва ноқонуний равишда Ўзбекистонга қайтарилиш хавфи остида қолган. (қуйида Ўзбекистонга мажбурий қайтарилишлар қисмига қаралсин).

1997 йилдаги мустақил мусулмон эътиқодидагиларни оммавий ҳибсга олиш тўлқинидан бери Ўзбекистон ҳукумати гумондорларининг махфий рўйхатини тузиб келган. Халқаро Амнистия Ички ишлар вазирлиги томонидан тузилган ва 1998 йилда махалла қўмиталарига тарқатган бундай рўйхатни қўлга киритди[59] ва ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари бундай рўйхатларни тузишда давом этаётгани хақида ишончли маълумотларни олган. Гумондорлар тоифасига қуйидагилар киради: муслумонларнинг намоз ўқиш йиғинларига аёллар ва ёши кичикларни тарғиб этувчи шахслар, рўйхатдан ўтмаган масжидларда намоз ўқувчи мусулмонлар, мактабни тугатган аммо ишсиз юрганлар, гўёки “Ваҳобий” деб аталувчи ва собиқ ваҳобий маҳкумлар ва уларнинг оиласига боғлиқ бўлган шахслар ва мажбурий харбий хизматни ўтамаётганлар ва махаллада рахнамо сифатида кўрилувчи шахслар. Илгари ёки хозирда соқол қўйган эркаклар айниқса алохида хушёрлик билан кузатилади.

Собиқ маҳбуслар ва маҳкумларнинг оила аъзолари махалла қўмиталари томонидан ахолини кузатиб бориш ва милиция ёки МХХ ходимларига ҳисобот бериш учун бу каби рўйхатлардан хамон фойдаланишларини тасдиқлаган. Хавфсизлик кучлари бу каби рўйхатлардан кишиларни ўзбошимчалик билан нишонга олиш учун фойдаланадилар ва баъзи ҳолларда ҳибсга олиш учун асос яратиш мақсадида ашъёвий далилларни ўрнаштириб қўйганлар ва ёлғон ва уйдирма айбловларга иқрор бўлишга мажбурлаш мақсадида мазкур рўйхатлардаги шахсларни қийноқ ва бошқа номаъқул муомаларга дучор этганлар.

Халқаро Амнистия суҳбатлашган кўпгина шахслар ушбу ҳисоботга изланишлар олиб бориш жараёнида махалла қўмиталарида сақланадиган ушбу рўйхатларга қўшимча тарзда махаллий милиция участкалари гумон этилган диний жамоалар аъзолари хақида файллар тузиб кундаликлар тўлдирилади ва уларнинг оила аъзолари, ва расмлари, туғилган санаси, мактаб ва иш жойлари хақида батафсил маълумот тўпланилишини айтганлар.

> *“2012 йилда мен ҳукм муддатини ўтаб бўлганимдан сўнг... улар (махаллий милиция) мен ва менинг оила аъзоларим ва фарзандларим хақида маълумот тўплашни бошладилар. Улар менга хамманинг расмини ва хаттоки энг кичик фарзандимгача ҳамма, фарзандларимнинг қайси мактабга боришлари, туғилган йили хақида батафсил тафсилотларни олиб келишимни буюришди. Шунда мен англадимки, хеч ким фарзандларимнинг ҳам қамалиб кетмаслигигиа кафолат бера олмайди.*
>
> *Бизнинг махалламиздагилардан шундай рўйхатда бўлганларнинг барчасининг устидан маълумот йиғилган. Биз хаттоки рафиқаларимизнинг оила аъзоларининг расмларини ҳам олиб боришга мажбур*

[59] Халқаро Амнистия файлларида.

бўлганмиз. Биз оила аъзоларимиздан расмла ва тафсилотларини сўрашдек ноқулай вазиятда қолганмиз. Бундан бўйин товлашнинг иложиси йўқ эди. Улар ҳамманинг қаердалиги ва нима иш билан машғуллиги ҳақида маълумотла йиғаётган эдилар." Ўзбекистонлик жамоат хавфсизлиги ва тинчлигига тахдид деб кўрилувчи материаллар ишлаб чиқариш ва тарқатишда айбланиб беш ярим йил қамоқда ўтирган бошпана изловчи.[60]

2014 йил август ойида жиноятнинг олдини олиш бўйича янги қонун кучга кирди. Расман эълон қилинган бу қонун жиноятчилар ва жиноят содир этиш хавфи остида бўлган шахслар бўйича мажбурий рўйхатлар махалла қўмиталари ва хавфсизлик кучларида сақланиши ва мунтазам янгиланиб боришини тайинлайди.[61] Ушбу рўйхатда номи келтирилганлар қаторига таъқиланган исломий гуруҳлар ва исломий ҳаракатларга аъзоликда гумон қилинганлар, ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳам киради.

8.2 ЎЗБЕКИСТОНГА МАЖБУРИЙ ҚАЙТАРИЛИШЛАР

Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистондаги бир қанча зўравонлик ходисаларида иштирок этгани ёки ташкиллаштиргани гумон этилган юзлаб кишиларни экстрадиция қилдириш ёки бошқа йўллар билан мажбуран ортга қайтариш йўлларини шафқатсизлик билан топиб келади.[62] Ҳукумат шунингдек сиёсий мухолифатчилар, ҳукумат танқидчилари ҳамда мустақил имомлар Абдували Мирзаев ва Обидхон Назаровларнинг издошларини ва ҳукуматга ёқмай қолган бадавлат инсонларнинг экстрадициясини ҳам талаб қилиб чиқган. Кўплаб экстрадиция талаблари уюштирилган ёки ишончли бўлмаган далилларга асосланган. Ҳукумат экстрадиция қилаётган давлатларга "дипломатик ёрдам" таклифлар қилиб келган ва мустақил мониторлар ва дипломатларга ҳибсда сақлаш марказларига эркин киришга рухсат беришни ваъда қилган. Амалда эса улар ушбу ваъдаларнинг устидан чиқмаганлар. 2012 йил ноябрь ойида Қозоғистон Бош прокурори ҚҚК Қўмитасига Қозоқ дипломатлари Ўзбекистонга Қозоғистондан 2011 йилда мажбуран қайтарилган 29 бошпана изловчидан 18тасини бориб кўрганлари ҳақида маълумот берганлар. Аммо дипломатларга экстрадиция қилинган одамлар Ўзбекистон ҳибсхоналарида бир йилдан ортиқроқ вақт ўтказганларидан сўнг кўришишга рухсат берилган. Уларга яна турма мулозимлари хамроҳлик қилганлар. Қозоғистон дипломатлари маҳбусларнинг хеч бири қийноқга солинганлигларидан шикоят қилмаганларини эътироф этган бўлсаларда, мазкур 29 шахснинг халқаро қонуний вакиллари ҚҚК Қўмитасига улар 14 ойнинг кўп қисмини ҳибсда ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турилганлари ва қийноқларга солингани аммо Қозоғистонлик вакилларга буни айтишга жуда ҳам қўрқганларини айтганлар.[63]

Қуйидаги ишлар одатий қийноқ ва давлатга қарши ҳаракатларда айбланган шахсларга қарши мажбурий иқрорномаларни улар Ўзбекистонга қайтганларидан сўнг уларга қарши ишлатилишининг яққол мисолидир.

МИРСОБИР ХАМИДКАРИЕВ

2014 йил 18 ноябрда Ўзбекистонлик филм продюссери ва тадбиркор Мирсобир Хамидкариев адолатсиз судловлар ортидан экстремизмда айбдор деб топилиб 8 йиллик қамоқга ҳукм қилинган. Тошкент шахар жиноят суди уни "ноқонуний жамоа ёки диний ташкилотлар тузиш", диний экстремист, сепаратист фундаменталист ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар тузишда айбдор деб топган. У 2010 йилда Россияга

---

[60] Халқаро Амнистия билан сухбат, октябрь 2014.

[61] Жиноятнинг олдини олиш бўйича қонун, 14чи май, 2014, қуйида ўқинг www.senat.uz/ru/laws/zru-371_14.05.2014.html

[62] 1999 ва 2004 йилги Тошкентдаги бомба портлашлари ҳамда 2005 йилдаги Андижондаги намойишлар ва бошқа зўравонлик ҳаракатлари, булар қаторида Тошкент ва Фарғона водийсидаги 2009 йилдаги портлашлар ва отишмалар.

[63] Қўшимча тафсилотлар учун Халқаро Амнистиянинг *Қийноққа солиш учун Қайтариш: Экстрадиция, Мажбуран қайтарилишлар ва Марказий Осиёга Юборилиш* ҳисоботига қаралсин (индекс: EUR 04/001/2013).

қочиб боради аммо 2014 йилда ўғирлаб кетилиб, мажбуран Ўзбекистонга қайтарилади. Унинг Россиядаги бошпана аризаси билан шуғулланган адвокати Мирсобир Хамидкариевнинг Ўзбекистондаги Тошкент ҳибсхонасида қийноқга солинганини хабар қилган. Хозирда у Навоий турмасида ҳукмини ўтамоқда.

Мирсобир Хамидкариев Ўзбекистондаги мулозимлар уни Ислом жиходчилари номли исломий тероорист гуруҳ тузишда айблаганларидан сўнг Россияга қочиб борган. Унинг рус адвокатига кўра, ушбу айбловлар унинг Тошкентдаги таниши билан норасмий учрашувда Исломнинг таъқиб этилишидан гўёки хавотир билдириб ва рўмол ўраган аёлларни қўллаб қувватлашини айтган суҳбатга боғлиқ бўлган. Мирсобир Хамидкариев икки маротаба норасмий диний йиғилишларда қатнашганини тан олган, аммо хеч қандай ноқонуний амал содир этмаганини таъкидлаган. 2011 йили Ўзбекистон ҳукумати экстрадиция талаби билан чиқган. 2013 йил Россия Федерациясининг Бош прокуратураси Ўзбекистон томонидан топширилган экстрадиция талаби қониқтирилмаслиги хақида қарор берган. Бош прокуратура шунингдек, 2009 йилда у Ислом жиходчилари гуруҳини ташкил этганлиги мумкин эмас деб топган. Мирсобир Хамидкариев Рссиянинг Федерал муҳожирлик хизмати орқали бошпана олишга ариза топширган ва Москвада рафиқаси ва ёш фарзанди билан хавфсизликлари учун қўрқиб яширин хаёт кечираётган бўлган.

2014 йил 9 июн куни Мирсобир Хамидкариев икки фуқаролик кийимидаги нотаниш шахслар томонидан Москва марказида таксида у дорихона ташқарисида рафиқасини ёш фарзандлари учун дори олиб чиқишини кутиб турган пайтида ўғирлаб кетилган. Буни кўрган шохидларга кўра, икки шахс таксига ўтирган ва хайдовчини тезликни оширишга мажбурлаганлар. Мирсобир Хамидкариев Москвадаги аниқланмаган манзилда бир кун ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турилган ва бошига халта кийдириб қўйилган, ҳамда қайтаққайта калтакланган. Сўнгра у Москва аэропортида Ўзбекистон хавфсизлик хизмати ходимларига топширилган. Мирсобир Хамидкариевнинг Москвадаги адвокати унинг қаерда эканини икки хафтагача била олмаган, бу вақт ичида эса у Тоштурма изоляторида ушлаб турилган бўлган. Тоштурмада Мирсобир Хамидкариевни айбига иқрор эттириш мақсадида хавфсизлик кучлари томонидан икки ой мобайнида қийноқ ва бошқа номаъқул муомалага дучор этганлар, аммо унинг адвокати унга қўйилган айбловларнинг уйдирма эканлигини айтади. У маълумотларга кўра, тергов хонасининг деворига ўрнатилган тўсиқга бошини пастга қилиб боғлаб қўйилган ва қайта қайта калтакланган. Ходимлар унинг еттита тиши ва иккита қовурғасини синдирганлар. Мажбуран олинган иқрорнома унга қарши суд давомида ишлатилган; у 2022 йилда озод этилиши кутилмоқда.

Инсон Ҳуқуқлари бўйича Оврўпо Суди (ИХбОС) 2013 йилдан 2015 йил февраль ойигача Ўзбекистонга шахсларни мажбуран қайтаришни – айниқса исломий партияларга ёки мамлакатда таъқиқланган гуруҳларга аъзолиги гумон этилган кишиларни хақиқий қийноқга солиниш хавфи мавжуд бўлганлиги учун қайтариб жўнатишни таъқиқловчи камида 15та ҳукм чиқарди. Масалан, ИХбОС 2014 йил октябрь ойида *Мамажонов Россияга қарши* иши бўйича (17239/13 рақамли ариза) Илхомжон Мамажоновнинг Россиядан Ўзбекистонга қайтарилиши Инсон Ҳуқуқлари бўйича Оврўпо Конвенциясининг 3чи моддасини (қийноқлар таъқиқи) поймол этади деб ҳукм чиқарган. Суд “сўнги йилларда Ўзбекистоннинг жиноий адлия тизимида хеч қандай тузатишлар бўлмаган, айниқса диний ва сиёсий йўғрилган жиноятларни жазолашда хеч қандай ўзгаришларга эришилмаган ҳамда бундй айбловлар остидаги шахсларнинг қийноқга солинишига жиддий хавф мавжудлиги борасида асослар борлигини” таъкидлаган.

Мирсобир Хамидкариевнинг иши кўрсатиб берганидек, Ўзбекистон хавфсизлик кучлари қочоқлар ёки бошпана изловчиларни чет худудлардан, кўпинча Россия худудидан жўнатувчи мамлакатлар экстрадиция талабларини қондирмаган ёки ИХбОС Ўзбекистонга экстрадицияни тўхтатиш бўйича вақтинчалик чоралар чиқарган ҳолларида ўғирлаб кетишгача боришдан иккиланмайдилар. Бундан ташқари, Россия милицияси ва Федерал хавфсизлик хизмати (ФБХ) кўп ҳолларда бу каби ўғирлашларда хамкорлик қилиб келганлар. Россияда қочоқлар муаммоси

билан ишлайдиган НДТ 2014 йилнинг охирги тўққиз ойи ичида камида бешта қочоқ ёки бошпана изловчилар Россиядан ўғирлаб кетилганлигини хужжатлаштирган.[64]

ОТАБЕКНИНГ ҲИКОЯСИ

Отабек (хақиқий исми эмас) Ўзбекистонга қўшни мамлакатдан экстрадиция қилинган бошпана изловчи, у қайтарилиб жўнатилганидан сўнг 20 кун давомида милиция участкаси ертўласида ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турилган. Отабекнинг бир оила аъзосига кўра, бу пайт давомида хавфсизлик кучлари уни диний экстремизм ва таъқиқланган исломий ташкилотга аъзолик айбларини тан олиб иқрор бўлишга мажбурлаш мақсадида уни қийноқга солганлар. Ўзбекистондаги суд уни ушбу иқрорнома асосида адолатсиз маҳкамадан сўнг узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этган, унинг ўзи бу иқрорномани судда қабул қилинмаслигини сўраган.

Ушбу оила аъзоси Отабекни Ўзбекистонга қайтарилган пайтида бир маротаба махаллий милиция участкасида кўрган. Отабекнинг қўллари кишанланган бўлган ва хонада бир неча милиция ходими бўлган, аммо унинг жисмоний кўриниши яхши ва олдиндан мавжуд бўлган соғлик муаммоларига қарамай таъқрибан яхши соғликда бўлган. Уни мажбуран қайтарилишидан олдин унинг адвокати жўнатилган мамлкатда у тўла тиббий кўрикдан ўтганини таъкидлаган.

Ҳибсдагиларнинг оила аъзоларига чекловларсиз ва муддатсиз ташрифлар буюриш бўйича тартиблар мавжудлигига қарамай,[65] унинг оила аъзоси Отабекни фақатгина олти ойдан сўнг унинг маҳкамаси учун суд биносида йиғилганларида яна кўришга муваффақ бўлган. Аммо унинг қариндоши Отабек билан гаплашишга ёки унинг яқинига йўлашга эриша олмаган. Прокуратура унга қарши кўрсатма бериш учун тингловга учта гувоҳни чақирган. Биринчи гувоҳ унга нима учун эканини айтмасдан бўш варақга имзо чекишга мажбур қилишганини айтган. Судя уни вазифасидан озод қилган. Иккинчи гувоҳ Отабекка қарши кўрсатма берганини рад этган ва уни ҳам взифасидан озод этган. Учинчи гувоҳ Отабекка имом Абдували Мирзаевнинг аудио ва видео ёзувларини берганини айтган. Отабек гапиришни бошлаганида, судя жахл билан “ сизга гапиришга рухсат берганим йўқ” деб айтган ва шу билан тингловни якунлаган.

Учинчи марта Отабекнинг қариндоши уни экстрадиция этилганидан тўққиз ой ўтгач турмага ташриф буюргани чоғида кўрган. Унинг қариндоши Халқаро Амнистияга Отабекнинг жисмоний ахволи ёмон экани, унинг зўрға ўтириши ёки тура олишини ва бел ва оёқ оғриғидан қаттиқ азоб чекаётганини айтиб берган. Унинг қариндоши Отабек умуртқа поғонасига шикаст етказилганидан шикоят этгани, аммо бу қандай содир бўлганини очиқламаганини ҳам айтиб берган.

“Мен ундан яна нима бўлганини сўрадим. У “билмадим, хотирлай олмайман” деди ва бошини эгиб узоқ йиғлади. У “мен эслай олмайман, мен уйғонсам қоронғи ва совуқ эди” деди. Мен англадимки унинг белига шикаст у Ўзбекистондаги суд олди ҳибсхонасида ушлаб турилганида етказилган.”

---

[64] Надежда Ермолаева билан сухбат, катта хуқуқшунос эксперт, Инсон хуқуқлари институти (Москва) 2015

[65] “Жиноий жараёнлар ишлари бўйича ҳибслар хақида”га қаралсин ZRU-298 рақамли қонун, 29 Сентябрь 2011.

9. ҚАМОҚХОНА ШАРОИТЛАРИ ВА МОНИТОРИНГ

Маҳкумларнинг айни бир тоифаси, яъни инсон ҳуқуқлари химоячилари, давлат танқидчилари ва исломий партиялар ва гуруҳлар ёки Ўзбекистонда таъқиқланган исломий ҳаракатларга аъзолик даъвоси билан ҳукм этилган шахслар кўпинча ҳукмини ўташи лозим бўлган қамоқхоналарда ўта қаттиқ жазо режимига дучор этиладилар ва жазо ҳукмларини қамоқхона тартибларига амал қилишдаги кичкина хатолари учун ҳам яна узоқ муддатга чўзадилар. Масалан, улар кўпинча штраф изоляторига (ШИЗО) ташланадилар, бу камералар маҳкумлар томонидан кичкина, деразаси йўқ, бетондан қилинган, иситгичлари йўқ, табиий ёруғлик ёки хаво алмашиниши йўқ ва каравот қўйиш учун ўта кичкина деб тасвирланган. Маҳкумларга кўпинча яроқли тиббий муолажа кўрсатилмайди ва жисмоний куч талаб қилинадиган ғишт қуйиш ёки қурилиш каби меҳнат турларида оддий ускуналар ва яроқсиз кийимлар, химояланувчи ускунасиз, озгина овқат ва сув билан узоқ соатлар давомида ишлашга мажбур этиладилар. Собиқ маҳкумлар ва уларнинг қариндошлари қамоқхона соқчилари ва бошқа маҳкумлар томонидан тез тез калтакланишлари ёки бошқа номаъқул муомалаларга дучор этилишлари хақида маълумот берганлар.

9.1 ҚАМОҚ ҲУКМЛАРИНИ УЗАЙТИРИШЛАР

Жинот Кодексининг 221 моддаси маҳкумларни қамоқхона тартибларига риоя этмаслик учун жазолаб қамоқда сақланиш муддатини беш йилгача узайтиради. Қамоқхона тартибларининг рўйхати ошкор эмас ва кўринишидан уларни кўпинча ўзбошимча ва сиёсий мақсадларда қўлланилади.

ИЛХОМНИНГ ҲИКОЯСИ

Илхом (асл исми эмас) 2000 йилда Самарқандда апрель ойида ҳибсга олинган. 2000 йилнинг август ойида Илхом 13 йиллик қамоқга ҳукм этилган. У Хизбут-тахрирга аъзоликда, таъқиқланган диний адабиётларга эгалик қилишда ва Ўзбекистоннинг икки шахрида Хизбут-тахрирнинг тармоқларини тузишда айбланган. Суд ҳукмига кўра, уни ҳибсга олган пайтларида, милиция ходимлари унинг ёнидан таъқиқланган китоб топганлар. Уни ҳибсга олганларидан сўнг бир неча соат ичида Илхом истиъқомат қилган уйда тинтув ўтказганлар ва Ислом дини бўйича таъқиқланган журналнинг бир неча сони ва таъқиқланган китоб топганлар. Милиция ходимлари уни Самарқанд шахар милиция бўлимининг ертўласига олиб борганлар. Оила аъзоларининг такрорий сўровларига қарамасдан, милиция у билан учрашишга рухсат бермаган.

“мен уни (ҳибсга олинганидан сўнг) уч ойгача кўрмадим; улар (милиция) уни ертўлаларда яшириб сақлашди. Ёмон ишлар у ерда рўй берарди. Уни қийноқга солишди –уни яланғоч қилиб қандайдир электр стулга ўтказиб оёқларига сув қуйишган ва оёқлари ва жинсий аъзоларига ток урдирганлар. У хаттоки қалам ҳам ушлай олмай қолган бундан кейин, чунки унинг бутун бадани жуда қаттиқ титрарди. Уни сўроқ қилган ва қийноқга солган шахслар уларни таниб олмаслиги учун ниқоб кийиб олган эдилар ва улар уни агар бировга нима бўлганини айтиб берса ўлдиришлик билан тахдид этганлар.”

Илхомнинг ҳукмга қарши аппеляцияси рад этилганидан сўнг уни Қарши қамоқхонасига кўчирганлар ва у ердан Зангиота қамоқхонасига кўчирилган. Зангиота қамоқхонасига келган пайтида уни калтаклашган ва яланғоч қилиб чўнқайган ҳолда дахлиз бўйлаб юришга мажбурланган ва ўша пайтда уни дахлизнинг икки томонида турган соқчилар дубинкалар билан уриб борган. 2009 йилда уни яна қайта Қарши қамоқхонасига кўчирганлар.

2012 йили қамоқхона мулозимлари Илхомнинг қариндошларига унинг хулқи аъло экани ва ҳукм муддати тугагач озод этилишлигини айтганлар. 2013 йил февраль ойида унинг қариндошлари озод этилишидан олдин охирги марта уни бориб кўришлари керак эди. Аммо улар келганида, қамоқхона мулозимлари ташриф бекор қилингани чунки Илхом жазо камерасида эканини айтишган.

Илхом кейинроқ қариндошларига 2013 йил январь ойида қамоқхона соқчилари келиб уни турмадаги иш жойидан туртиб олиб кетишган ва изоляторга уч кунга солишганларини сўзлаб берган. Қамоқхона ходимлари уни иш жойини рухсатсиз ташлаб кетганликда айблаганлар. Уч кундан кейин эса турма ходимлари уни қамоқхона гигиена қоидаларини бузганликда айблаганлар; унга камерасини тозаламаганини айтишган- у албатта буни қилолмасди, чунки бу пайтда у изоляторда сақланган бўлган. Улар яна уни қамоқхона соқчиларига қўполлик қилганликда ҳам айблашган. Изолятордан чиқарилганидан сўнг эса яна тешкирувчи билан саломлашмаганлик ва изоляторда соқол олиш ускунаси ёнида бўлмаслигига қарамай уни яхшилаб соқолини олмаганлик айбларини ҳам қўшишган. Шундан сўнг унга изоляторда яна 85 кун сақланиш қарори чиқарилган.

Илхом қамоқхона тартибини бузганлиги учун қонуний жазоланганлигини кўрсатувчи қоғозга имзо чекишга мажбурланган. Унга агар имзо чекишдан бош тортса, Ўзбекистондаги конституциявий тузумга тажовуз қилишга ҳаракат қилиш айбларини янгитдан қўйишлик билан қўрқитишган. Илхом кейин Қарши шаҳридаги суд олди изоляторига олиб борилган. У ерда милиция ходимлари уни қамоқхона тартибини бузганлигини тан олишга мажбурлаб кечирим сўраб ялинишга буюришган. Суд тинглови Қарши шаҳрида бўлиб ўтган; Илхомни қамоқхона тартибини бузганлик иддаолари остида яна уч ярим йилга қўшимча қамоқ муддатига ҳукм этилган.

МУХАММАД БЕКЖОНОВ ҲИКОЯСИ

Мухаммад Бекжонов Эрк мухолифат партияси газетасининг бош мухаррири бўлиб дунёдаги қамоқда энг узоқ ўтирган журналистдир, у 1999 йилда Тошкент шаҳар суди томонидан адолатнинг халқаро меъёрлари бузилишлари билан ўтган суд маҳкамасидан сўнг 15 йиллик қамоқ муддатига ҳукм этилган.

Мухаммад Бекжонов 1999 йил 18 мартда бир ой илгари Тошкентдаги бомба портлашлари ортидан Украинадан Ўзбекистонга мажбуран қайтарилган (тафсилотлар учун 19 сахифага қаралсин). Апрел ойининг охирига қадар ташқи дунё билан алоқасиз ушлаб турилган. Суд маҳкамаси давомида Мухаммад Бекжонов бошқа биргаликда айбланаётган беш киши билан биргаликда суд олди изоляторида уйдирма айбловларга иқрор этишга ва сургундаги Эрк партияси рахнамоси Мухаммад Солихни жиноятчи қилиб кўрсатишга мажбурлаш учун қийноққа солинганларини даъво этиб баёнот берганлар. У резина дубинкадар ва сув тўлдирилган пластик идишлар билан калтакланганини, димиқтирилганини ва элект шокига солингани ва бошқа кўп нарсаларни даъво этган. Унинг кўрсатмасидан сўнг, судя химоя тарафига бор йўғи 40 дақиқа ажратган. Суд Мухаммад Бекжоновнинг қийноқ даъволари ёки мажбурий иқрорнома иддаоларининг хеч бирини хисобга олмаган ва ҳукмни ушбу иқорнома асосида чиқарган. 1999 йил 18 августда суд уни 15 йилга 1999 йил февраль ойидаги портлашларда қатнашганлик иддаоси билан ҳукм этган.

Мухаммад Бекжоновнинг хеч қайси қийноқ бўйича қилган даъволари Бекжоновнинг ўзи, унинг адвокати ва оиласи томонидан йиллар давомида қилган бир неча шикоятларига қарамай самарали тарзда текширилмаган.

2015 йил январда унинг рафиқаси Нина Лонская Халқаро Амнистияга шудай деди: *“У бу хақида (қийноқ) умуман гапирмайди... У айтадики, бунга дош бериш шунчалик оғир бўлганки, Худодан сўрагани биргина нарса ўлим бўлган. Бунга чидаш шунчалик оғир бўлган, қийноқ шу қадар шафқатсиз бўлган.”*

У 2012 йил 13 йил қамоқдан сўнг февраль ойида чиқарилиши лозим бўлган. Аммо 2012 йил январ ойида Косон шахридаги у муддатини ўтаётган колонияга яқин жойда жойлашган суд уни қамоқхона тартибларини гўёки бузганликда айбдор деб топиб яна қўшимча тўрт йил саккиз ойга қамоқда сақланишга ҳукм қилган. Унинг оила аъзолари Мухаммад Бекжонов судга 13 йил давомида битта ҳам қамоқхона тартибини бузмаганлиги ва белгиланган озод этилиш муддатига бир неча хафта қолганида бирданига тартибни бузишни бошлашда айблаш ғалати эканини айтган деб хабар этишди. Аппеляция суди 2012 йил март ойида ҳукмни ўз кучида қолдиган.

Мухаммад Бекжоновнинг қизи Ойгул Халқаро Амнистияга шундай дейди: *"Онам ўша йили (2012) уни кўра олмади, у Ўзбекистонда тўрт ой уни кўра олмасдан сарфлади... У (ҳукмнинг узайтирилиши) қаттиқ зарба бўлди. Онам лол қолган эди, биз ҳам. Айни пайтда эса бу каби ҳаракатни Ўзбекистон ҳукматидан кутса бўлар эди. Фақат бу бизнинг орзу ва умидларимизни чиппакга чиқарди. Биз кўп йиғлаб, кўз ёш тўкдик".*

Мухаммад Бекжоновнинг оиласи унинг соғлиги охирги икки йил ичида қаттиқ ёмонлашганини хабар этади.

9.2 ЯРОҚЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМАСЛИГИ

Ўзбекистон қамоқхона тизимидаги тиббий муолажа меъёрлари умуман олганда абгор ва тиббий марказлар яроқсиз, жихозлар ва дори дармонлар етарсиз ҳамда малакали тиббиёт ходимлари етишмайди. Сиёсий айблар билан қамалган маҳкумлар хаттоки энг оддий бошланғич тиббий ёрдам олишлари ҳам жуда мушкул. Кўпинча маҳкумнинг оиласи агар уларда бирор оғриқ ёки соғлик муаммоси ёки қийноқ шикастлари бўлса, дори дармон келтиришлари кутилади. Маҳкумларга жуда камдан кам ҳолларда тиш докторлари билан учрашув белгиаланади ва уларнинг кўплари мунтазам ва оғриқли ҳолатлардан азоб чекадилар. Кўпгина маҳкумлар жиддий тиш муаммоларидан азоб чекадилар ва бу оғриқ ва овқат ейиш муаммоларини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида вазн йўқотиш ва хазм қилиш муаммоларига олиб боради. Шунга қарамай, Халқаро Амнистия эътиборига келиб тушган ишларнинг кўпида баъзи қамоқхоналарнинг бошқаруви оила аъзоларга хусусий тиббий муолажа сотиб олишга ёки маҳкумларга оилалари келтирган керакли ва оғриқ қолдирувчи дори дармонларни қабул илишга рухсат бермаганлар. Баъзи ҳолларда қамоқхона бошқаруви оилалар келтирган дори дармонларни фақатгина Тошкент марказий қамоқхона бошқармаси аралашувидан сўнг қабул қилганлар.

Илхомнинг қариндошлари (юқорига қаралсин) Халқаро Амнистияга у Зангиота турмасида экани пайтда уларга аллергияга қарши дорилар олиб боришга рухсат этилган. Аммо улар Қарши қамоқхонасига кучли тиш оғриғига қарши оғриқ қолдирувчи дори олиб бормоқчи бўлганларида, бошқарма уларга "бу ерда ҳамма нарса бор" деб айтганлар. Илхом бир йилдан ошиқ муддат оғриқдан шикоят қилиб келган ва тишларининг бир нечтасини олдириб ташлашларини ёлвориб сўраган.

МУРОД ЖЎРАЕВНИНГ ҲИКОЯСИ

Мурод Жўраев Ўзбекистон Олий Мажлисининг собиқ аъзоси, "Ўзбекистондаги констутицион тузумни зўрлик билан ағдариш"га чақиришда айбдор деб топилган ва 1995 йилда адолатсиз судлов ортидан 12 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Унинг суд маҳкамаси олдидан унинг тарафдорлари Мурод Жўраев суд олди ҳибсхонасида милиция ходимлари томонидан у ва кўпгина ҳуқуқ химоячилари асоссиз деб топган айбловларга иқрор этириш мақсадида қийноқларга солинган ва фақатгина таъқиқланган мухолифат газетасини тарқатганлиги учун жазоланаётган бўлганнини эътироф этишган. Ўша пайтда Мурод Жўраев таъқиқланган мухолифат Эрк партиясига алоқадор деб кўрилган.

2004 ва 2012 йил орасида Мурод Жўраев тўрт марта қамоқхона тартибини бузганлиги учун айбдор деб топилган ва ҳаммаси бўлиб 12 йил тўрт ой қўшимча қамоқ муддатига ҳукм этилган. Унинг оиласига кўра, мазкур "бузилиш"лардан бири у маҳкумлар ухлайдиган хонага киришда шиппакларини ечмаганлиги

бўлган.

Халқаро Амнистия Мурод Жўраев сиёсий сабаблар билан айбланиб ҳибсга олинган, адолатсиз маҳкамага юз тутган ва унинг қамоқ жазосининг узайтирилиш сабаблари ҳам сиёсий эканига ишонади.

Мурод Жўраевнинг соғлиги унинг узайтирилган қамоқ муддати пайтида жуда ёмонлашиб кетган; унинг оиласига кўра у хозирда зўрға гапира олади, кўзлари деярли кўрмай қолган ва барча тишлари тушиб кетган. Қамоқхона мулозимлари уни атайин якка сақлайди ва у билан гаплашган маҳкумларни қўрқитади. У бир кун келиб озод бўлишга бўлган умидини йўқотмоқда. Мурод Жўраев қуюқ овқат истеъмол қила олмайди, хазм қилиш муаммолари бор ва кўп вазн йўқотган. Унинг оёқлари мутассил оғрийди ва бош оғриғидан азоб чекади. У 1994 йилда ҳибсга олинганидан буён тиббий муолажа олишга рухсат берилмаган, ва кўп муддат изоляторларда сақланган.

9.3 “ДАВЛАТГА ҚАРШИ” ҲАРАКАТЛАРДА АЙБЛАНИБ ҚАМАЛГАН МАҲКУМЛАРГА БЎЛГАН МУОМАЛА

> *“Мен ҳар тарафдан босим остидаман. Мен гапира олмайман. Мен сукут сақлаб буйруқларга бўйсунаман, қоида бузарлик бўлмасин учун улар нима деса, шуни қиламан”*
> Илхом

2003 йилда қамоқхонадан яширинча олиб чиқилган ёзувчи ва собиқ маҳкум Мамадали Махмудовнинг мактубида (тафсилотлар учун 19 сахифага қаралсин) қамоқхона бошқаруви давлатга қарши жиноятлар ёки таъқиқланган диний гуруҳларга алоқадор маҳкумларни атайин ёмон муомала қилиш учун нишонга олишларини эътироф этган. У қандай қилиб эркаклар яланғоч ҳолда қамоқхона полида эмаклашга мажбур этилишлари ва дубинка ва пўлат таёқлар билан калтакланишларини тасвирлаган. Улар миллий мадхияни куйлашда хато қилганлари учун тепкиланиб калтакланадилар. Уларни кичкина, тор ва зах камерага яланғоч қилиб киритилиб, сувсиз ва хожатхонасиз бир неча кунлаб сақланганлар.

“Ҳаммамиз (маҳкумлар) қон чиқгунча калтакланардик. Ким ўлиб ким тирик қолганини англаш мушкул эди... мен иккинчи қаватдаги 19 камерада уйғондим, у ерда яланғоч ётар эдим. Оғиз ва бурнимдан қон кетарди, икки бармоғим синган эди... бошқа камералардан аянчли қичқириқлар, инграшлар ва йиғи товушлари эшитилар эди... кўзимнинг ўнгида ёш одамлар калтакланиб ўлдирилар ва атайин бедаъво касаллар юқтирилар эди... дубинкаларни (маҳкумларнинг) кетига киргизиб – жинсий зўрлашлар оддий ҳолат эди... Мен ўзим кўрган ва эштиганларимни ёзаяпман.”[66]

Собиқ маҳкумлар ва уларнинг қариндошлари қамоқхонага маҳкумлари келтирилганларида қандай қилиб “Ваҳоббий”лар ва Хизб ут–Тахрирнинг аъзоликда гумон этилганлар алохида ажратилиб қатор тизилган соқчилар орасидан югуришга мажбур қилинар ва соқчилар уларни ўтиб бораётган пайтида дубинкалар билан калтаклардилар. Шунингдек, тақводор мусулмон маҳкумлар бошқа маҳкумлар томонидан қамоқхона бошқаруви буйруғи асосида калтакланиб, хўрланар ва жинсий зўрланишга дучор этилади деган иддаолар мавжуд. Собиқ маҳкумлар ва инсон ҳуқуқлари химоячилари жинсий зўрлаш ёки зўрлаш билан қўритиш тақводор мусулмон маҳкумларнинг иродасини синдириш учун қўлланилишини эътироф этадилар. Жинсий зўрлик қурбонлари сифатида бу маҳкумлар ўз ўзидан “қўл теккизиб бўлмайдиган” хисобланар ва қамоқхонада энг паст туркум хисобланиб бошқа маҳкумлар ва қамоқхона ходимлари томонидан сурункали хақоратларга солиниш олдида ожиз бўлиб қоладилар.

---

[66] Мамадали Махмудов мактубидан, апрель 2003 йил. Халқаро Амнистия файлларида сақланмоқда.

Яна шундай иддалар мавжудки, қаттиқ режимли қамохонада тақводор мусулмонларга Қуръон ўқиш ва намоз ўқишга рухсат берилмайди ва уларнинг соқоллари мажбуран қирилади. Агар намоз ўқиётганда ушлаб олинса, калтакланадилар ёки жазо камерасига солинадилар.

Жиноят Кодексининг 244 моддаси остида беш ярим йил қамоқ жазосини ўтаган Ўзбекистонлик бошпана изловчи Халқаро Амнистияга: шудай деб айтди: *Диний маҳкумлар хаттоки бир бири билан гаплаша олмайдилар. Улар бирга ўтириб чой ичар эдилар илгари. Хозир эса хаттоки намоз ҳам ўқий олмайдилар. Одамлар ётган жойида ёки ётоғида намоз ўқир эдилар. Хизбут-тахрир аъзолари туриб намоз ўқир эдилар, аммо бунинг учун калтакланар эдилар.”*[67]

2014 йил июнь ойида Илхомнинг қариндоши Халқаро Амнистияга уни маҳкумлар Навоий қамоқхонасида (юқорига қаралсин) калтакланаётганини хабар берди. Бу қариндош ва бошқа манбаларга кўра, таъқиқланган гуруҳларга аъзоликда гумон этилиб ёки сиёсий жиноятлада айбдор топилган маҳкумлар мунтазам равишда хўрланишади: оддий жиноятлар билан қамалган маҳкумга сиёсий маҳкумни кузатиб юриш тайинланади, улар ўз “кузатувчиларидан” хожатхонага бирга боришга ялтиниб рухсат сўрашлари лозим ва соатлаб кутишга мажбурланишлари мумкин. Маҳкумлар хожатхонадан “кузатувчи”лар томоша қилиб уларни хўрлаб турганлари ҳолда фойдаланишлари лозим. “Кузатувчилар” маҳкумларга гапиришга рухсат бермайдилар.

Давлатга қарши жиноятлар билан ҳукм этилган маҳкумларнинг кўплари ўз ҳукмини овлоқдаги Жаслиқ (Яслиқ ва Джаслиқ деб ҳам юритилади) қамоқхона колониясида (УЯ 64/ОФ1) ўтайдилар. БМТнинг қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчисининг Ўзбекистон бўйича 2003 йилда қилган ҳисоботида Жаслиқ қамоқхонасини зудлик билан ёпиш тавсия қилинган ва сабаби унинг бундай овлоқ жойда жойлашганининг ўзи маҳбус ва уларнинг қариндошларига нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала этиш шароитини яратиши кўрсатилган..[68] Жаслиқда сақланадиган маҳкумларнинг оила аъзоларига овлоқдаги қамоқхона жамлоғига ташриф этиш қиммат ва кўп вақт талаб этадиган сафардир. Кўпинча, бундай узоқ йўл босиб келган қариндошларга ўз яқинлари билан кўришишга ҳам рухсат берилмайди.

9.4 ҚАМОҚХОНА МОНИТОРИНГИ

Ўзбекистон ҳибсда сақлаш жойларини текшириш учун мустақил мониторинг механизмига эга эмас. Ҳукумат ўрнатган чекловлар сабабли, мустақил ва нодавлат ташкилотлар, махаллий ёки халқаро бўлмасин хеч қандай шаклдаги доимий, эълон қилинмаган ва кузатувчисиз қамоқхона мониторинги ўтказа олмайди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсмани барча ҳибсда сақлаш жойларини текшириш ва қийноқ шикоятларини маҳкумларнинг ўзидан тўғридан тўғри қабул қилиш ҳуқуқига эга. Аммо Омбудсман идораси вакилларининг ташрифи умуман эълон қилинмаган ҳолда рўй бермайди; аксинча улар қамоқхона маъмуряти билан олдиндан режалаштирилган бўлади. Омбудсман идорасининг мустақил эмаслиги ва самарали мониторинг ёки текширувлар ўтказишга яроқсизлиги борасида жиддий хавотирлар мавжуд.

2013 йил апрель ойида Қизил Хоч Халқаро Қўмитаси (ҚХХҚ) Ўзбекистондаги ҳибсхоналарга ташрифини уларнинг иш олиб бориш меъёрий тартибларига бўлган чекловлар сабабли бекор қилди. Чет эл дипломатларига баъзи ҳибсхона жойларига киришга рухсат этилгани ҳолда, ташрифлари чоғида уларга қамоқхона ёки ҳуқуқни мухофаха қилиш ходимлари хамроҳлик қилади. Худди шу ҳолат камдан кам ҳолларда ўз хамкасбларини кўришга рухсат берилувчи инсон ҳуқуқлари химоячиларига ҳам тааллуқлидир. 2014 йил январь ойида ҳукумат кичик

---

[67] Халқаро Амнистия билан сухбат, октябрь 2014.

[68] Иносн Хуқуқлари бўйича Коммиссияси, Қийноқ масаласи бўйича Махсус Ҳисоботчисининг Ҳисоботи, Тео Ван Бовэн, Коммиссиянинг 2002/38 резолюциясига биноан топширилди. Ўзбекистонга ташриф бўйича қўшимча, 3 февраль 2003. E/CN.4/2003/68/Add.2, с. 24.

сонли инсон ҳуқуқлари химоячиларига уларнинг қамалган тўрт хамкасбини бориб кўришга рухсат бердилар.[69] Инсон ҳуқуқлари химоячиларига ҳуқуқни мухофаза қилиш ходимлари ҳамрохлик қилди ва уларнинг ташрифи филмга олинди. Маҳкумларнинг бири учрашув олдидан унга иссиқ хаммом қабул қилишга рухсат берилгани ва янги кийим бош берилганини хабар қилди. 2014 йил ноябр ойида Хьюман Райтс Вотч Ўзбекистонга делегация юборди аммо маҳкумлар ва ҳибсда сақлаш жойларига ташриф буюриш сўровлари ҳукумат тарафидан рад этилди.

---

[69] Ўзбекистон Инсон Хуқуқлари Жамияти "Эзгулик" ташкилоти рахбари Васила Иноятова Солижон Абдурахмонов, Аъзам Турғунов ва Дилмурод Саидовларни 2014 йил январь ойида қамоқхонага бориб кўрди. Суръат Икромов Мустақил Инсон Хуқуқлари Химоячилари Ташаббус Гурухи рахбари 2014 йил январ ойида Мурод Жўраевни бориб кўрди.

10. ХАЛҚАРО ТАДҚИҚ

10.1 ХАЛҚАРО ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ТОПИЛМАЛАРИ

Халқаро инсон ҳуқуқлари механизмлари Ўзбекистондаги қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларининг мунтазам ва кенг қамровли қўлланилишидан такрор ва такрор ўз хавотирларини изхор этиб келганлар. Аммо Ўзбекистон ҳукумати ушбу ишончли маълумотларни қатъий ва мунтазам равишда рад этиб келади.

Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро Пактга (ФСХХП) аъзо давлатдир ва ФСХХПнинг Биринчи ихтиёрий Протоколига имзо чеккан ва бу протокол БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси томонидан алохида шикоятларни кўриб чиқилиши учун топшириш механизми билан таъминлайди. 2010 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси Ўзбекистоннинг Қўмитага топширган учинчи даврий ҳисоботини кўриб чиқиш пайтида "қийноқ ва ноъмақул муомала қўлловининг давом этилиши ва бунга масъул шахсларнинг чекланган сонда жазоланиши" ҳамда " Олий суднинг ноқонуний равишда олинган далилларни қабул этиб бўлмаслик хақидаги 2004 йилги қарорига қарамасдан, судлар томонидан зўравонлик билан олинган далилларнинг қўлланилиши борасидаги маълумотлар" бўйича хавотирларини изхор этди.[70] Қўмита Ўзбекистонни "ҳар бир қийноқ тўғрисидаги даъвони мустақил маъмурият томонидан текширилишини таъминлашга" чақирди Қўмита илгари ҳам бу каби хавотирларни 2001 ва 2005 йилларда изхор этган ва айни тавсияларни берган.[71] Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси Ўзбекистоннинг тўртинчи даврий ҳисоботини 2015 йил июл ойида кўриб чиқиши кутилмоқда.

2002 йили қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчи Ўзбекистонга факт тўпловчи ташриф билан ҳукумат таклифига биноан келган. 2003 йил феврал ойидаги ҳисоботида у шундай хулоса қилади: "ўз ташрифи давомида унга етказилган (қамоқдаги ўлим сонлари ҳам бу кўрсатмалар қаторига киради) ва ошкора қўрқув остида аноним қолишни сўраган ва шунинг учун бу каби даъволар қилишда хеч қандай манфаат кўрмайдиган шахсларнинг қатор кўрсатмаларига асосан қийноққа қарши Қўмита томонидан белгиланганидек, қийноқлар ва шунга тенг бўлган камситувчи муомала мунтазамдир. Фақатгина оз миқдордаги қийноқ ишлари тўла ишонч билан исботлана олишига қарамай, бир бирига ўхшаш кўрсатмалар... қийноқ усуллари ва жойлари ҳамда қийноқ қўллаш шароитларини тасвирлашда шунчалик изчилки, қийноқнинг тергов жараёнида кенг тарқалган ва қатъийлигини рад этиб бўлмайди".[72]

Ҳукумат Махсус Ҳисоботчининг қийноқлар "мунтазам" дея топган хулосаларига кескин қаршилик кўрсатди ва ундан бери бошқа ташрифлар сўровларини буткул жавобсиз қолдириб келади.

2013 йил декабрь ойида ҚҚК Қўмитаси Ўзбекистоннинг ҚҚКа мамлакатнинг қанчалик риоя қилиши бўйича тўртинчи даврий ҳисоботини кўриб чиққанидан сўнг, ўз кузатув ва тавсия хулосаларини чоп этди. ҚҚК Қўмитаси Ўзбекистонни қийноқнинг давомли муаммоси ва жазосизлик амалига буткул чидамсизлик кўрсатишга ва қийноқ

---

[70] БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасинин Кузатувлари бўйича Хулосалар, БМТ хужжати CCPR/C/UZB/CO/3.

[71] БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасинин Кузатувлари бўйича Хулосалар, БМТ хужжати CCPR/CO/83/UZB and UN Doc. CCPR/CO/71/UZB.

[72]Инсон Ҳуқуқлари бўйича Коммиссия, *Махсус Ҳисоботчининг қийноқ масалалари бўйича ҳисоботи, Тео ван Бовэн. БМТ хужжати*. E/CN.4/2003/68/Add.2,68 параграф кўриш мумкин: http://daccess-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G03/107/66/PDF/G0310766.pdf?OpenElement.

амалларининг ҳар қандай шаклини ошкора қоралашга чақирди. У яна “ кўп сондаги қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва бошқа камситувчи муомала ёки жазо турларини мунтазам қўлланилиши иддаолари”дан ўз хавотирларини такроран изхор этди ва ушбу аъзо давлат Оврўпо Инсон Ҳуқуқлари Суди юрисдикцияси остида бўлмаса ҳам... 2001 йилда Суд “Ўзбекикстонда маҳбусларнинг ҳуқуқни мухофаза қилиш ва хавфсизлик ходимлари томонидан қийноқ ва номаъқул муомалага солиниши мунтазам, жазосиз ва рағбатлантирувчидир” деб белгилаганини таъкидлади. [73] ҚҚК Қўмитаси шунингдек “бу каби иддаоларнинг зудлик билан, холисона текширилишидаги лаёқатсизлик” дан афсус билдирди.[74]

Қийноқларга қарши Қўмитасининг тавсияларини амалга оширишга бўлган сўнги ўн йилликлардаги кўп сонли ташаббуслар қабул қилинганига қарамай, ҳукумат хеч қачон Махсус Ҳисоботчининг 2002 йилги ташрифи ортидан тавсия қилинган қийноқларнинг барча шаклларини ошкора қораламаган[75] ва ҚҚК Қўмитаси томонидан 2002 ва 2008 йилларда қийноқларга қарши химояни кучайтиришга йўналтирилган кузатув хулосалари бўйича берилган асосий тавсияларни тўла ва самарали амалга оширмаган.

2008 йил сентябрь ойида ва яна 2013 йил апрель ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари хақидаги ҳисоботини Умумжахон даврий шархлар механизми (УДШ) остида кўриб чиқди ва қийноқни йўқ қилиш масаласида бир қанча тавсиялар қилди. 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистон бўйича УДШ хулосаларини қабул қилишда Ўзбекистон ҳукумати қийноқни йўқ қилиш бўйича тавсияларнинг баъзилари амалга оширилиб бўлган ёки оширилишда давом этаётганини эътироф этди. Айни вақтда, Ўзбекистон ҳукумати хавфсизлик кучлари ва қамоқхона маъмурияти томонидан қийноқ ва бошқа номаъқул муомала амалларининг мунтазам ва кенг тарқалган қўлловининг давом этаётгани борасидаги барча иддаоларни қатъиян рад этди. Ҳар икки 2008 ва 2013 йилларда УДШ мажлисларида ҳукумат бир қанча давлатлар томонидан тавсия этилган барча ҳибсда сақлаш жойларини мониторинг этиш ва шикоятларни хисобга олиш бўйича миллий ва мустақил механизмлар ўрнатишни қўллаб қувватлади. Аммо Ўзбекистон ҳукумати, давлатлардан ҳукумат ҳибсда сақлаш жойларига миллий олдини олувчи механизмлар ва халқаро экспертларнинг доимий ташрифларини белгиловчи тизим талаб этувчи ҚҚКнинг ихтиёрий Протоколини имзолашдан бош тортди, лекин бу масалани чуқурроқ ўрганиб чиқишга рози бўлди.

ҚҚК Қўмитасиинг Масалалар Рўйхатига ёзма жавобида Ўзбекистон ҳукумати ҚҚКнинг ихтиёрий Протоколида кўрсатилган ҳибсда сақлаш жойларига чекловсиз ташрифлар буюриш нафақат кичик қўмита томонидан балки бошқалар томонидан ҳам амалга ошириш чекланмаган ҳуқуқини бериш фактларига қаршилик кўрсатди ва ихтиёрий Протоколни имзолаш ҳукумат учун яроқсиз деб айтди.[76]

---

[73] Инсон Хуқуқлари Оврўпа Суди 7265/10 рақамли ариза, *Ёқубов Россияга қарши*, 2011 йил 8 ноябрь ҳукми, пара 82.

[74] Қийноқларга қарши Қўмита, Ўзбекистоннинг тўртинчи даврий ҳисоботи бўйича кузатув хулосалари, БМТ хужжати CAT/C/UZB/CO/4.

[75] Махсус Ҳисоботчининг 2003 йилдаги Инсон Хуқуқлари Кенгашига топширган ҳисоботидаги тавсияларнинг бирида “энг биринчи ва асосийси юқори лавозимли хукуматнинг қийноқнинг барча шаклларини ошкора қоралашидир” дейилган. БМТ хужжати E/CN.4/2003/68/Add.2, пара 70, қуйида кўринг http://daccess-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G03/107/66/PDF/G0310766.pdf?OpenElement

[76] Ўзбекистон хукуматининг БМТнинг Қийноқларга Қарши Қўмитаси томонидан 2013 йил 6-31 майдаги Ўзбекистон Республикасининг Қийноқ ва бошқа Шафқатсиз, Ноинсоний ва Камситувчи Муоала ёки Жазолаш бўйича Конвенцияни амалга ошириш бўйича 4чи даврий ҳисоботини кўриб чиқувчи 50чи мажлисида қабул қилинган масалалар рўйхатига ёзма жавоби. БМТ хужжати CAT/C/UZB/4, пара 41.

10.2 ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ СУКУТИ

Халқаро инсон ҳуқуқлари механизмларининг Ўзбекистонда қийноқ ва номаъқул муомаланинг мунтазам қўлланилиши бўйича ва мамлакатдаги бошқа улкан сиқув остидаги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича маълумотларига қарамасдан Ўзбекистоннинг халқаро хамкорлари ушбу қонунбузарликларга нисбатан муносабати энг кўпи билан иккиланувчи ва энг камида деярли шериклик қилувчи маънода сукут сақлаш бўлиб келди.

2014 йил декабрь ойида Ўзбекистонга уюштирилган ташрифи ортидан АҚШ давлат Котибининг Марказий Осиё бўйича Ёрдамчиси Ниша Бисуал "Ўзбекистон билан икки томонли муносабатларда тўғри мувозанатли босим, хамкорлик ва маълум миқдордаги стратегик сабр-тоқат лозимдир" деб айтди.[77] "Стратегик сабр-тоқат" шунингдек Ўзбекистон ва бошқа Оврўпо Иттифоқи (ОИ) каби халқаро акторлар ва аъзо давлатлар, айниқса Олмония билан муносабатларда 2010 йилда минтақадаги хавфсизлик, энергия хавфсизлиги ва терроризмга қарши хамкорлик аста секинлик билан инсон ҳуқуқлари ва фуқаро эркинликларини сиёсий ва харбий кун тартибида соя остига олишни бошлаши билан намоён бўла бошлади.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳолатининг танқид остига олиниши секин аста ўча бошлади ва бунинг ўрнига ОИ ва АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистондаги АҚШ бошчилигидаги операциялар билан боғлиқ муҳим ўрнини урғулай бошлади.[78] 2015 йилнинг 10 февралида АҚШ давлат Департаментининг Жанубий ва Марказий Осиё Ишлари бўйича ходими Даниел Росенблум "биз (АҚШ) Марказий Осиёнинг террорист гуруҳлар учун хавфсиз бошпанага айланиб қолишини истамаймиз. Шунинг учун биз миллатлараро тахдидлар, терроризм ва қорадори контрабандаси каби умумий тахдидларни қарши олишда хавфсизлик хамкорлигимизни кенгайтиришни хохлаймиз...".[79]

Бу Андижондаги 2005 йил май ойидаги оммавий қирғиндан сўнг ОИ ва АҚШнинг Ўзбекистон халқаро ва мустақил текширув ўтказишни рад этганидан сўнг берган жавобидан буткул фарқлидир. 2005 йил ноябрь ойида ОИ Ўзбекистонга қурол яроғ сотиш ва харбий ўтказмалар ва Ўзбекистондаги 12та юқори лавозимли давлат вазирлари ва мулозимларига виза таъқиқи эмбаргосини қўйган эди. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳукумати НАТОнинг Олмониядан ташқари Оврўпа аъзоларига Сурхандарё вилоятидаги Афғонистон чегарасидаги Термез хаво базасидан Афғонистонга учишни таъқиқлаб ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишни буюрган эди.[80] АҚШ харбийлари талаб қилинганидек Қарши Хонобод ҳаво базасидан чиқиб кетишни 2005 йил ноябрда якунлаган эди (мазкур ҳаво базаси 2001 йилдан бери АҚШбошчилигидаги "террорга қарши уруш" қисми сифатида ижарага берилиб келинган эди) 2006 йил ҳукумат БМТнинг Қочоқлар бўйича ташкилотига ўз операцияларини тўхтатиб мамлакатни тарк этишни буюрган эди.

---

[77] Қаралсин www.npr.org/blogs/parallels/2015/01/10/376135811/courted-by-the-u-s-and-russia-uzbekistan-ignores-critics

[78] ОИ 2011- 2014 йилларда Ўзбекистонда адлия тизимини ислох этиш лойихасига сал кам €10 миллион сармоя киритди, қаралсин http://www.gip-jci-justice.fr/en/projects/asia/middle-east-central-asia/. Кўзланган мақсадлардан бири маҳбусларнинг мустақил адвокатларни қаршиликсиз ёллай олиш ва ҳибсхоналарда қийноқ ва бошқа номаъқул муомала ҳолатларини камайтириш бўлган. ОИнинг ташқи ишлар бўйича эксперт маслахатлар муассасаси дипломатик манбаларга кўра, мазкур лойиха ўз мақсадларига эришишда муваффақиятсизликка учраган ва мамлакатдаги ахволни ўзгартиришда жуда кам таъсир кўрсата олган. Қаралсин http://www.ibidemverlag.de/Reihen-Schriftenreihen-Institutsreihen/Interdisziplinaere-Schriftenreihe-des-Centrums-fuer-interkulturelle-und-europaeische-Studien/The-European-Union--8217-s-Democratization-Policy-for-Central-Asia.html?XTCsid=08f9f86a40a559e3e

[79] Даниел Росенблум АҚШ Давлат Депараменти Жанубий ва Марказий Осиё Бюроси котиби ёрдамчисининг ўринбосари Белгия, 2015 йил 10 февраль телефон матбуот брифинги, қаралсин www.state.gov/p/sca/rls/rmks/2015/237404.htm

[80] 2014 йил ноябр ойида Олмония Термез ҳаво базаси ижарасини узайтиришга келишди.

2008 йилда ОИ Андижон зўравонлигини текширишга бўлган барча чақириқларни тўхтатишга қарор берди ва оммавий қирғинни содир этганларнинг буткул жазосиз қолиб кетишига қарамай Ўзбекистонлик 12 давлат мулозимларига бўлган виза таъқиқини олиб ташлади. 2009 йили ОИ қурол яроғ сотуви ва харбий ўтказмалар эмбаргосини ҳам олиб ташлади.

2010 йилга қадар ОИнинг Ташқи ишлар Кенгашида Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари ҳолатини йиллик бахолаш ва мухокамаси бўлиб ўтар эди. 2010 йил 27 октябрда қабул қилинган сўнги хулосаларида Кенгаш "Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устиворлиги бўйича умумий ҳолатдан ва муҳим ривожланиш етишмовчилигидан жиддий хавотирда бўлишда давом этишини" эътироф этди. Айниқса Кенгаш Ўзбекистонни "ушбу жабхаларда олдинга силжиш учун зудлик билан самарали чоралар қўллаш, айниқса қамоққа солинган инсон ҳуқуқлари химоячилари ва виждон эркинлиги маҳбусларини озодликка чиқариш, нодавлат ташкилотларга тўсиқларсиз иш олиб боришга йўл бериш, БМТнинг барча Махсус Ҳисоботчилари билан хамкорлик қилиш, сўз ва матбуот эркинлигини кафолатлаш, бола меҳнати конвенциясини амалга оширишни бошлаш ва ўз сайлов жараёнини халқаро меъёрлар билан мослаштириш"га чақирди.

Кенгаш шунингдек, "барча босқичларда хамкорлик ва мулоқот ўтказишнинг сифати юқорида айтилган жабхаларда Ўзбекистоннинг ислохотлар ва олдинга силжишига боғлиқ" эканини таъкидлаб, "Ўзбекистондаги вазиятни яқиндан кузатиб боришда давом этишини" эътироф этди.

Аммо 2009 йил октябрда чекловларнинг тугатилиши[81] ва 2010 йилдаги юқорида кўрсатилган хулосалардан ташқари Ташқи ишлар Кенгашида Ўзбекистон масаласида бошқа хеч қандай мухокама бўлиб ўтгани йўқ ва Ўзбекистон бўйича бошқа хулосалар қабул қилинмади.

ОИ-Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари мулоқоти ҳар йили бўлиб ўтиши ва ОИ инсон ҳуқуқлари ва шулар қатори қийноқ ва бошқа номаъқул муомала бўйича жиддий хавотирларини ушбу учрашувларда изхор этишда давом этар экан, самарали ўзгаришларни ўлчовчи хеч қандай меъёр ўрнатилгани йўқ.

Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазияти бўйича ОИнинг тубдан кузатишдаги лаёқатсизлигидан хавотирланиб Оврўпо Парламенти 2014 йил 23 октябрда Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича резолюция қабул қилди (2014/2904(RSP), ушбу резолюция Ўзбекистон ҳукуматига бир қанча тавсиялар беради ва булар қаторига сиёсий сабаблар билан қамалган барча шахсларни зудлик билан шартсиз озод этиш; суд олди ҳибсхоналарида ва ахлоқни тузатиш колонияларида қийноқ ва номаъқул муомала қўлловини тугатиш; 2005 йилдаги Андижон қирғини бўйича мустақил текширув ўтказишга рухсат бериш; ва БМТнинг 11 та махсус Ҳисоботчилари ва БМТниг қийноқлар бўйича махсус Ҳисоботчисига Ўзбекистонга ташриф буюриш сўровини қўллаш киради.

Оврўпо Парламентининг ушбу резолюцияси хуш қабул қилинсада, энг кўп қудрат ва таъсирга эга давлатлар, халқаро акторлар ва муассасалар – АҚШ, Олмония, ОИ ва бошқалар сўнги беш йилликда Ўзбекистон ҳукуматига қийноқ ва бошқа инсон ҳуқуқлари зўравонлигини тўхтатиш учун арзигулик босим ўтказишда муваффақиятсизликка учраб келганлиги фактлигича қолади. Улар ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва харбий манфаатларини Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини тарғиб этиш ҳаракатларидан устун қўйдилар ва Ўзбекистон ҳукуматини танқид остига олиш уни бегоналаштириб Афғонистон бўйича хамкорлик, террорга қарши кураш ва хавфсизлик хамкорлигига тўсиқлар туғдиришига ишонадилар. Хақиқатан хам, Ўзбекистон билан алоқаларда "стратегик сабр-тоқатлилик"ни намойиш этиши АҚШнинг қанчалар репрессив давлатларга жосуслик маълумотлари йиғишда ва террорга қарши урушда оператив қўллов учун тобеъ бўлишни инсон ҳуқуқларига зарар келтириш ва қийноқ каби зўравонликлардан азоб чекаётган инсонлардан устун қўйди. Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазияти бўйича сукут сақлаш билан ушбу давлатлар ва муассасалар Ўзбекистон ҳукуматининг зўравонлигига шерик бўлиб қолди.

---

[81] Қаранг www.consilium.europa.eu/ueDocs/cms_Data/docs/pressData/en/gena/110805.pdf

11. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

11.1 ХУЛОСА

“Ҳукуматлар ўз фуқароларини эзиб, инсоний ҳуқуқларидан махрум этса, келишмовчиликларни сиқув остига олса ёки этник ва диний гуруҳларни пастга урса ёки маълум диний гуруҳларни бошқалардан афзал кўрса, бу экстремизм ва зўравонлик уруғларини экади... Хақиқий ва узоққа етувчи барқарорлик ва ривожланишнинг зарур таркибий қисми демократияни озайтириш эмас, балки уни кўпайтиришдадир. Қонун устуворлигини сақлаб қолиш ва адолатни барчага баробар қўллаш бу муассасаларнинг вазифасидир. Инсон ҳуқуқларини хурмат қилувчи ва инсонларга қадр-қиммат билан муносабат кўрсатувчилар - бу хавфсизлик кучлари ва полициядир .[82] Булар Халқаро Амнистиянинг сўзлари эмас. Булар 2015 йил февраль ойида “куч ишлатувчи эстремизмга қарши курашиш” бўйича Оқ Уйда ўтказилган саммит чоғида Президент Обама томонидан келтирилган сўзлардир. Бу сўзлар айнан Ўзбекистонни назарда тутиб сўзланмаган, аммо шундай бўлиши мумкин эди.

Қийноқлар Ўзбекистоннинг жиноий адлия тизимини белгилаб берувчи хусусиятга айланган. Бу Ўзбекистон ҳукумати қандай қилиб келишмовчиликларни бартараф этиши, хавфсизлик тахдидларини йўқ қилиш ва қудратни чангалида ушлаб туришда марказий ўрин эгаллайди. Бу тубдан нотўғри ва узоқ муддатга яроқсиздир. Аммо бу халқаро хамжамиятни гео стратегик деб кўриладиган иттифоқчининг яққол бепарволигига кўз юмишдан тўхтатиб қолмади. Бу узоқни кўрмаслик ва Ўзбекистоннинг қийноқ камераларида азоб чекаётган минглаб қурбонларга чуқур шикаст етказишдир.

Ўзбекистон ҳукумати қийноқларни йўқ қилишда боса оладиган кичик қадамлар мавжуд ва бунга эришиш учун ўзгартирилиши керак бўлган катта сиёсий ирода лозимдир. Ушбу ўзгартиришларнинг кўплари қуйидаги тафсияларда келтирилган. Фақатгина Ўзбекистон ҳукумати ушбу ўзгартиришларни ясашга қодир бўлиб қолар экан, халқаро хамжамият ва айниқса Ўзбекистоннинг стратегик хамкорлари ушбу ўзгатриришларни киритишга чақиришда анчайин қатъий бўлишлари лозим.

11.2 ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар:

- Президент ва бошқа юқори лавозимли ҳукумат мулозимлари, булар қаторида Бош министр, Бош прокурор, Ички ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик хизмати раиси зудлик билан ва ошкора қийноқлар ва бошқа номаъқул муомала қўллашни қоралаб чиқиши лозим.

- Ўзбекистон ҳукумати зудлик билан БМТнинг қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчисини Ўзбекистонга факт топиш бўйича ташриф буюришга таклиф этиши лозим.

- Миллий қонунларни Ўзбекистоннинг қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва қадр қимматни камситувчи муомала ва жазони мутлақ таъқиқлаш олдидаги халқаро мажбуриятлари билан мувофиқлаштириш ва айниқса Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодексини ўзгартириб қуйидаги алохида ва тезкор таъқиқларни киритиши лозим:

  - БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенциясида белгиланганидек, қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала ҳар қандай шароитда буткул таъқиқланиши;

---

[82] Оқ Уй, Куч ишлатувчи Экстремизмга қарши Курашиш бўйича Саммитнинг ёпилиш маросимида билдирган фикрлари, 18 февраль 2015, http://www.whitehouse.gov/the-press-office/2015/02/18/remarks-president-closing-summit-countering-violent-extremism

- Ўзбекистоннинг давлат муассасалари қарамоғидаги жиноят билан айбланган, шохидлар ва бошқалардан кўрсатма ёки иқрорнома олиш мақсадида қийноқга солиш ҳар қандай шароитда мутлақ таъқиқланиши;
- Қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки камситувчи муомала остида олинган кўрсатма, маълумотлар ва далиллардан жиноий ва бошқа суд ишларида фойдаланишни ҳар қандай шароитда буткул таъқиқлаш;
- Хеч бир шахс фақатгина ўзининг иқрорномаси асосида айбдор этилмаслиги лозим.

- Ўзбекистон Олий суд Пленуми судяларнинг прокурор ва бошқа давлат номидан иш олиб борувчилар томонидан топширилган иқрорномалар ёки далиллар қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва бошқа камситувчи муомала остида олинган ёки йўқлигини аниқлаш учун аниқ тартибга риоя қилишлари лозимлиги борасида барча босқичларда кўрсатма олишлари бўйича қонунлар қабул қилиши лозим. Бундай қонунлар энг камида қуйидагиларни кафолатлаши лозим:

- Судялар айбланувчилардан иқрорнома ва гувоҳлардан кўрсатма олиш учун қийноқ қўллаганлик даъволарини жиддий қабул қилишлари ҳамда бу каби даъволарни текширишда прокурорлардан ўз вақтида ва тўлиқ текширувлар талаб этиши ва бу каби қийноқ даъволарини давомий равишда текшириб борилишини мониторинг қилишлари лозим;
- Судялар иқрорнома ёки бошқа кўрсатмалар ва далиллар қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала остида олинганми йўқлигини аниқлаш учун алохида тингловлар ўтказиши лозим;
- Судялар иқрорномалар ва кўрсатмалар ёки далилларнинг қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала билан булғанмаганлигини исботлаш юки тўлалигича прокурорлар бўйнига тушишини кафолатлаши лозим;
- Агар судя бирор бир далил қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомала остида олинганига ишонч бор деб хулоса қилса, судялар мазкур иқрорномалар, далил ёки гувоҳ кўрсатмаларини суд ишига қабул қилмасликга қарор чиқарадилар.

- Қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки камситувчи муомала ёки жазога тортилган ҳибс ва қамоқ остидаги ҳар қандай шахс томонидан қилинган барча шикоятларни ва қийноқ ёки номаъқул муомала рўй берганига ишонч бўлса, шикоят қилинмаган тақдирда ҳам тезкор, холис ва самарали текширув ўтказишни таъминлаш;

- Бу каби текширувларнинг қисми сифатида қийноқлардан шикоят этган ва қийноққа солинган шахсларга тезкор, холис, самарали ва мутахассис тиббий кўригини тайинлашни кафолатлаш;

- Зўрлик билан иқорнома олинганлигини даъво этган шахсларнинг ҳукмларини суд қайта кўриб чиқишини ва қийноқ содир этганларнинг жазосиз қолишини тугатишни кафолатлаш;

- Барча суд маҳкамалари, булар қаторида таъқиқланган диний ташкилотларига аъзолик билан айбланган шахсларнинг маҳкамаларини адолатли суд халқаро меъёрлари ва Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пакт остидаги мажбуриятлари асосида ўтказилишини кафолатлаш;

- Қамоқхона ва колониялар ичида ҳукм этилган маҳкумларни қамоқхона тартибини гўёки бузганлиги учун ёпиқ маҳкамага тортиш амалларини тўхтатиш ва Жиноят Кодексининг 221 моддаси асосида айбдор деб топилиб қўшимча муддатга ҳукм этилганларнинг ишларини қайта кўриб чиқиш;

- Озодликдан махрум этилган ёки ҳуқуқни мухофаза қилиш ходимлари томонидан ҳибсга олинган барча шахсларни зудлик билан уларга қарши қўйилган айбловлардан огоҳ этиш ва уларга ўзлари танлаган адвокат билан ҳамда қариндошлари ва тиббиёт ходимлари билан зудлик билан ва чекловларсиз кўришишга рухсат беришни кафолатлаш;

- Озодликдан махрум этилган ҳар бир инсон ваколатга эга мулозимлар томонидан уларнинг ҳуқуқлари ва қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки камситувчи муомала ёки жазодан мулозимларга шикоят эта олиш ҳуқуқидан огохлантирилишини кафолатлаш;

- Қийноқ ва бошқа номаъқул муомалани содир этишда маъсул бўлган ҳуқуқни мухофаза қилиш ходимларини халақаро меъёрларга мос келувчи адолатли маҳкама қаршисига келтириш;

- Ҳибсда сақлаш жойларини ваколатли, мустақил ва холис мулозимлар томонидан қийноқлар содир этилишини олдини олишни кўзда тутиб мустақил ва эълон қилинмаган текширувлар ўтказиш тизимини ўрнатиш. Текширув ва ташриф натижалари тўлалигича чоп этилиши лозим. Қамоқда ўлим ҳолати юз берган пайтда, қариндошларга ўлим сабабини аниқловчи тиббий текширув хулосалар берилиши ва мурдани ёриш текширувида улар танлаган вакил иштирок этишга рухсат берилиши лозим;

- БМТнинг қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчиси, Қийноқга қарши Қўмита ва Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси хавотирларини тўла текшириб чиқишга қадамлар қўйиш ва уларнинг тавсияларини самарали амалга ошириш;

- Венеция Коммиссиясига Ўзбекистога Жиноят процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиб қийноқ ва иқрорномалар ҳамда бошқа кўрсатмалар олишда қийноқдан фойдаланиш, ҳамда жиноий ва бошқа суд жараёнларида қийноқлар билан булғанган кўрсатмаларни қабул қилишни зудлик билан таъқиқлаш каби ўзгартиришлари киритишда техник кўмак кўрсатиш сўровини бериш;

Халқаро Ҳамжамиятга тавсиялар:

- Ўзбекистон ҳукумати билан бўлиб ўтадиган барча икки томонлама учрашувлар кун тартибига инсон ҳуқуқлари масалалари ва қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки камситувчи муомалани таъқиқлашни киритиш ва Ўзбекистон ҳукуматини қонунлари ва сиёсати ҳамда уларнинг амалдаги қўлловини халқаро инсон ҳуқуқлари мажбуриятлари билан мослаштиришга ундашлари лозим;

- Инсон ҳуқуқлари, айниқса қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомалани таъқиқлаш Ўзбекистонга тааллуқли бўлган барча кўп томонлама учрашувлар кун тартибига киритиш ва лозим бўлган жойда Ўзбекистон ҳукуматини қонунлари ва сиёсати ҳамда уларнинг амалдани қўлловини халқаро инсон ҳуқуқлари мажбуриятлари билан мослаштиришга ундовчи резолюциялар қабул этиш.

- Ўзбекистон ҳукуматига Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексини қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ноинсоний ва камситувчи муомалани ҳамда қийноқ остида олинган маълумот ёки далилларни жиноий ва бошқа суд жараёнларида қабул этилишини зудлик билан таъқиқловчи ўзгартиришлар киритишда барча лозим бўлган техник кўмаклар кўрсатиш;

- Ўзбекистон суд тизимига топширилган далиллар қийноқ ва бошқа номаъқул муомала остида олинганми йўқлигини аниқлашда инсон ҳуқуқларини сақлашга риоя этувчи тартибни киритувчи қоидаларни эълон этишда барча керакли техник кўмак кўрсатиш;

- Ўзбекистон ҳукуматини БМТнинг махсус Ҳисоботчиларини, айниқса қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчини Ўзбекистонга ташриф буюришига рухсат беришга ундаш;

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши аъзоларига тавсиялар:

- Ўзбекистон бўйича БМТнинг махсус тартиби яратишга ошкора рағбатлантириш

Оврўпа Иттифоқи ва унга аъзо давлатларга тавсиялар:

- Ўзбекистон ҳукуматини инсон ҳуқуқлари поймол этилишини самарали ва мақсадга мувофиқ ҳолда ечим топишда муваффаққиятсизликка учраганлиги учун жавобгар этиш;

- ОИнинг қийноқлар бўйича дастурий қўлланмасига риоя этиш- унда қийноқларни йўқотиш ОИнинг инсон ҳуқуқлари сиёсатида устувор деб аниқ талқин этилади, ва бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш:
  - Қийноқ масаласини Ўзбекистон билан нафақат инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқотларда, балки барча сиёсий музокаралар ва ташрифларда кўтариш;
  - Қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўлловини тугатиш ва самарали ҳимоя воситалари киритишга Ўзбекистонни ундовчи учрашувлар ташкил этиш ва очиқ баёнотлар чоп этиш;
  - Элчихона вакилларини айбланувчилар қийноққа тутилган деб ишонишга сабаб бўлса, суд маҳкамаларни кузатишга жўнатиш.

- Ташқи ишлар Кегаши давомида ОИ миқёсида Ўзбекистон масаласи бўйича шошилинч муҳокамалар ва хулосалар чиқаришга ҳаракат этиш.

ОИ Ташқи ишлар Кенгашига тавсиялар:

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ахволини кун тартибига қайта киритиш ва Ўзбекистон масаласи бўйича чоралар ўз ақтида, сермазмун в самарали бўлишини кафолатлашга керакли ва аниқ одимлар қўйиш;

- Ўзбекистон бўйича хулосалар чиқариш ва унга инсон ҳуқуқлари холи бўйича жиддий тилда мазмун бериш;

- Ўзбекистонда БМТнинг махсус тартиби ваколатини яратишни ошкора қўллаб қувватлаш;

ОИ Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бирлашмасининг Юқори Вакилига тавсиялар:

- Қийноқ ва бошқа номаъқул муомала қўллови бўйича барча юқори даражали учрашувларда, очиқ баёнотларда ва Ташқи ишлар Кенгаши хулосаларида хамда БМТ Инсон ҳуқуқлари Кенгашининг муҳим форумларида аниқ ва ошкора мавқеъ эгаллаш;

Россия Федерациясига тавсиялар

Ўзбекистонга Ўзбек фуқароларини қайтариб жўнатиш ва экстрадиция масалалари бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича Оврўпо Суди чиқарган барча вақтинчалик чоралар ва ҳукмларга тўла амал қилиш;

ЁРДАМ БЕРИШНИ ХОХЛАЙМАН

КАТТА МИҚЁСДАГИ НИЗО ЁКИ ДУНЁНИНГ УНУТИЛГАН БУРЧАГИ БЎЛМАСИН **ХАЛҚАРО АМНИСТИЯ** БАРЧА УЧУН БИРДЕК АДОЛАТ, ЭРКИНЛИК ВА ҚАДР ҚИММАТ УЧУН КАМПАНИЯ ЎТКАЗАДИ ВА ЯХШИРОҚ ДУНЁ ЯРАТИШ УЧУН ОММА ҚЎЛЛОВИНИ РУХЛАНТИРИШГА ИНТИЛАДИ

СИЗ НИМА ҚИЛА ОЛАСИЗ?

Дунё бўйлаб фаоллар инсон ҳуқуқларини емираётган хавфли кучларга қаршилик қилса бўлишлигини кўрсатиб бердилар. Ушбу харакатга хисса қўшинг. Қўрқув ва нафрат ёйувчиларга қарши курашинг.

- Халқаро Амнистияга қўшилинг ва инсон ҳуқуқлари поймол этилишига чек қўйиш учун кампания ўтказаётган дунё бўйлаб харакатига аъзо бўлинг.
- Халқаро Амнистия ишини қўллаш учун бадал хадя қилинг

БИРГАЛИКДА ОВОЗЛАРИМИЗНИ ЭШИТТИРА ОЛАМИЗ

☐ Халқаро Амнистияга аъзо бўлиш хақида қўшимча маълумот олишни истайман

Исм

манзил

мамлакат

емайл

☐ Халқаро Амнистияга бадал хадя қилишни истайман (хадялар UK£, US$ ёки €да қабул қилинади)

миқдор

Мархамат қилиб олинг ☐ Visa ☐ Mastercard

рақам

тугаш муддати

имзо

Мархамат қилиб ушбу формани Халқаро Амнистиянинг мамлкатингиздаги идорасига қайтаринг. Халқаро Амнистиянинг дунё бўйлаб идораларини топиш учун қуйидаги линкга кириング: www.amnesty.org/en/worldwide-sites

Агар мамлакатда Халқаро Амнистия идораси йўқ бўлса, ушбу формани қуйидаги манзилга йўлланг

Amnesty International, International Secretariat, Peter Benenson House,
1 Easton Street, London WC1X 0DW, United Kingdom

СИРЛАР ВА ЁЛҒОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЙНОҚ ОСТИДА ОЛИНГАН МАЖБУРИЙ ИҚРОРНОМАЛАР

Қийноқ ва бошқа номаъқул муомала Ўзбекистонда қатъий ва кенг тарқалган. Хавфсизлик кучлари ва қамоқхона қўриқчилари қийноқ ва бошқа номаъқул муомалани ҳибсга олиш вақтида, ҳибсхоналардан кўчириш пайтида, милиция ҳибсхоналарида, судгача бўлган ҳибсда сақлаш жойларида ва қамоқхоналарда мунтазам равишда қўллайдилар.

Хавфсизлик кучлари қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларини иқрорномалар ва бошқа айбловчи кўрсатмалар олиш ҳамда ҳибсга олинганлар ва уларнинг оилаларини қўрқитиш ва жазолаш учун қўллайдилар. Амалдорлар тарафидан миллий хавфсизликка таҳдид қатори саналган инсонлар ўзгача хавф остидадилар.

Судялар қийноқ, мажбурлаш ва алдовлар йўли билан олинган ишончсиз «иқрорномаларга» қаттиқ таянишда давом этмоқдалар ва қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турлари хақидаги даъволарни хаттоки судда ишончли далиллар билан келтирганда ҳам менсимайди ёки инобатга олмайдилар. Қийноқ қўллаганлиги учун жуда ҳам кам жиноятчилар адолатга тортилганлар ва ҳукумат қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турлари бўйича даъволарни самарали текширишда муваффақиятсизликка учрамоқдалар.

Ўзбекистон ҳукумати қийноқлар мунтазам ва кенг тарқалганлигини ҳамда судлар қийноқ билан булғанган кўрсатмаларни доимий равишда қабул қилишлигини қатъиян рад этиб келадилар. Ўзбекистонда мустақил кузатув механизми йўқ ва ҳукумат мамлакатни инсон ҳуқуқлари ҳолатларини самарали, мустақил ва халқаро текширув ўтказишга рухсат беришдан бош тортиб келади.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга қийноқларни тўхтатиш бўйича босим ўтказишда муваффақиятсизликка учраганлар ва ўрнига терроризмга қарши кураш ва ҳавфсизлик доирасидаги ҳамкорликни инсон ҳуқуқларидан устун қўйганлар.

Ушбу ҳисобот Ўзбекистондаги муаммо миқёсини тасвирлайди ва мамлакат ҳукуматини миллий қонунларни Ўзбекистоннинг қийноқ ва бошқа номаъқул муомала турларини мутлақ тақиқлаш борасидаги халқаро мажбуриятлари билан мувофиқлаштириш борасидаги тавсиялар киритади.

Index: EUR 62/1086/2015
Апрел 2015
amnesty.org

AMNESTY INTERNATIONAL